


قلمستان

# ГУЛИСТОН

11  
1990



303  
1/11

— Насиб бўлса шу чақалоқларнинг  
болаларига ҳам доялик қиламан... (Ҳам-  
шира Салтанат Иброҳимова. Тошлоқ.)



Водиллик ҳамширалар ишдан сўнг...


Сураткаш Р. Нуриноев





# ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ  
ИЧИМЛИК СУВ ВА ТАБИЙ ГАЗ БИЛАН  
ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ ТУҒРИСИДА



Қишлоқни ижтимоий жиҳатдан обод қилишда юз берган катта қолоқликни бартараф этиш юзасидан амалий чоратadbирларни бажариш мақсадида республика қишлоқ аҳолисини 1990—1992 йилларда ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш давлат режасини қабул қилиш зарур деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилсин, қишлоқ аҳолисини марказлаштирилган тарзда сув ва табиий газ билан таъминлашни тубдан кўнайтиришни кўзда тутсин. Кўрсатилган даврда 1,7 миллион қишлоқ аҳолисига водопровод тармоғидан ичимлик сув ва қишлоқдаги 330 мингта уй-жой ҳамда квартирага табиий газ бериш таъминлансин. Шу мақсадда сув билан таъминлаш ишлари ҳажми 3 барабар ва газлаштириш ишлари ҳажми 4 барабар оширилсин.

Совет ва хўжалик идоралари республикада газ ва водопровод тармоқларини қуришга қўшимча моддий техника ресурсларини жалб этиш учун мамлакатнинг бошқа регионлари билан бевосита шартномалар тузишни кенгроқ амалга оширсин, режани рўёбга чиқаришда иштирок этаётган меҳнат жамоалари ташаббуси рағбатлантирилсин. Бу ижтимоий режани молиявий ва моддий-техникавий ресурслар билан устун даражада таъминлаш юзасидан шароит яратилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши 1991—1993 йиллар давомида ҳар йили январ ойида Ўзбекистон ССР Президентини республика қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш режаси қандай бажарилаётганлигидан хабардор қилиб турсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1990 йил 28 июль.



№ 11 (489)

НОЯБР

(Қавс)

1990



Журнал 1925 йилдан  
чиқа бошлаган  
Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
нашриёти

Бош муҳаррир:  
**МИРМУҲСИН**

Таҳрир ҳайъати:

Б. АМИНОВ,  
С. АЗИМОВ,  
Х. ДАВРОН,  
Н. ИБРОҲИМОВ,  
Х. ЗИЕЕВ,  
ШУКРУЛЛО  
И. СУЛАЙМОН,  
Д. ҒУЛОМОВА,  
Ғ. МИРЗАЕР  
(масъул котиб),  
Э. МУҲАММАД,  
А. КАРИМ,  
С. УСМОНОВ,  
А. ҚАЮМОВ,  
О. ҲУСАН  
(бош муҳаррир  
ўринбосари).

Бош мусаввир  
М. Абдуллаев.  
Саҳифаловчи  
Б. Тўхтабоев.  
Мусаххих  
Ҳ. Абдиев.

Манзилгоҳимиз:  
Тошкент, — П, 700000, «Правда»  
газетаси кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош муҳар-  
рир — 33—35—20; бош муҳаррир  
ўринбосари — 33—35—90; масъул  
котиб — 32—58—33; ижтимоий-сиё-  
сий бўлим — 33—36—02; адабиёт ва  
санъат, фаён ва маданият бўлим-  
лари — 33—36—59; мусаввирлар бў-  
лими — 32—58—77.



Хева воҳасида атроф-муҳит мувозанатининг бузилиши натижасида ичимлик суви танқис бўлиб қолаётир. Шу сабабли аҳоли Самарқанддан келтирилган сувнинг бир литри-ни ўн тийиндан сотиб олишга мажбур.

Суратқаш К. Отаев (ЎзТАГ)

## БУ СОНДА:

**Сабоҳат АЗИМЖОНОВА:**



...Гулбаданбегим ўз асари «Ҳумоюннома» сатрларида нозик таъбли, ўткир дид ва фаросатли, ўз даврининг мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳолатига ақл-идрок билан баҳо берадиган олима сифатида гавдаланади.

**Фароғат КАМОЛОВА:**



Бутун халқ йиғилган катта майдонда Шовқин босиб кетар нотик овозин. Сўраган нарсаси бир парча нондай, Ҳамма сўз сўрайди — сўзламоқ лозим.

**Дилмурод САИДОВ:**



Умумхалқ иши ҳисобланган бизнинг ишимизга тўсқинлик қилмоқчи бўлган кишиларга келсак, қайси давр, қандай тузум бўлмасин, ҳар бири ўз яловоч-ларига, манқуртларига эга бўлганлиги-ни эслаш кифоя.

# МОЗИЙ ҲАҚИҚАТИ

Дилмурод САИДОВ,

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси атамалар комиссияси раисининг ўринбосари.

**Х**алқимизнинг маънавияти тарихига ҳолисанилло назар ташласак, бу юрт не-не фозиллари шоирлар, оқинлар соҳибқиронларнинг юрти бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Ўз бошидан аччиқ ситамларни кечирган, аммо фалакнинг ёзмиши экан, деб бўйин эгишни ўзига ор билган аждодларимиз жасоратидан ҳақли суратда фахрланди, аммо тарқалмади. Зулмнинг зўригидан урф-одатлар, анъаналар барҳам топди, шарқона меҳр-оқибатга пугур етди. Узоққа сормайлик, яқин ўттизинчи йиллардаги оммавий қириннинг ўзи халқларни «ўтир», деса ўтқазиб, «тур» деса турадиган қилиб қўйди. Одамлар муте турмуш кечиришга маҳкам этилдилар.

Мана шундай ҳукмрон сиёсат бизларни ҳам аждодлар хотиридан ажратди. Тилимизни, дилимизни, шууримизни ўз эзимга солиб қўйди. Байналмилалчилик деган сохта никоб билан кўзимиз тўшилди. Минг-минг йиллик тарихимиздан юз ўгирдик. Узоқ вақт сукут сақладик. Қадриятларимиз топталди. Кўриб туриб кўрмасликка олдик. Баъзан сөзгир, тўғри сўз, ҳалол, покиза, бўлар сўзни айтган ижодкорларни, халқпарвар кишиларни қувгин қилишди, таъқиб остига олишди. Илмомиз бир эмас икки маротаба «янги»ланди. Гўё биз бир дарахт бўлсак кўкка бўй чўзмадик, ерга қараб ўсдик. Бошқачароқ қилиб айтганда, томқримиз ер юзида қолиб танамиз ер остига кўмилди. Жилва-бардорларимиз бизни ана шундай усталик билан тесқари ўстириб бор овоз билан қолок, саводсиз омманни маданиятли қилиб тарбиялашимиз, деб оламга жар солдилар. Бора-бора ўзимизни маданиятли бўлиб бораётгандай ҳис эта бошладик гўё. Аслида-чи, ўз тарихимиз, ўзалигимиз, одамийлигимиз, маданиятимиз, еримиз, сувимиздан тондик. Ҳатто ота-онамизни тан олмайдиган тўтиқушларга айлана бошладик. Ичдан бузилдик. Ўз ота тупроғида яшаб, она тилини унутганлар кўпайгандан-кўпайди. Гўё ота-боболари тилида гаплашса маданиятсиз бўлиб қолармиш! Зиёлилар оиласида ўзбек тилида гаплашишга ор қиладиганлар ҳатто тилимизга Давлат макони берилганидан кейин ҳам суботсиз, ориятсиз бундай кимсалар ўз она тили билан фахрланиш ўрнига уни тан олмасдан, оёқ тираб туришибди. Шунинг оқибатида оммавий ҳаракат — давлат тили ҳақидаги қонуни амалга ошириш йўлидаги уринишлар баъзан тўсиқларга чўрамоқда. Шунга қарамай кўнчилик бир ёқадан бош чиқариб яқил ҳаракат қилмоқда. Хатолар туза тилмоқда. Бундай уринишларимиз эса бесамара бўлиб қолмаётир. Мана, биргина Тошкентдек шаҳри азим кўчалари, мавзелари номланишига эътибор қилинган. Шаҳримиздаги 486 та кўча, мавзе, жой номлари Горкий, Шевченко, Иванов, Петров каби қардош халқлар номояндалари исми билан юритилиб, 257 та кўча, жой номлари ўрта осиелик алломалар номида экан.

Буни қаранг, бизнинг нақадар қардошликка садоқатимиз баланд! Ҳатто кўчаларга ном беришда ҳам ўз улушимизни дўстларимизга инъом этиб юборамиз. Ҳатто «Фигурная», «Открытый» каби ҳеч бир маъносиз сўзлардан ташкил топган жой номлари сони 300 дан ортиб кетганди. Бу ерда изоҳга ҳожаат бўлмас керак.

Юқорида қайд этилган номутаносибликни бартараф этиш, халқимизнинг муносиб фарзандлари хотираларини абадийлаштириш мақсадида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси 1988 йил декабрида жой номларини белгиловчи Атамалар жамоасини тузди. Мазкур жамоа таркибига халқимиз, юртимиз тарихини яхши билган, шаҳарнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ соҳаларда ишловчи нуфузли кишилар жалб этилди.

Адабиётшунос олимлардан Иристой Қўчқортоев, Муҳсин Зокиров, тарихчилардан профессорлар Қодирхўжа Фозилхўжаев, Ғулмоқдор Рашидов, шаҳар Бош расоми Р. Юсупов, ёзувчи Мирмуҳсин, Дадахон Нурий, меҳнатда ўрнак кўрсатган шаҳар оқсоқоллар Кенгаши раисининг ўринбосари Т. С. Содиков шулар жумласидандир.

Атамалар жамоаси қисқа вақт ичида 260 та кўча, мавзе, мактаб, маҳалла, корхона, ташкилотлар номини ўзгартирди, айрим номсизларига ном берди.

Шу жумладан 12 та тарихий жой атамаси ва 49 та тарихий шахслар номлари тикланди. «Високовольтний» мавзеи ўзининг тарихий «Яланғоч» даҳаси номи билан атала бошланди. «Москва» меҳмонхонасига жойлашган ўрнига кўра «Чорсу» тарихий номи берилди.

Тошкент вилояти Калинин ноҳияси худудидан Тошкент шаҳрига ўтган ерларда қурилган турар-жой мавзеи номатълум сабаблар билан «Калинин массиви» деб номланиб қолган эди. Аҳоли талабига кўра ва турар-жой ўрамининг янги ТошМИ шифохонасига яқин жойлашганлиги инобатга олиниб тиббиёт илмининг сарбони Абу Али ибн Сино номи берилиб, «Абу Али ибн Сино мавзеи» деб юритиладиган бўлди...

«Ясний» мавзеи аҳолисининг сўровига кўра бу жойга атоқли саркарда, тарихий шахс, Хумоюн номи берилди. «Солнечный» мавзеига эса ўзбек классик адабиёти намояндalarидан бири Аҳмад Югнакий номи берилиб, «Аҳмад Югнакий мавзеи» деб атала бошланди.

Пойтахтимизда барпо этилган маданият ва истироҳат боғларининг бирортаса ўзбекча ном билан аталмас эди. Бу ҳақда шаҳар меҳнатқашларидан кўплаб эътирозли мактублар олинди. Шунингдек, бу ҳақда жумҳурият матбуотида, радио ва телевидениеда қатор танқидий гаплар айтилган. Шаҳар меҳнатқашларининг эътирозлари тўғри деб топилди.

Киров номи билан юритиладиган майдон, кўча, ноҳия, мактаб, ёдгорлик мавжудлиги ҳисобга олинди, унинг номи билан аталадиган маданият ва истироҳат боғига Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи берилди. Шунингдек, Тошкент дарвозаларидан бири

ҳисобланмиш тайёрагоҳдан бошланувчи Б. Хмельницкий кўчасининг Ш. Руставели кўчасигача бўлган қисмига ҳам Бобур номи берилди. Шаҳримиздаги марказий истироҳат боғи Ленин комсомоли номи билан аталли ҳисобга олинди, «Ўзбекистон ЛКСМ 40 йиллиги» номи истироҳат боғи ЮНЕСКО Қарори асосида ва шаҳар меҳнатқашлари илтимосига кўра Муҳаммад Тарагай Улугбек хотирасига «Улугбек номи маданият ва истироҳат боғи» деб қайта номланди.

Ал-Хоразмий, Қозисода Румий, Темур Лалик, Шарифиддин Илокий, Шоҳаким Тошкандий, Абу Бакр ибн Исмоил Шошӣ, Аҳмад Яссавий, Закариё Розий каби тарихий шахслар, олим, шоир ва саркардалар номлари шаҳримиз кўчаларига, мактабларга, мавзеларга берилди.

Истибод йиллари қурбонлари Мирали Мирқаримов, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир хотиралари ҳам абадийлаштирилди.

Мирали Мирқаримов номи Киров ноҳиясидаги «Вашкрская» кўчасига, Чўлпон номи Ҳамза ноҳиясидаги «Учительская» кўчасига ва 258-мактабга, Усмон Носир номи 242-мактаб ва Тошкент мактаб ўкув юртига, Фитрат номи «Новый путь» кўчасига берилди.

Шунингдек, кўплаб кўчаларга, мактабларга ўзбек совет даврининг атоқли кишилари, фан, санъат намояндалари номлари берилди. Академиклардан Яхё Ғулмонов, Ғани Мавлонов, Саъди Сирожиiddинов, Марат Нурмухамедов, Аҳрор Музаффаров, Содиқ Азимов номлари, санъаткорлардан Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурхонов, Миршоҳид Мирқилолов, Амин Турдиев, Соиб Хўжаев, Ҳамза Умаров номлари, давлат арбобларидан Аъзам Хўжаев, Жаҳон Обидова, Асадулла Хўжаев номлари абадийлаштирилди. Бу бир томондан улуг кишиларга халқ ҳурматининг ифодаси бўлса, иккинчи томондан мана шу кўчалардан ўтган, шу мактабларда таҳсил олганларнинг фахр ва ғурур билан аждодларини эслаб, хотирлаб туришига сабаб бўлади.

Шаҳримиздаги 300 га яқин ҳеч бир маъно аналтамайдиган кўчалар, мавзелар рўйхати қайта номланиш учун аҳоли фикрини билиш мақсадида «Тошкент оқшоми» рўзномасида эълон қилинди. Эълон бўйича шу йилнинг саккиз ойи давомида 132 та кўча номи ўзгартирилди. Йил охиригача мазкур рўйхатдаги атамалар халқимиз дили ва дилига мос келадиган номлар билан ўзгартирилади.

Жумҳурият давлат тили ҳақидаги Қонунининг 24-моддасида: «Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, кишлоқлар, ноҳиялар, кўчалар, майдонлар, бекаатлар, тарихий обидалар ва бошқа жугрофий-худудий ўринларнинг номлари миллий шаклда берилди ва ягона давлат тилида ёзилади» дейилган. Қонуни қабул қилинган кундан то шу кунгача 1092 та кўча, 9 та мавзе номида рининг кўрсаткичлари миллий шаклда берилиб, ягона давлат тилида ёзилди. Ҳозиргача жами 22800 та кўрсаткич ўрнатилди. Йил охиригача 2000 та кўча ва мавзе бўйича 36000 кўрсаткич ўрнатилди.

Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатувчи йўловчи транспорти Бошқармаси, шаҳар савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, деҳқон бозорлари бошқармалари бошлиқларига, Давлат Йўл ҳаракати хавфсизлиги идораси раҳбарларига Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 24-моддаси бажарилиши юзасидан расман кўрсатма берилди ва уларнинг фаолиятлари назоратга олинди. Бу борадаги суствашликлар учун шаҳар, ноҳия миқёсида иш юритувчи маиший хизмат, савдо шохобчалари, корхоналар раҳбарлари огоҳлантирилди. Уларга шу йилнинг охиригача «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги Қонуни» талаблари бўйича қатор тадбирларни амалга ошириш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Тошижроқум Атамалар жамоаси мазукур қонун бажарилиши юзасидан Ўзбекистон ойнаи жаҳони, ҳаво мавжлари, матбуоти ходимлари билан биргаликда йил давомида 12 марта баҳс ташкил қилди. Жамоа фаолияти ҳақида аҳоли матбуот ва бошқа воситалар орқали доимий равишда хабардор қилиб турилаёпти.

Бироқ амалга оширилаётган бу ишлар айрим ҳамшаҳарларимизга ёқмаётди. Улар ўзларини ўзбек халқи томонидан камситилаётган қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Иттифок, жумҳурият миқёсидаги раҳбарларга, матбуотларга асосиз равишда шикоят ва мактублар йўлламоқдалар. В. Дядиченко, Х. Князев, А. Пак, И. Адаев, И. Ишченко каби қатор ҳамшаҳарларимиз ўзининг ўринсиз шикоятлари «Рабочая трибуна», «Ветеран» каби рўномалардаги ноқониз мақолалари билан ишимизга халал беришга ҳаракат қилмоқдалар. 20—30 ва ҳатто 50—60 йил ўзбек юртида яшаб шу юртинг суви-нини ичиб, нонини еб, маҳаллий тилни билмасликларидан уялмайдиган бу кимсалар Давлат тили ҳақидаги Қонунга ўзга миллатни камситувчи дастур сифатида қора чапласга ўтиб олишган.

Сўзимиз бошида халқимиз тарихи, аждодларимиз хотираси ҳақида тўхталган эдим. Дарҳақиқат, бу юртда Исмоил аф Вухорий, Абу Исо ат Термизий, Махмуд Қошғарий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Ал-Хоразмий, Навоий, Бобур, Нодира, Машраб каби юзлаб алломалар вояга етган. Бу юрт тупроғи Жалололдин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темир каби жасоратли ўнлаб саркардалар киндик қони томган, Спи-тамен, Тўмарис, Муқанна, Торобий, Номоз, Курбонжон додхон, Бобон Алибой ўғлидек минглаб халқ қаҳрамонлари камол топган муқаддас тупроқдир. Бу юрт тупроғини та-воф қилса арзийди. Чунки бу юрт фозилу шоиру олимлар қадами теккан, эрк учун, озодлик учун асрлар давомида курашиб ўтган қаҳрамонлар қони томган муқаддас тупроқдир. Уни эъзозламаган меҳмон бу юртда кадр топмас. Бу тупроққа оёқ қўйиб уни кўзга суртмаган мезбон рўшнолик кўрмас. Бу юрт халқининг тилида «Хамса» битилган. Бу юрт сўзлаган тилда ашъор битиб, Лутфий камол топган. Бу тилда ёзилган «Улғубек хазинаси», «Диёнат», «Меъмор», «Жайхун устида булутлар», «Меҳробдан чаён», «Утган кунлар», «Умид», «Фаргона тонг отгунча», «Қўшчинон чироқлари», «Кўрган кеңирганларим», «Наврўз», «Сароб», «Тобутдан товуш», «Ҳазрати инсон» каби неча ўнлаб асарларни дунё халқлари ўз она тилларига таржима қилиб ўқимоқдалар. Зеро, халқимиз иродаси олдида Чингизхон, Исқандар Зулқарнайн, Воязидек дунёни ларзага солган жаҳонгирлар ҳам тан берганлигига кўхна тарих гувоҳ, тарихин эса ўчи-риб ҳам, синдириб ҳам, ёндириб ҳам бўлмай-ди!

Умумхалқ иши ҳисобланган бизнинг иши-мизга тўсқинлик қилмоқчи бўлган кишиларга келсак, қайси давр, қандай тузум бўл-масин, ҳар бири ўз яловочларига, манкурт-ларига эга бўлганлигини эслаш кифоя. Ман-курту яловочлар доимо ўзгариб турганлар. ХАЛҚ ва ҲАҚИҚАТ эса абадийдир.



Дано қариялар: «Табиатнинг инъом-эҳсонларини суиистеъжол қилиш ярамайди. Кўп берса ке-рагича олиш, оз берса қаноат қилиш керак», дегувчи эдилар. Афсуски, табиатни ҳам ўз ҳук-мимизга бўйсундирмай, деган ширга амал қилиб, оқибатда бо-ши берк кўчага кириб қолдик. Она табиатимизнинг атроф-муҳи-тининг зарарли кимёвий восита-лар билан заҳарланаётгани, ер ости бойликларининг талон-та-роғ қилиниши, сунъий кўллар, чўлу бидеонларда шаҳар ва қиш-лоқлар қуравериб, ернинг остки-устки қатламларидаги мўътадил-ликни, барқарорликни бузаётган-имиз табиатнинг ноёб эҳсонла-рига пугур етказмоқда. Кечаги «очил дастурхонимиз» ўз «сеҳ-ри»ни йўқотиб, бўшаб қолмоқда. Одамлар орасидан меҳр-му-ҳаббат, оқибат кўтаришмоқда. Шахсий манфаатдорлик керагидан ҳам зиёд кучайиб, нарх-на-волар ошмоқда, оқибатда ижти-моётимизда иқтисодий танглик вужудга келмоқда.

Хўш, нима қилиш керак? Биз-нингча, бирдан-бир йўл — жа-миятимизда исрофгарчиликларга таъоман чек қўйиб, ишларимиз-ни иқтисодий асосга қўришимиз керак. Юқорида айтилгандек, ҳавони заҳарлаётган, талон-та-роғ қилаётганларнинг йўлини тўсиш, курашиш керак.

Биз қозғ исрофгарчилиги ху-сусида гапирмоқчимиз:

...Винодан унча узоқ бўлмаган чикиндилар уюми олдида уч ки-ши турарди. Турқи-тароватлари-дан пайқадимки, улар нуфузли идоранинг ходимлари. Остларида бир уюм қозғ. Қозғалар тахми-нан 150—160 килограммча кела-ди. Улар идораларнинг турли хил бланкалари, фахрий ёриқлари, қарорлари ва ҳоказолар. Киши-лар у ёқ-бу ёққа қараб олишид-да, қозғ уюмига ўт қўйишди.

Не хаёллар оғушида қолдим. Қозғалар ёнаёпти. Гўё ўзим ҳам шу аланга ичида ўрганаман. На-ҳотки бугунги қозғ тақчиллиги-нинг миқёси бутун мамлакатни талвасаса солиб қўйилганини ҳеч ким тушунмаётган бўлса? Тушуншади. Аммо одамлар ло-қайд, раҳбарлар бурнининг ости-дан нарини кўролмайдиغان бўлиб қолишган!

Бир пайтлар, тараққиётнинг илк босқичида авлоду аждодла-римиз ёзувларини — саналарни, дил сўзларини, шаклу шамойил-ларини минг азоб билан ҳайвон-ларнинг терисига битишга иқти-дорлари етган эди. «Қўрғон»нинг илк нусخаси кийикларнинг нозик терисига битилгани сир эмас-ку! Ҳатто даракларнинг нўстлоғи ва баргларига, яланғоч таналарига ёзишган. Тарихий мўназарга мурожаат қилдиган бўлсак, қо-ғоз эрамиздан аввалги II асрда илк бор Хитойда (хитойлик қозғ кашфиётчилари Ҷай дун Ўсимли-гидан қозғ яратдилар), IV асрда Японияда, VI—VIII асрларда Эрон, Марокко мамлакатларида,

кейинги асрларда эса бизнинг мамлакатимизда пайдо бўлган. IX асрнинг 60-йилларида эса ниҳоят қозғ ишлаб чиқариш корхоналари, дастгоҳлари барпо этила бошланди.

Мавзумиз беҳуда ёндирилаёт-ган қозғ ҳақида борар экан, кундалик турмушимизга бир на-зар ташламай илож йўқ. Ҳам-маизга маълумки, жумҳурияти-мизнинг йирик шаҳарларида, но-ҳияларнинг марказий бозорлари-да қанчадан-қанча қозғ исроф-гарчиликларга гувоҳ бўлиш мумкин. Автотранспорт восита-ларида (автобус, трамвай, троллей-бус), кинотеатр, концерт, цирк томошаларида қанчадан-қанча патталар фойдаланиб бўлгач, оёқ остига ташланади. Идоралар орасида ҳукм сураётган хатбоз-ликнинг эса чеки йўқ. Мажлис-бозлик, аризабозлик, хатсиз одам-нинг одамлигига ҳам ишонмай-диган бюрократ ташкилотлар...

Лоқайдлик, совуққонлик оқиб-атида тонналаб қозғ исроф бўла-пти. Бу ахир увол эмасми? На-ҳотки ташкилотлар уларни нобуд қилмай, тежаб-тергаб ишлатиш йўллари йўқлиги билан бўлса, бо-шқа бир буюмлардан фойдаланиш чораларини ахтариб топишлари мумкин эмас?! Одий мисол. Одатда магазин ва турли савдо дўконларига қозғ қўтичларга солинган ҳар хил маҳсулотлар-келади. Бироқ ўша қозғ қўтич-лар ўз вазифаларини ўтаб бўл-гач, ёқилги ҳандақларида куй-дириб юборилади. Нега? Наҳотки бу қўтичларни қозғонини қайта ишловчи фабрикаларга юбориб бўлмас. Ундан балки қурилиш-боп материаллар ишлаб чиқа-риш мумкин. Италиялик кашфи-ётчилар эса ҳатто чикинди-қозғлардан (челакка ташланган-ни) уй-рўзгор учун сумкалар, бо-лалар учун турли-туман ўйин-чоқлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришди. Визда-чи? Визун қайта қуриш, ҳурият бў-либ, чет элликлар билан ҳамкор-лик қилишнинг имконияти бор пайтда мана шу жиҳатларга ҳам эътибор берилмапти.

Жумҳуриятимизнинг қайси бир бозорида бўлманг, пистафу-ришлар газета ва журналларни парча-парча қилиб ишлатишайт-ганини кўрасиз. Жумҳуриятимиз фуқаролари бир йилда ўрта ҳисоб билан 25 сўмлик, шундай муш-тарийлар ҳам борки, улар 50—70 сўмлаб газета ва журналларга обунга бўлишади. Ҳозир эса қозғ тақчиллиги сабаб бўлиб, газета ва журналларимизнинг баҳоси 2—3 баробар ошди. Албатта ҳар бир ўқувчи матбуотимизнинг кунда-лик нашрларини тўплаб, тахлам қилиш имкониятига эга эмас. Хўш, қозғонин исроф этмаслик учун нима қилиш керак? Ичим-ликдан бўшаган ишани қайта топшириш, эвазига ҳақ олиш мумкин, аммо нима учун ҳар бир газетга 1 тийиндан, жур-нал учун 10 тийиндан ҳақ тўлаш мумкин эмас? Балки шунда қо-ғоз иқтисодиётига ўта сезгирлик билан қараган, қанчалар қозғ-боп даракларни қанча қолган бў-лардик. Агар мамлакатимизнинг ҳар бир хонадонини йилда камида 5—6 килограммдан қозғ топ-ширганида ҳам халқ хўжалиги-га ҳадис иқтисодий фойда кел-тирилган бўларди.

Қозғ қозғонини қозғ қозғонини

# gün bə urur-ogäitläp

**Х**ар бир юртнинг тарихи ва маданиятидан маълумки, кишилик жамиятининг ривожланишида, тараққий этишида халқ урф-одатлари, эътиқодининг масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам дин ва урф-одатлар авлодлардан авлодларга ўтиб умр кечирмоқда ва бундан кейин ҳам яшаяжак. Бирор диндорнинг ноҳўя хатти-ҳаракати билан бутун бошли динни йўққа чиқариб бўлмаганидек, умумхалқ томонидан қабул қилинган, сигнал ҳам фақат эзгу орзу-умидларга чорловчи қадимий, анъанавий урф-одатлардан ҳам кўр-кўрона юз ўгириб бўлмайди. Аксинча, дин нимаю урф-одатлар нима — ана шуларни узоқ турғунлик йиллари мобайнидаги ўзга эътиқод, ўзга тартиб-қоида, анъаналардан ажратиш фурсати етди.

Юқоридаги ҳар икки тушунчани англаш ва тафаккур қилиш учун энг аввало уларнинг чуқур илдизларини бевосита мусулмон дини билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарур. Бунда кўпроқ эски ўзбек ёзувиغا зарурат туғилади.

Урта Осиё халқлари VII асрнинг бошларида, яъни ҳижрий сананинг 22-йилларида ислом динини дастлаб қабул этганликлари, у кириб келгунга қадар бу ерларда яшовчи халқлар қайси динга эътиқод қилганликлари ҳақида турли ривоятлар бор. Баъзи тарихшунослар, масалан, Муҳаммад Рамзийнинг «Талфиқул осор ахбор таърихил-булғор» китобида ёзилганидек, асосан мажусий дини, яъни зардуштий дини ҳукм сурган, десалар, бошқалар Урта Осиёнинг жанубий қисмида буддизм динига эътиқод қилган кишилар бўлган, деган

тушунчаларни изҳор қиладилар. Дарҳақиқат, оташпарастлик эътиқодининг баъзи қолдиқлари ҳозиргача сақланиб келинаётгани, масалан, келини олов атрофида айлантириш расми Ўзбекистоннинг баъзи вилоят ва чека ноҳияларида учрайди. Еки бўлмаса Урта Осиёнинг деярли барча жумҳурият халқларида мозорларга шам ёқиш одати ҳамон сақланиб келинаётир. Аммо тарихий манбаларда Урта Осиё халқлари еттинчи асрнинг биринчи ярмида, яъни ҳижрий сананинг 22-йилларида ислом динини қабул қилганликлари қайд этилган.

Ислом таълимоти бўйича дин нима? Дин — бу кишилик жамияти бошланганидан бери одамлар дунёда бахтли-саодатли, тинч-тотув яшашлари учун тангри томонидан тузилган илоҳий қонун тўпламидир. Илоҳий қонун ва ҳуқумат қонуни инсонларнинг бошқа махлуқотлардан афзал ва олий даражада ҳаёт кечириши учун хизмат қилади. Лекин илоҳий қонун билан ҳуқумат қонуни ўртасида фарқ шундаки, дин инсоннинг кўпроқ имон-эътиқоди, виждонини қувватлантиришга ҳаракат қилади. Ҳар бир кимса гарчи бу дунёда гуноҳларини яшириб, тегшши лажо олмаган бўлса-да, лекин охираббат албатта жазосиз қолмайди, деган тушунчани талқин қилади, одамлар онгига сингдиради. Ҳуқумат қонунини эса гуноҳ исбот қилинмаса, ҳар қандай жиноят жазосиз қолиши мумкин. Бинобарин динга содиқ, динга ишонган киши зоҳиран ҳам, пинҳонан ҳам жиноят қилмасликка интилади.

Шу билан бирга ислом динининг бешта аркони борки, улар инсонларни имон-эътиқод, намоз, рўза, закот ва ҳажга тарғиб қилади.

ИМОН — инсонларнинг ишончи ва виждонидир.

НАМОЗ — инсонларга хос тан ҳаракатидир.

РУЗА — инсонларни қаноатга ўргатади.

ЗАКОТ — инсонларнинг эътиқодини мустақкамлаш учун хизмат қилади, шу билан оллоҳнинг бандаларига ҳамият кўрсатилади.

Инсоннинг оламга, инсоннинг инсонга бўлган муносабати унинг одобиди кўринади. Куръони Каримда ва пайгамбаримиз ҳадисларида инсонларга хос бўлган бир қатор фазилатлар қайд қилинган. Булар асосан кишилар ўртасидаги меҳр-шафқат, сабр-қаноат, рост-гўйлик, ҳалолик, мардлик, одиллик, ота-онага бўлган муҳаббат, катта ва кичика бўлган иззат-ҳурмат қабилардан иборатдир. Мана шу фазилатларга бўйсуниб ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Юқорида қайд этилган фазилатлардан ташқари ислом оламида бир қатор инсоний урф-одатлар мавжудки, булар инсонларни бир-бирлари билан тинч-тотув яшашлари учун даъват этади.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг узоқ йиллар давомида тақририй бажариб юриш натижасида кундалик одатга айланиб қолган, лекин бирор динда ёки қонунда кўрсатилмаган ишлари ҳам мавжуддир. Худди шу ишлар — ҳаракатларни урф-одат деб атаймиз. Агар бу одатлар динга ёки жамият қонунига зарарсиз бўлса, уларни ўз ўрнида қолдириш маъқулдир. Жумладан, бир-бирларидан хабар олиш, қарияларни, зиёдиларни, ота-оналарни зиёрат қилиш, бир-бирларини муборакбод этиш, дунёдан ўтганларни ёдлаб, уларни эслаш каби бир қатор урф-одатлар Урта Осиё халқлари ўртасида кенг тарқалган.

Шу билан бир қаторда ислом дини буюрмаган бидъат ва хурофотлар ҳам мавжуддирки, бу ҳақда ҳам қилиб кўйган яхши. Дини аҳком қонунларида бўлма-

ган амалларни гўё шариятда буюргандек эътиқод билан бажариладиган турли хил маросим ёки одатларга бидъат дейилади. Бидъат исломнинг II — III асрида аста-секин пайдо бўла бошлаганига қайд этилади айрим манбаларда.

Диний таълимотга ҳам, илм-фанга ҳам тўғри келмайдиган турли афсонаю миш-миш гаплар хурофот дейилади. Масалан: «Дуо билан сувни тескари оқизиб юборармиш» ёки «Мозорга жонлик назр қилган киши муродига етармиш» ёки «Рух қапалак шаклига кириб, хонадонларда учиб юрармиш», каби ривоятлар на динда мавжуд, на илм-фанда.

Ислом дини бу каби бидъат ва хурофотларга қаршидир. Лекин бир неча минг йиллар мобайнида халқ ичида ўрнашиб бу иллатлар қанчалик диний таълимотга зид бўлмасин, таг-томири билан йўқотиш амри маҳол бўлиб турибди. Масалан, мусулмончиликда бир инсон вафотидан сўнг уни ювиб, қафанлаб, жанозасини ўқиб дафн қилиш билан диний кўрсатмалар бажарилган ҳисобланади. Лекин Урта Осиёда яшовчи мусулмонларда марҳумнинг дафнидан сўнг еттиси, йигирмаса, қирқ кунлиги ўтказилиб, махсус маросимлар ўтказиш шунчалик одат бўлиб қолганки, уларни ўзгартириш учун диний арбоблар ва уламолар томонидан қанчалик ҳаракат қилинса-да, самара бермаётир. Халқимизнинг илмий ва маданий тараққиёти учун тўсиқлик қиладиган ҳар қандай бидъат ва хурофотларни кенг жамоатчилик кучи билангина бартараф этиш мумкин. Мамлакатимизнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши йўлида мана шундай баб-баробар ҳаракат қилишимиз зарур.

АБДУВАЛИ ҲОЖИ ЮСУФ ҲУЖАЕВ

Яна ўша ёнаётган қозғоларни эслайман. Агар ҳар бир шаҳарда мана шундай 40 та қозғобоз бўлса, уларнинг ҳар бири йил давомида ўртача 150 киллограмдан қозғоз ёқши... Жумҳурият бўйича-чи? Жамоа ва давлат хўжаликлари, мактабларни қўшиб ҳисоблаганда йилга 800—900 тоннага яқин қозғоз куйдирилади. Бу ҳали инсоф билан хомчўт қилингани.

Аҳолидан эски нарсалар қабул қилиб олиш идораларининг ҳам ишларини тамоман қайта қуриш лозим. Эътибор қилинган, 1 ки-

лограм қозғоз учун атиги 1 ти-нидан ҳақ тўланар экан. Демак, 1 тонна қозғоз учун 10 сўм, 1 тонна қозғоз тўплаганинги ўзи бўладими? Мана, нима учун олтин билан ба рабар баҳоланаётган қозғознинг қадри қандай йўл билан ерга уриляпти!

Кейинги 5—6 йил ичида мамлакатимизда қозғоз ишлаб чиқариш кескин камайиб кетди. Марбаа, на ширётларимизда қозғоз тақчиллиги рўй бера бошлади. Мактабларимизга ҳам ўқув қуроллари етказиб бериш ноҳор аҳволда.

Маълумотларга қараганда, 1 тонна қозғоз ишлаб чиқариш учун 4,4 кубометр ёғоч ишлатилади. Бир ниҳолнинг дарахт ҳолига киргунига қадар қанча вақт керак? Ун йил — ўн беш йил!! Тўғри, биз қозғозни ўз пулимизга оламиз. Аммо ҳар нарсанда ҳам меъёр бор, чек-чегара бор. Ахир халқимиз: «Нон тепкилаган кўр бўлади», деб бежиз айтмаган.

Хайриятки, мамлакатимизда кенг қулоқ ёйган қайта қуриш, ошқоралик, демократия иқтисодий қаддимизни тикламоқда, ўзимизга қич-қувват бахш этмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳар биримиз уйда, кўчада, ишда йўл қўяётган кечази, буғунги қозғоз исрофгарчиликларимизга чек қўйиб, эртанги куннинг ташивлари билан ҳисоблашиб яшашга одатланишимиз керак. Ҳеч бўлмаса фарзандаларимизни табиатга, унинг бойликларига қоқайд муносабатда бўлмайдиغان қилиб тарбиялайлик. Акс ҳолда, келажакда уларнинг олда гуноҳимиз ортаверади...

Турсеян МАҲМАДАНИЕВ,  
журналист

Сарносиё ноҳияси

ТОШКЕНТНИНГ ЁН ИККИ  
ДАРВОЗАСИ

Қадимий Тошкентнинг Қўқон дарвозаси.

704 йили Араб халифалиги томонидан Қутайба ибн Муслим Хуросон амири қилиб тайинланган, унга Урта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлигини ўрнатиб топширилган. Урта Осиёнинг бир қатор шаҳарларини босиб олган Қутайба ибн Муслим 713—715 йилларда Шош (Тошкент)ни истило қилди. Бу даврда шаҳар Салор бўйига жойлашган бўлиб, ҳар томонлама ривожланаётган эди.

Араблар томонидан истило қилинганга қадар Тошкентда қанча дарвоза, неча қатор мудофеа девори бўлганлиги номаълум. Салор атрофида амалга оширилаётган қазилар ишлари вақтида ер қаъридан чиқаётган турли-туман ашёвий топилмалар Тошкент эрамининг бошларидаги анча номдор, ривожланиш жараёнидаги шаҳар бўлганлигидан дарак бермоқда.

Демак, VIII аср охирига келиб, Салор бўйи кўчанчиларнинг тинимсиз хуружи натижасида нотинч бўла бошлагач, аҳоли бу жойни ҳам ташлаб, жуғрофий жиҳатдан қулай бўлган Бўзув (Анҳор) бўйига кўчиб кела бошлаган. Янги шаҳарчада эса аста-секин изга тушиб, аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик, савдо-сотиқ ва хунармандчилик билан шуғуллана бошлаган.

Зардуштийлик ва буддизм, насронийлик ва ислом динларининг бир-бирига таъсири туфайли шаҳарнинг ривожланиши учун ўзига хос шароит вужудга келди. XIX аср тарихчиси Муҳаммад Солиҳ Қори Тошкандий ўзининг «Тарихи Жадиди Тошкент» асарида ва бошқа ўтган аср тарихчиларининг ёдномаларида қайд этилишича, IX асрнинг бошларида янги шаҳар марказидаги бозор майдончасида қўрғон қурилиб, атрофи гир айлан-тирилиб бир қатор девор билан ўралган ҳамда деворнинг уч томониغا Абул Аббос, Жунайд ва Кеш номли дарвозалар қад кўтарган. Шундай қилиб, бу ерда — ҳозирги Чорсу ва Хадра майдони ўрнида шаҳар маркази вужудга келади. Бир қанча вақт ўтгач, шаҳарнинг аҳоли зич жойлашган қисми ҳам иккинчи қатор девор билан, кейинчалик аҳоли тинчлигини чўл кўчманчиларидан ҳимоя қилиш мақса-

дида шаҳарни учинчи — ниҳоятда улкан ва баҳайбат сиртки мудофеа девори билан ўралади. Ташқи томонига кенг ва чуқур — сув билан тўлдирилган зовур ҳандақ қазиларди. Бу ҳандақ ҳам айни вақтда душман учун тузоқ ҳамда тўсиқ вазифасини бажарган.

Шаҳар мудофеа деворлари билан мустақкамланган бўлса ҳам, ташқи дунё билан савдо-сотиқ алоқалари узилмаган. Узоқ шаҳар-мамлакатлардан, воҳаю даштлардан Тошкент бозорига мол олиб келинадиган катта қарвон йўллари туташадиган жойларда махсус дарвозалар ўрнатилган.

Дарвозалар сони турли даврларда турлича бўлган, ҳар бир қатор деворнинг ўз дарвозалари бўлган. Масалан, XVIII асрда саккизта, XIX асрда эса ўн иккита ташқи девор дарвозаси бўлган. XVIII аср охирида Тошкентни саккизта катта йўл кесиб ўтган, бу йўллар аслида шаҳарда бир томонга кетадиган катта, шох кўчалар эди. Булар асосан, қадимий қарвон йўллари бўлиб, Қозоғистон ва Урта Осиё хонлиқларининг асосий мавзелари билан боғланган. Бундан ташқари, ўша вақтларда Шош (Тошкент) шаҳри Осиё ва Оврүло мамлакатларини ўзаро бир-бири билан боғловчи қарвон йўллари чорраҳасида жойлашган эди. Бу йўлдан узоқ йиллар давомида хитой, ҳинд, мўғул, эрон ва арғон савдогарлари ўз молларини олиб ўтиш билан бирга Тошкентда ҳам савдо-сотиқ ишларини олиб боришган, бунинг натижасида шаҳарнинг ҳар томонлама ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Шу даврда шаҳар тўртта даҳага: Себзор, Кўкча, Бешёғоч ва Шайхонтовур даҳаларига қаралган. Тарихий маълумотга қараганда, XIX асрда шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Себзор даҳаси 38 маҳалладан иборат бўлиб, Кайковус ариғидан сув ичган. Бу даҳада 3 та мадраса ва 10 та масжид бўлиб, аҳолиси асосан этникдўзлик, тўқувчилик ва буюқчилик билан шуғулланган. Шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган Кўкча даҳасида 31 та маҳалла, 3 та мадраса ва 51 масжид бўлиб, аҳолиси кўнчилик ва этникдўзлик билан маш-

ғул бўлган. Шаҳарнинг Бешёғоч даҳасида 32 та маҳалла, 3 та мадраса ва 68 та масжид бўлиб, у гўзал боғлари ва гиштчилиги билан ном чиқарган. Шайхонтовур даҳасида эса 48 та маҳалла, 60 та масжид, 3 та мадраса бўлиб, аҳолиси эгарчилик, дегрезлик, тўқувчилик билан кун кечирган.

Юқоридики келтирилган рақамлардан ҳам XVIII—XIX асрларда шаҳар аҳлининг илм-фани, маданияти ва манавияти қай даражада бўлганини билиб олиш мумкин.

Дарвозага келадиган йўллар ҳам дарвоза номи билан атала бошлаган. Самарқандга борадиган йўлнинг бошида Самарқанд, Қўқонга борадиган йўлнинг бошида Қўқон, Чигатойга борадиган йўлнинг бошида Чигатой дарвозалари қурилган. Ҳар бир дарвозанинг ташқи кўриниши эса ушбу шаҳарларнинг ўзига хос меъморий услубида безатилган. Дарвозаларнинг ташқарисида эса кенг майдонни эгаллаб, ястаниб ётган, бир қарашдаёқ киши қалбини музлатиб юборувчи қабристонлар жойлашган. Масалан, Қомолон дарвозаси ташқарисида Хўжа Аламбардор, Кўкча дарвозаси ташқарисида Шайх Зайниддин, Чигатой дарвозаси ташқарисида Кўшчи ота ва бошқа бир қатор қабристонлар бўлиб, улардан кўплари шу кунларга қадар шаҳримиз ўрамларида сақланиб қолган.

Бу қабристонлар дарвозадан чиқиб олиш мамлакатларга кетаётган ёки шаҳарга кириб келаётган кишиларга руҳий таъсир этиб, одамларни бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишларига ундаб турган. Сабоби, совуқ қабристонни қўрган одам охир-оқибат шу ерга келиб кўмилишини, паноҳ топишини кўз олдига келтириб, ҳар қандай ёмон ниятдан, ёвузликдан қайтиб инсофли бўлишга интилган. Улар қабристонларга яқинлашган, от ва арвалардан аста тушиб, аждодлар руҳига ҳурмат юзасидан қўрқон ўқиб, сукут сақлаб, мазорлар ёнидан яёв юриб ўтганлар.

Шаҳар дарвозалари ҳақида тарихчи олимларимиз ва ёзувчиларимиз ўз асарларида ноёб маълумотлар ёзиб қолдиришган. Шу жумладан, Абдулла Қодирий ўзининг тарихий «Ўтган кунлар» романида «... олти газ юксакликда, беш газ кенгликда, икки ёки саккиз газли қўрғон девори билан ўралган, кунботарга қаратиб қурилган Самарқанд дарвозаси...» борлиги ҳақида батафсил ҳикоя қилган.

1865 йилнинг 16 июни куни босқинчи Черняев қўл остидаги 12 замбаракка, бир неча минг солдатдан иборат отрядга эга бўлган рус қўшинлари Тошкент шаҳрини шафқатсизларча ўққа тутиб, шаҳар атрофидаги мудофеа иншоотларини, мудофеа деворларини, шаҳар дарвозалари ва бошқа қўрлаб биноларни бузиб ташлаган. Бу обидаларнинг бир қисми эса кейинчалик турли йилларда бўлиб ўтган кучли эзилмалар ҳамда шаҳарни кенгайтириш вақтида бузилиб кетган. Лекин шаҳарнинг баъзи бир ерларида шиддатли муҳорабалар туфайли шикастланган қадимий девор қолдиқлари яқин кунларгача



Олимжон ХОЛДОР


# Гулбаргил

Ўтга тушган гул баргидек ёнар таним,  
Ҳасратларим, армонларим кўндир маним.  
Ҳолим кўриб суюнадир бу кун таним,  
Эл ичида девонага айландим-ку,  
Бир санамга бойландим-ку, бойландим-ку!

Кўплар мени ошиқ бўлиб қолмиш, дерлар,  
Ихтиёрин бир маҳлиқо олмиш, дерлар,  
Олимжонга ишқ бахтини солмиш, дерлар,  
Халқ оғзида афсонага айландим-ку,  
Бир санамга бойландим-ку, бойландим-ку!

Е фалакнинг кажрафтори чархи шуми,  
Ўқилмаган китобларнинг тархи шуми,  
Жуда қиммат бўлган ишқинг нархи шуми,  
Қадри тушган дурдонага айландим-ку,  
Бир санамга бойландим-ку, бойландим-ку!

Мухаббатнинг кадрига ё етмадимми,  
У бошлаган йўллардан ё кетмадимми,  
Юраккинам буюрганин битмадимми?  
Ақл-хушдан беғонага айландим-ку,  
Бир санамга бойландим-ку, бойландим-ку!



## Қутлуғ қадам

Ғазал пайдо бўлар бўлди мени қийнар аламлардин,  
Сўролмасман юрак сиррин гўзал, қоши қаламлардин.

Хаёллар чулғаса майли тўйи ўтган келинчакдек,  
Севиб-севмай кечар умри дили вайрон санамлардин.

Ўзимни мен қўярга жой тополмасман бу дунёда,  
Нетай, сен бўлмасанг жоним, ўғиргим юз чаманлардин.

Садоқатни адолатдан сўроқлайдир бутун олам,  
Келиб эрдик кўрайлик деб Ирок, Жому Яманлардин.

Сенинг хажрингда кун кўргим, хаёлингга ўзим ёлғиз,  
Мени бечорани ўртаб айирма ҳеч бу дамлардин.

Севишни бир билиб қўйсин жами олам еру осмон,  
Олимжонни дариг тутма бу кун қутлуғ қадамлардин.

## Куядир

Олам куядир, олам бирла жоним куядир,  
Жонимни қўй, жонимни, имоним куядир.

Куйган юрак холини англовчи топилмас,  
Кимга дил очай, дилу забоним куядир.

Бахтимга ўзинг бор-ку десам, дейди адолат,  
Мен бирла бу кун мохи тобоним куядир.

Ўт кетса агар оламга у барчага тенгдир,  
Бир мен эмас, яхши-ёмоним куядир.

Нукта қўйиш эртами, десам ғазалимга,  
Зилзилада дўст бирла душманам куядир.

Ендир мени, куйдир мени дейди Олимжон,  
Не қилгум ахир рўйи жаҳоним куядир.

Анджон

ҳам сақланиб қолган эди. Аммо улар ҳам борган сари емирилиб, йўқолиб бормоқда. Уларни таъмирлаб ёки шу ҳолича сақлаб қолиб, келгуси авлодга қолдиришни ўйлаб кўриш керак.

Дарҳақиқат, ўтган XVIII—XIX асрларда бу шаҳарнинг 12 та дарвозаси бўлиб, булар: Самарқанд, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасарой, Тахтапул, Лабзак, Қашқар, Бешёғоч, Қўқон, Қаймаст ва Комолон дарвозаларидир. Ушбу дарвозалардан кирилгач, энг аввал гузарли кенг майдонга чиқилган, бу гузаргоҳлар 1920 йилларнинг охирига қадар жуда обод бўлган. Наврўз ва кўплаб миллий байрамлар, ҳар хил сайллар, халқ йиғинлари ўтказилган бу майдонда чойхона, ошхона, новвойхона, сартарошхона, жосибчилик, карвонсарой, бозор, қассоблик ва баққошлик дўконлари жойлашган эди. Дарвозалардан бошланиб, шаҳар марказига қатта бозорга олиб борувчи кўчалар йўл-йўлакай жуда кўп кичик-кичик кўчаларга тармоқлашиб кетарди. Кўчалар элган шаҳар бозори фақат савдо-сотик учунгина хизмат қилиб қолмай, балки шаҳар халқи хордиқ чиқарадиган жой ҳам эди.

Шаҳар ҳокимининг турли фармонлари маълум белгиланган жойлардан ташқари, шу бозорда ҳам жарчилар томонидан эълон қилинарди, бозор майдонида дорбозлик, сарбозлик, ўйин-кулги ва бошқа турли томошалар намоиш этиларди.

Афсуски, шаҳарнинг кўҳна дарвозалари шу кунларда сақланиб қолмаган. Лекин уларнинг қаерда жойлашганлиги тўғрисида етарли маълумотлар бор. Дарвозалар шаҳарнинг ҳозирги ўзаро жойлашишига нисбатан тахминан куйидаги ўринларда жойлашган: Комолон — ҳозирги «Бахт» кўчасида; Қаймаст — Ўзбекистон кўчасида 9 январ кўчасига бурилиш ерида; Қўқон — Ленин майдони ёнида; Бешёғоч — Бешёғоч колхоз бозори билан маданият ва истироҳат боғи оралиғида; Қашқар — Қашқар маҳалласи гузари (ҳозирги Марказ — 4 микрорайонида); Лабзак — Хуршид кўчаси билан Анҳор кесишган жойда; Тахтапул — Собир Раҳимов кўчасидаги Кайковус анҳорига қурилган кўприк яқинида; Қорасой — Қорасарой кўчасининг гузарига; Сағбон — Сағбон кўчасидаги 11-мактаб билан Кайковус оралиғида; Чигатой — Чигатой кў-

часидаги Чигатой дарвозаси гузарига; Кўкча — Кўкча гузарига; Самарқанд — ҳозирги «Самарқанд дарвоза» кўчасининг гузари атрофида бўлган.

Бу дарвозалар фақат қамал пайтларидангина эмас, балки тинч вақтларда ҳам ҳар кун қоронғи тушиши билан беркитиб қўйилар эди. Эрталаб барвақт очилар, карвонлар, сайёҳлар ва дарвешлар, боёнлар ва амалдорлар яёв ва фойтуларда виқор билан кеч оқшомга қадар кириб-чиқиб турганлар. Доимо махсус соқчи (дарвозабон)лар кўриқлаб турган бу дарвозаларнинг тарихи «Чортоқ» шаклида бичилиб, пишиқ чорси гишдан мурраккаб қоришмада қурилиб, томи гумбазли қилиб ёпилган. Меъморлар унинг олди кўринишига алоҳида эътибор бериб, улкан пештоқли қилиб лойиҳалашган.

Кечқурун дарвозалар тақта-тақ ёпилиб, шаҳар ичкарисига ташқаридан ҳеч ким киритилмаган. Келувчилар ким бўлишидан қатъий назар дарвоза ташқарисида тунаб қолишга мажбур бўлишган. Қадимги дарвозаларга ишланган эшиклар арча ёғочларидан ясалиб, сиртининг баъзи ерларига безак сифати-

да металл ҳам қопланар ҳамда турли хилдаги ислимий ва гирехий нақшлар билан миллий шаклда безатилар эди. Бу эшикларга яқинлашган ҳар бир киши заҳматкаш усталарнинг маҳоратига, ақл-заковатига таҳсинлар айтишарди.

Гўзал шаҳримизнинг ўн икки дарвозасининг ўн икки қалит нусхалари ҳозирги кунда Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг кўргазма бўлимида тартиб билан тегиб қўйилган. Уларнинг олтидан ясалган асл нусхалари эса Москвада — СССР Давлат банкида сақланмоқда.

Мамлакатимизда, жумладан, жумҳуриятимизда қайта қуриш, ошқоралик, мустақиллик амалга оширилётган шу кунларда, кўҳна Тошкент шаҳар дарвозаларидан бошланадиган кўчаларга шу дарвоза номлари берилиб, мармар тошлавҳалар ўрнатилса ҳамда шаҳар дарвозалари замонамизга мослаб тикланса нур устига аъло нур бўлар эди.

Абдуҷаббор ЯҲЕВ,  
Маданий ёдгорликларни таъмирлаш-иймий тадқиқот институти бош меъмори



# Шоир Элбек

Инқилобдан кейинги дастлабки йилларда шоир Элбек (Машриқ Юнусов) ҳам Абдулла Қодирий, Ҳамза, Айний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлонийлар катори янги ўзбек маорифи, маданияти, адабиёти, матбуоти, тилини ривожлантириш ишларига киришиб кетди. У 20—30-йиллар орасида «Армуғон» (1920), «Кўзгу», «Ёлқин ер» (1925), «Баҳор» (1929) каби шеърлар тўпламлари; «Ойхон» (1920), «Ўрнак» (1924), «Қўшчи Турғун» (1925) каби ҳикоялар тўпламлари; «Гўзал ёвғичлар» (1925), «Билим» (1927), «Бошланғич мактабда она тили», «Луғат ва атамалар» (1924) каби ўқув китоблари ва тил дарсликлари, «Лапарлар» (1922), «Ашулалар тўплами», «Болалар кўшиқлари» (1934—1935 йиллар), оғзаки ижод асарларини тўплаб нашр эттирди, А. С. Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак», «Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак»ларини таржима қилди (1937), «Пушкин ижодига халқ адабиёти ва ўзбекча таржима» (1937) китобини ёзди.

У ёшлиғиданоқ оғир болалик йилларини бошидан кечиради. Туғилган қишлоғидаги моддий ва маънавий қийинчиликлар, Тошкентда кечирган оғир кунлари, дарбадарлик ва сарсон-саргардонлик, маърифатга бўлган ўта чанқоқлик ва қизиқши ижод йўлидаги машаққатларни мардонвор ениб ўтишга даъват этди.

Элбек шоирнинг адабий тахаллуси бўлиб, унинг исми Машриқ, отасининг оти Юнусдир. Шоир Машриқ Юнусов (Элбек) 1898 йили ҳозирги Тошкент вилояти

Хумсон қишлоғида камбағал оилда туғилди. Шоир кейинчалик болалигини эслаб шундай ёзади: «1905 йилда қишлоқ эски мактабига кириб ўқидим. Бу мактабда 4 йил ўқиб, ўқув-ёзувни ўргандим. Отанинг мендан бошқа ҳам болалари бўлгани учун бизни боқа олмасди. Мен ёшлиқдан деҳқончилик ишларига берилдим. 1910—1911 йилларда жуда қийинчилик натижасида, бошқа ака-укаларим каби мен ҳам уйни ташлашга мажбур бўлдим.

Тошкентга 1911 йилда биринчи маротаба келдим, бунда бир кишида қарол бўлиб ишладим. Шу йилда эски шаҳар Девонбеги маҳалласидаги «Хоний» мактабига ўқишга кирдим. Ўқишга кириш мени кўп севинтирди, лекин моддий ёқдан кўп сиқилганлик анча хафа қиларди. Ҳатто қиш кунлари оёқ-яланг қолдим. Ётар ер йўқ. Базан ўртоқларим уйда, кўпичина мактаб хужрасида эски наमत орасида ўралиб ётиб киш ўтказардим» (қаранг: Ж. Шарифий. Адабиёт хрестоматияси, II қисм, Т., 1935, 73-бет).

Бундай узлуксиз қийналишлар унинг асабларини ҳам бўшаширади ва дарс вақтларида муаллимлар билан бўладиган муносабатларида ҳам келишмовчиликлар келтириб чиқаради, шу туфайли интизомсизликда айбаниш мактабдан ҳайдалади. Шундай қийинчиликларга қарамай Элбек 1914 йили шаҳардаги «Намуна» мактабига кириб ўқийди, муаллимлик ҳам қилади, кейинчалик шўро даврида ўқитувчилар тайёрлов курсларида ўқиб, мустақил равишда маълумо-

тини ошириб боради. Элбекнинг ёшлик йилларида ўз бошидан кечирган бу хўрлик-зорликлар кейинчалик унинг «Ўтмишим» (1929) достонида ҳам акс этади.

Шоирнинг «Қўшчи Турғун», «Батрак Қоровой» ҳикояларида асосан ўзбек деҳқонларининг ўтмишдаги оғир ҳаёти, бойлар кўлида эзилиши, уларга қарши олиб-борган норозилик ҳаракатлари қаламга олинди. Бу айниқса унинг «Қўшчи Турғун» ҳикоясидаги Турғуннинг ўз хўжайини Муҳаммадамин даласида ўзи каби хизматчиларга қарата айтган ушбу сўзларда очик кўринади: «Биз шул хўжайинларнинг ишларини ишлагувчи кишилармиз, биз йил-ўн икки ой ишлаймиз-да, орттирган нарсамизга қорнимиз ёлчиб тўймайди, танимиз эса яхшироқ кийим кўрмайдир. Биз ишлаб туриб тўя олмасак... Биз ҳам улардек бир одам. Нечун биз хўжайинимизга бера турган нарсангиз оз, кўпроқ беринг, деб айтмаймиз. Башарти ёлғиз айтишга қўрққанымизда, нечун тўпланиб туриб сўрамаймиз? Агар тўпланиб туриб айтсак, улар нима қиладилар? Ўзлари қўшининг қулгоғини тутиб ер ҳайдарлар, деб айтасизми... Биз ишламасак, булар оч қоладилар, оч қолганларидан сўнг, албатта, биз билан келишишга мажбур бўладилар».

Унинг кўпгина шеърларида бугунги кун учун ҳам долзарб бўлган экологик масалалар: табиат гўзалликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига меҳру муҳаббат, табиатнинг инсон ҳаёти ва болалар тарбиясига кўрсатадиган битмас-туганмас маънавий таъсирлари шавқ-завқ билан куйланади («Бизнинг қишлоқ», «Турналар», «Қалдирғоч», «Лолазорда», «Кўклам» ва бошқалар).

Элбек ўзбек тили ва оғзаки ижоди соҳасида ҳам қалам тебратган маърифат соҳибидир. У профессор Ғози Олим Юнусов, Ходи Зарипов, Буюк Каримов, М. Солиҳов каби тилшунос-фолклоршунос олимлар билан биргаликда ўзбек халқ тили ва оғзаки ижод намуналарини йиғиш ва нашр этилишида, атамалар луғатини тузишда, имло муаммоларини ҳал этишиларида ҳам фаол катнашди. У 1919 йил бошларида Фитрат раҳбарлигида тузилган «Чигатой гурунги»нинг фаол аъзоларидан кейин сифатида иштирок этиб, кейинчалик Шокиржон Раҳимий, Ғози Олим Юнусовлар билан бир-

га ўзбек илмий комиссияси раҳбари ҳам бўлиб ишлади. Чўлпон, Ғулом Зафарий ва бошқалар билан бирга Фарғонадан минглаб халқ мақол ва маталлари, халқ кўшиқ ва лапарларини, этнография материалларини тўплаб келади. Ҳозирги замон ўзбек тилида кам қўлланидиган «Ўзбек халқининг изоҳли луғатига материаллар» деган иш ёзди, ўзбек тилининг мукаммал изоҳли луғатини яратиш учун муҳим манба бўла оладиган «Ўзбек фолклори луғати»ни тузишга ҳам қиришади (қаранг: «Советский фолклор», Ленинград, 1936, № 2—3, 444-бет). У халқ ижодининг дурдоналаридан бўлган кўшиқ (лапарлар)ни кечиктирмасдан тўплаш ва нашр қилишининг биринчи жонқуяри сифатида бонг уради: «Адабий қимматни ўз ичига олган чуқур маънолари билан кўнгилни ўзига тортатурган матал, эртак, чўпчак, жумбоқ ва лапарларимиз бугун ўз-ўзидан йўқолиб борадир».

Буларнинг кундан-кун йўқолиб кетмакда эканини кўриб турган биз ўзбекларнинг албатта жим турмай, буларни тўплашга ва китоб равишда босдириб тарқатишга ҳаракат этмагимиз тегиш эди.

Бу кунларда шу тилакни илгарига суриб ҳаракат қилгувчи Ўзбек билими ҳайъати ва Билим кенгаши илмий ўринлар бор эса-да, бир томондан буларни тўплаш ишига қизиққан кишиларнинг бўлмаслиги, 2-нчидан халқ адабиётининг энг юксалган ўринларнинг тинчсиз бир ҳолда қолиб турганлиги бу ҳаракатларга тўсиқ бўлиб турмоқдир» (Элбек. Лапарлар. «Билим ўчоғи» журнаси, 1922, 1-сон, 96-бет).

Унинг «Имло ва тил қурултойининг қақрилиши олдидан» (1920), «Улка ўзбек имло қурултойи ва унинг қолдирган таъсири» (1921), «Турк тилларининг қонунари тўғрисида» (1922), «Тил дарслиги» (1923), «Тилимиздаги янгиликлар» (1924), «Яна тил, имло масаласи» (1925), «Имломиз устида бир неча сўз» (1927), «Тил — имломиз устида» (1929) каби бир қанча мақола ва қўлланмалари ҳам шоир Элбекнинг тил ва имло масалалари билан асосли равишда шуғулланганидан далolat беради.

Шоир ва педагог, масалчи ва фолклорчи, таржимон ҳам тилчи Элбек 1937 йил Сталин шахсига сийғинишининг оғир йилларида ўзининг бир қатор замондош дўст-



Ўзбекистонда ўтган Қозоғистон адабиёт ва санъат кунлари қатнашчилари (ўнган): Одил Ғекубов, И. Раҳим, Эсенғали Равшан, Қаловбек Турсунқулов, Қаллибек Сейданов, Хонбиби Есенқораева, Раҳимжон Отаев, Аҳад Жақсибоев, Дидахмед Ашимхоновлар.

Суратқаш С. Маҳкамов.

## ҚАРДОШЛИК ДАВРАСИДА

Замин. Бир бутун халқ. Битта қуёш, тўйиб-тўйиб симирилаётган шу ҳаво... Қадим-қадимдан буюқ бир Туркистон бўлиб, унинг ҳар томонга сачраган қон томирлари сифатида тожик, қозоқ, ўзбек ва бир қанча қардошлар ўтмишда ҳам аҳил яшаган. Улар бугунги кунда ҳам бир-бирлари билан дўстлик алоқаларини юракдан ҳис қилиб яшамоқдалар. Яқинда ҳам қозоқ халқининг таниқли намёндалари, ёзувчи ва шоирларининг Тошкентга ташриф буюриши қадимий анъаналарнинг давом этиши маъносиде жуда қувончли ҳодиса бўлди.

Қозоғистонлик меҳмонларни Гишткўприқда, «Ўзбекистон 50 йил

лиги» жамоа ҳўжалиги чегарасиде Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг раиси, СССР халқ депутати Одил Ғекубов раҳбарлиғидеги бир гуруҳ ўзбек адилблари чуқур мамнуният билан кутиб олдилар. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби, таниқли ёзувчи ва таржимон Қаловбек Турсунқулов раҳбарлиғидеги чимкентлик шоира, «Қозоқ тили» жумҳурият жамиятининг вилоят бўлими раиси Хонбиби Есинқораева, вилоят ижроия қўмитасининг раис ўринбосари Жунусбек Мусоғалиев, вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи Қувонч Урозғалиев, Шоир Эсенғали Равшанов, ёзувчи ва бастакор Муҳаммад Рустамов, ёзувчи Аҳмад

Жақсибоев, ёзувчи ва публицист Дидахмед Ашимхонов, шоир Қосимхон Бегмонов, журналист Ўнғор Исаевлар ҳам ўзбек қардошларининг азиз меҳмони бўлдилар. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом ҳамда Омон Матжон, Тоҳир Малик, уюшма қошидаги қозоқ адабиёти секциясининг раиси Қаллибек Сейданов, Суннатилла Анорбоев, Жуманиёз Жабборов, Саъдулла Сиёев, Муҳаммад Али, Мирпўлат Мирзаев, Тура Мирзо, Раҳимжон Отаев, Гаффор Мўминов, Наим Каримов, Маҳкам Умаров, Чори Бахшилар дўстона учрашувда бўлдилар. Одил Ғекубов йиғилганларни самимий қутлади.

Қардошлар гурунғиде иштирок этганлар қозоқ ва ўзбек халқининг қони қадимдан буён бир томирда оқётганлиғи, тили, эли бирлиғи, Алишер Навоий, Аҳмад Ясавий, Абай каби буюқ алломалар тўғрисида, келажак авлод тақдири ҳақиде гапириб ўтди. Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ва маданияти кунлариде ҳар иккала халқ вакиллари учрашувлар пайтида дилдан суҳбатлашиб олдилар.

Қозоғистонлик меҳмонлар Тошкент вилоятининг турли жойлариде, жумладан Бўстонлиқ Урта Чирчиқ, Бўка, Ғалаба ноҳиялариде ижодий сафарда бўлдилар.

Ҳабиб АБДИЕВ

лари, олим ва ёзувчилар: Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Отажон Ҳошим, М. Солиҳов, Олим Юнусов ва бошқалар қатори миллатчиликде айбланиб, қоралана бошланди. Уша давр матбуоти ҳеч қандай далилге асосланмаган ҳолда унга миллатчи айбларини тақиб шундай ёзди: «Фитратнинг энг содиқ шогирди Элбек аксилинқилочиларнинг қонли лагериде туриб, партияга ва советларга қарши заҳарли шетр, масал, мақоллар ёзди. Аксилинқилочиларнинг газета, журналлари кўпинча Элбекнинг шетрисиз чиқмас эди. Элбек ўзининг истар ўтмишде, истар ҳозирги ижоди билан советларга қарши душман тегирмонига актив равишда сув куйиб келди («Элбекнинг ижоди ҳақиде», «Ёш ленинчи», 1937, 20 август).

Бунинг натижасиде маърифатли ва маданиятли қалам соҳиби Элбек ҳам социалистик қонуничлиқнинг бузилиши қурбонларидан бири бўлди. Унинг адабий ва илмий мероси, таржимачилик ва фолклор соҳасидеги ишларини тўплаш ва ўрганиш, нашр этиш бугунги қайта қуриш даврида адабиётчиларимиз олдиде турган муҳим вазифалардан биридир.

Шерали ТУРДИЕВ

### ЭЛБЕК



### Момогулдирак

Май ойи, гуллар чаман.  
Мен мактабдан келаман.  
Ҳаво яхши ва илқ,  
Ойна сингари тиник.  
Гуруллаб товуш келди,  
Шамол югуриб-елди.  
Ёмғир ёға бошлади,  
Юрагимни гашлади,  
Жим қараб қолдим унга,  
Қўзим тушмади кунга.  
Ҳаво қоронғи, булут,  
Осмонда чақмоқ йилт-йилт.  
Дарахтларнинг шоҳлари  
Тебраниб, ларзон урди,  
Шамол ёмғирни ҳайдаб,  
Истаган ёққа сурди.  
Гўв-гўв шамол овози —  
Баҳорининг чолғу сози,  
Булут ғамни йўқ этди  
Кўнгилга шодлик этди.

### Фил ва лайча

Масал

(Н. А. Криловдан)

Кўз-кўз қилиб бўлса керак, филбонлар,  
Кўча бўйлаб филни олиб ўтдилар.  
Ўз умрида буни ҳеч кўрмаганлар  
Тўдалашиб, лақиллаша кетдилар.  
Лайча филга йўл устиде йўлиқиб,  
Ортиқ ғайрат билан хура бошлади.  
Ўз ғайратин, кучин кўрсатмак бўлиб,  
Кетидан акиллаб юра бошлади.  
Бунинг акиллашин кўрган ўзга ит,  
Унга қараб деди: «Бас, дўстим, етар,  
Ўринсиз уриниб нима қиласан?  
Томоғинг бекорга йиртилиб кетар!  
Кўрдингми, ҳозирқо хириллаб қолдинг,  
Кучинг битди, дўстим, чарчадинг, толдинг.  
У бўлса парвосиз ўтиб боради,  
Сенинг товушинг бўшлиқда қолади».  
«Эҳ-эҳ! — деди лайча, дўстига қараб,  
Кўпирган оғзининг сўлагин ялаб:  
Биласанми, дўстим, бундайн ишлар,  
Менга шуҳрат, ҳаво ва руҳ бағишлар,  
Чунки, мени бу ҳолатда кўрганлар:  
«Қара уни, филга хурадир!» дерлар».

# ГУЛБАДАНБЕГИМ

Сабоҳат АЗИМЖОНОВА,  
УзССР ФАнинг мухбир аъзоси  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган фан арбоби

«Хумоюннома» XVI асрда Бобурнинг набираси Акбаршоҳ даврида Ҳиндистонда Заҳириддин Бобурнинг қизи Гулбаданбегим томонидан ёзилган. Гулбаданбегимнинг ёзишча, Акбаршоҳ ўз даври тарихини абадийлаштириш мақсадида замонанинг ҳамма олимларига, қариндош-уруғлари ва амирларга мурожаат қилиб: «Бобур подшоҳ ва Хумоюн подшоҳ даври ҳақида ниманики билсангиз ёзинг», деб буюрган. Шу буйруқ асосида Гулбаданбегим ҳам ўз отаси Заҳириддин Бобур ва акиси Хумоюн подшоҳ ҳақида ёзилган ва эшитган воқеаларни ўз китобида баён қилган ва тарихий асарнинг номини дастлаб «Аҳволи Хумоюн подшоҳ» деб атаган. Лекин кейинчалик бу асар «Хумоюннома» номи билан машҳур бўлиб кетган.

Урта асрда Урта Осиё ва Шимолий Ҳиндистонда яшаган машҳур тарихчилар — Мирхонд, Хондамир, Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Искандар Муничи, Муҳаммад Хайдар Абул-Фазл Алломи, Сунжон Рай Мунишлар қаламига мансуб тарихий асарлардан «Хумоюннома» да ифода этилган тарихий воқеалар аёлларга хос нозиклик ва синчковлик билан баён этилгани жиҳатидан, жозибали тили ва таҳлили билан фарқ қилиб туради.

«Хумоюннома» сатрларига қараганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур вафот этган йили (1530 йил, 26 декабр) Гулбадан саккиз ёшда бўлган. Унинг онаси Дилдорбегим эди. Гулбаданбегим «Хумоюннома» да ўз онасини баъзан «Дилдор оғача» деса, баъзан «Онам ҳазратлари» деб ардоқлайди. Лекин Гулбаданбегим ёшлик чоғидаёқ ўз укаси Ҳиндол Мирзо билан бирга Бобурнинг катта хотини Моҳимбегим тарбиясига топширилган эди. Шундан сўнг Моҳимбегим вафотига (1533) Гулбадан унинг ўғли — Бобурнинг вориси Хумоюн Мирзо билан бирга тарбияланади. Лекин Гулбадан ҳар иккала онасини ҳам кечик хурмат қилган ва уларга ўта садоқатли бўлган.

1527 йил мартда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистоннинг Сикри шаҳрида Ҳиндистон диёрининг Малва рожаси Рано Сангонини енгиб, Шимолий Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлагач, Кобулга қайтганда, у ерда қолиб кетган ҳамма қариндош-уруғлари, дин ва давлат арбоблари, сайдлар, олимлар ва шоирлар, ҳамма ҳарам ахли — аёл-

ларни ўз ҳузурига қақиради. Гулбадан бу ҳақда ҳикоя қилар экан, ана шу, Кобулдан Ҳиндистонга йўл олган махсус қаровон ичида Бобур қонадонига мансуб 96 аёл ҳам бўлганини, ўзининг аввал отаси Бобур подшоҳ саройида, сўнг Хумоюн подшоҳ (1530—1556) ва Акбаршоҳ (1556—1605) паноҳида умр кечирганини баён қилади.

Гулбаданбегимнинг бу нодир асари Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихининг Бобурдан кейинги подшоҳи — унинг катта ўғли Хумоюн ҳукмронлик қилган даври (1530—1556) тарихига бағишланган. Лекин асарда Гулбадан Бобур замонидagi воқеалар ҳақида ҳам қисман ҳикоя қилади. Гулбадан отаси вафот этганида ниҳоятда ёш эди. Шу сабабли у Бобур билан боғлиқ воқеаларни баён қилар экан, асосан «Бобурнома» га таянган ва шу билан бирга, ўша даврдаги сиёсий курашларда иштирок этган ёки гувоҳи бўлган кишилар ҳикоясига ўз таассуротларини қўшган ҳолда акс эттиради. Бу эса, Гулбадан ҳикояларининг қиммати ва аҳамиятини оширади ва айрим ҳолларда «Бобурнома» даги воқеаларни нисбатан тўлдирди ҳам. Яъни «Хумоюннома» ни Урта Осиё ва Ҳиндистон тарихининг XIV асри учун тенги йўқ, муҳим тарихий-этнографик ва маданий манба, десак хато бўлмайди.

«Хумоюннома» нинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврининг Ҳиндистон тарихига бағишланган қисми фақат 38 саҳифадан иборатдир. Форс-дари тилида ёзилган «Хумоюннома» услубини ва воқеалар баёнини «Бобурнома» билан солиштирсак, ҳар иккала нодир асар услуб йўналиши жиҳатидан бир-бирига ақинлигининг гувоҳи бўламан. Заҳириддин Бобур Гулбаданбегим учун фақат сеvimли ота бўлиб қолмай, балки ўша даврда бутун Шарқда аёллар орасидан чиққан ягона тарихнавис олима бўлиб етишишида муҳим ўрин тутган устоз ҳамдир. «Хумоюннома» саҳифаларидан бирида биз Гулбаданбегимнинг: «Гарчи бу воқеалар отам ҳазратларининг китоблари «Воқеаном» да ёзиб қолдирилган бўлса ҳам, биз уларни табаррук қилиб келтирдик», деган ибораларини ўқиймиз. Бу ҳол Гулбаданбегим «Бобурнома» нинг ўзбек тилидаги энг дастлабки нусхаларидан бирини қайта-қай-

та ўқиб чиққани ва ўзининг она тилини — ўзбек тилини ниҳоят яхши билганидан далолат беради. Бу фикрни «Хумоюннома» да тасодифан учраб қоладиган ўзбек тилидаги айрим иборалар ҳам тасдиқлайди.

Лекин, шу билан бирга «Хумоюннома» да «Бобурнома» да учрамайдиган шундай ҳикоялар ҳам борки, уларда Гулбаданбегимнинг ўзига хос илм-идроқи салмоғининг безаги бўлмиш таъсирчан қалбининг ҳарорати сезилиб туради. Масалан, у ўзининг Бобурнинг катта хотини Моҳимбегим билан бирга Кобулдан Аграга келиши тарихи ҳақида тўхтаб, шу жумлаларни ёзади:

«Рано Санго фатҳидан бир йил ўтгач, онам ҳазратлари — Моҳимбегим Кобулдан Ҳиндистонга келдилар. Мен ҳам подшоҳ бобомни кўргани, у киши билан бирга оналаримдан олдин келдим. Онам ҳазратлари кўлга етганларида, подшоҳ ҳазратлари уч отлик муҳофа юбордилар. Биз кўлдан Агра томон тез йўл олдик, подшоҳ ҳазратлари бизни Жалолӣ кўлида учратишни мўлжаллаган эдилар. Номозном пайти бир киши келиб: «Ҳазратни икки қурва нарида қолдириб келдим», деди. Подшоҳ бобом ҳазратлари то от келтиргунларича тоқат қилмай, пиёда йўлга тушиб, Нича Мохим уйи олдида биз билан учрашдилар. Онам ҳазратлари отдан тушмоқчи бўлдилар, лекин подшоҳ бобом кутмасдан ўзлари онамнинг отлари жиловидан ушлаб, ўз уйларигача келгунча пиёда келдилар.

Онам ҳазратлари подшоҳ бобомнинг олдида келганларида менга, кундузи келиб ҳазрат билан учрашгин, деб буюрдилар...»

«Хумоюннома» нинг Заҳириддин Бобур даврига бағишланган қисми Бобур вафоти воқеалари билан аюқланади. Гулбаданбегим кўзи тўла ёш, алам тўла қалби зардобил билан отасининг вафоти тарихини ёзар экан, шу муҳқим воқеанинг рўй бераётган дақиқасида отаси ўлими арафасида қадрдонлари, қариндош-уруғлари, оила аъзоларининг кечирган мусибат ва юрак дардларини шундай баён қиладики, бу сатрларни ўқийтган ҳар бир киши, худди ўша дақиқаларда шахсан ўзи иштирок этаётгандек ҳис қилади. Бундай юксак маҳорат фақат Гулбаданбегимнинг ўзигагина хосдир.

Қандай дард Бобурни ўлимга маҳкум қилгани Гулбадан аниқ ёзмайди. Лекин у ўғли Хумоюн оғир касал бўлиб, ўлим тўшағида ётган чоғида унинг жонига ўз жонини фидо қилиб, «жонга жон» беришга тайёр экани ҳақидаги ҳикояни келтириб: «Менки Бобурман, умри жонимни ўғлим Хумоюнга бағишлайман», деб қасд қилганини ва шундан сўнг Бобурнинг ўзи касал ётиб қолгани ва Хумоюн эса ўша кунийёқ ўрнидан туриб кетганини ҳикоя қилади. «Бобур ниҳоят озиб кетган ва табиблар қанча ҳаракат қилмасинлар, ҳеч қандай чора тополмаганлар. Сўнг Бобур ўз ҳузурига амирлар ва яқинларини қақириб, кўп йиллардан бери, Хумоюн Мирзога подшоҳлиқни топшириб Зарафшон боғининг бир бурчағида ўтирсам, деган ниятим бор эди. Лекин, мана шу мақсадимни соғ вақтимда бажара олмадим. Касал мени эзиб қўйди, дейди ва сўзини шундай якунлайди: «Энди сизларга васиятим шуки... ҳамангиз Хумоюнни менинг ўғримда деб билинглар. У билан мувофиқ ва ҳамжиҳат бўлинглар...» Бу (сўзлардан) у ерда ўтирганларнинг ҳаммаси йиғлаб юборишди. (Бобур) подшоҳнинг муборак кўзлари ҳам ёшга тўлди. Бу воқеани ҳарамдагилар ва ташқаридаги кишилар эшитдилар, йиғи-сиғи, тўполон бўлиб кетди. Уч кундан сўнг (ҳазрат подшоҳ) ўткинчи дунёдан абадий дунёга кетдилар. 937 йил ҳижрий жумодил аввал ойининг бешинчиси — душанба куни (1530 йил, 26 декабр) вафот тарихларидир», деб ёзади Гулбаданбегим.

Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» да келтирган маълумотлари орасида отаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва акиси Хумоюн давридаги Ҳиндистоннинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётига оид ҳикоялари ниҳоятда муҳимдир. Масалан, унинг Аградан Делалурга қилган сафари тафсилоти ёки унинг Гвалиор, Сикри (ҳозирги Фатхпур Сикри), Агра шаҳарларида олиб борган қурилиш ишлари баёни шулар жумласидандир. Юқорида қайд қилганимиздек, Бобур 1527 йили март ойда Сикри шаҳрида Ҳиндистон рожаси Рано Сангонини енгиб, ўз давлатини мустаҳкамлаб олгач, Гулбаданбегим ёзишча, Кобулга махсус хат ёзиб у ерда қолиб кетган барча ақинларини Аграга қақиради. Худди шу қаровон сафида Гулбаданбегим Аграга катта онаси Мо-

ҳалигим билан бирга этиб келди. То кейинги қарвон этиб келгунча Гулбадан Бобур халифаси уйда тўхтади. Шу воқеани эслаб Гулбадан ёзади: «Мен бобом халифасининг уйда ўтирдим, бизга ҳар хил оқатлар тортидилар. Эллики ақин қўй сўйилиб қовурдоқ пиширилган эди. Нон ва ҳар хил мевалар, шира ва шарбатлар қўй эди. Овқатланиб бўлгач, муҳофага ўтириб, ҳазрат подшоҳни бориб кўришиб, оёқларига ўзимни ташладим. Ҳазрат кўп ҳолу аҳвол сўрадилар. Бир неча вақт тиззаларига олиб ўтирдилар. Шу вақтда ўзимни шундай бахтли ҳис қилдимки, уни тасвир қилиб бўлмайди».

Гулбаданбегим яна давом этади: «Аграга келганимиздан кейин уч ой ўтгач подшоҳ ҳазратлари Депалпурга кетдилар. Ҳазрат Моҳимбегим билан мен ҳам сайр қилиш мақсадида Депалпурга жўнадик. Депалпурда бир бутун тошни ўйиб ўн газ ҳажмлик ҳовуз ясалган эди. У ердан Сикрига жўнадилар. Кўлнинг ўртасига катта супа ясашни буюрдилар. Бу супа тайёр бўлгач, кемага ўтириб, у ерга бориб сайр қилар ва супада ўтирар эдилар. У супа ҳозир ҳам сақланган. Сикрида богда шийпон бино қилган эдилар. Бу шийпонда «Турхона» (юқори хужра) бино қилдириб, унда ўтириб китоб ёзар эдилар».

Гулбадан ўз акаси Хумоюн подшоҳ, сўнг Акбаршоҳ даврида Ҳиндистонда давлат ишларига фаол аралашган, айрим ҳолларда эса саройдаги ўзаро муносабатларни ҳал қилишда унинг фикр ва мулоҳазалари катта аҳамият касб этган. Фарғонада Бобурнинг бувиси Эсондавлатбегим, Ҳиндистонда Хумоюн ва Акбар саройида Хонзодабегим, Мохимбегим, Дилдорбегим ва Бадахшон ҳокими Султон Иброҳимнинг онаси ҳам алоҳида нуфузга эга бўлганлар.

Гулбаданбегим ўз асари «Хумоюннома»да қизиқ ҳикояларни ҳам келтиради. Масалан, Бобурнинг бувиси Эсондавлатбегим Фарғона ҳокими Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо вафот этгач (1494), амирлар, сайдлар, ҳарбий саркардаларга бош бўлиб, Фарғонага қарши отланган ташқи душманлар ҳамласини усталик билан барбод қилади. Гулбаданбегим келтирган маълумотларга қараганда, худди шундай ҳол Бадахшонда ҳам рўй берган. Бу ерда гарчи Султон Иброҳим ҳукмрон бўлса ҳам, лекин у ёш бўлгани учун давлатни унинг онаси Хуррамбегим бошқарган, шу сабабли бўлса керак, зарур бўлиб қолганда Хумоюн подшоҳ Султон Иброҳим номига эмас, Хуррамбегимга мурожаат қилган.

Масалан, 1548 йили Хумоюн подшоҳ кўпчиликнинг қаттиқ норозилигига эътибор бермай, Балхга — Шайбонийларга қарши отланади. Тонгда Хумоюн аскарлари мағлуб бўладилар. Хумоюннинг ўзи эса қаттиқ яраланади. Худди шу вақтда пайтни ғанимат билган Комрон Мирзо Кобулни қўлга киритади. Шунда Хумоюн Кобулни Комрон қўлидан тортиб олиш учун Бадахшон ҳокими Иброҳим Мирзонинг онаси Хуррамбегимга элчи юбориб, Бадахшон лашкарининг унга ёр-

дамга келишини илтимос қилади. Гулбаданбегимнинг ёзишича, Хуррамбегим аёл киши бўлишига қарамай, жуда қисқа муддат ичида Бадахшон лашкарини тўплаган ва уни тоғ оралиғигача ўзи бошлаб олиб келиб қўйган.

Гулбаданбегим «Хумоюннома»да Хумоюн даврида Ҳиндистон ва Кобул улусида рўй берган сиёсий курашлар ва ака-укаларнинг ўзаро тахт учун олиб борган жанглири тафсил орасида ўша замон ижтимоий ҳаёти ҳақида, уй-рузгор буюмлари, тўй ва аза муносабатлари ҳақида бошқа тарихий асарларда учрамайдиган нодир маълумотлар келтиради, лекин шахсан ўзининг ҳаётини алоҳида ёритмайди, унинг асосий мақсади Заҳириддин Муҳаммад Бобур вафотидан сўнг акаси Хумоюн подшоҳнинг Ҳиндистонда давлатни мустаҳкамлаш чораларинигина ёритиш қизиқтирган. Узи ҳиқидаги ниҳоятда нодир маълумотлар ана шу сиёсий воқеалар баёнида камдан-кам учрайди. Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» асари Акбаршоҳнинг махсус буйруғи билан тарихнавис олим Абул Фаул Алломий томонидан ёзилиши лозим бўлган асар «Акбарнома»га қўшимча манба тарзида мўлжалланган эди. Лекин «Хумоюннома» ўша замон тарихчилари Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жаҳор офтобачи, Абул Фаул Алломий, Сунжон Рай Мунчи ва бошқа кўп машҳур тарихчилар қаторидан муносиб жой олганини кўрсатади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур вафотидан кейин Ҳиндистонда ички ва ташқи курашлар яна бошланиб авж олиб кетди. Натижада мамлакатда қимматчилик, айрим ҳолларда очлик авжга

кўтарилиб, Гулбаданбегим мамлакатда рўй берган иқтисодий қийинчилик ва қашшоқликнинг асосий сабаби ўзаро феодал урушлар оқибати эканини очикдан-очик ёзади. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан заифлашган мамлакатни Хумоюн узоқ ушлаб туролмади. У узлуксиз курашлардан кейин 1540 йили Ҳиндистонни Шершоҳга қолдириб, Кобулга кетди. Лекин ўз укалари Комрон Мирзо билан Аскарый Мирзо уни Кобулга қўймадилар, шундан кейин у Эрон шоҳи Шох-Тахмасп саройидан бошлана сўрашга мажбур бўлди. Бу пайтда Гулбаданбегим Кобулда қолган эди, лекин у Шох-Тахмасп саройидаги Хумоюн подшоҳ аҳволи ҳақидаги ўз ҳикояларини унинг хотини Ҳамидабегим ва бошқалар ҳикояси асосида ёзади.

Гулбаданбегим ўз асари «Хумоюннома» сатрларида нозик таъби, ўткир дид ва фаросатли, ўз даврнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳолатига ақл-идрок билан баҳо бера оладиган олима сифатида гавдаланади. У Хумоюнга ака-укаларини бирга ахилликда кўриш орзусида эканлигини тинмай изҳор қилиб келар эди.

Ниҳоят, Хумоюн 1549 йили — беш йиллик жудоликдан сўнг Эрон шоҳи Тахмаспнинг ёрдами билан Кобулни қайта эгаллагач, ўз хузурига укалари ташриф буюради. «Шу мажлисда Ҳазрат (Хумоюн) бу ҳақирни ёдга олиб, ўз укаларига Лоҳурда Гулбаданбегим ҳамма биродарларимни бир ерда кўрсам деб орзу қилганликларини айтибдилар, ўғирнишимиз билан ерталабдан ўша гап эсимга келиб турибди... Мен (ҳеч вақт) мусулмонлар зиёнини ис-


таган эмасман ва наҳотки (ўз) укаларимнинг зиёнини талаб қилсам... дедилар».

Бобурнинг набираси Акбаршоҳ ҳукмронлик қилган даврда Ҳиндистон марказлашган катта давлатга айланган.

Гулбаданбегимнинг бу нодир асари 962 йил ҳижрий (1554—1555) йиллар воқеалари баёнида узилиб қолган. «Хумоюннома»нинг қолган қисми йўқолиб кетган. Уни топиш ниётида Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Англия ва бошқа мамлакатлардаги қўлёзма жамғармаларига қилган мурожаатларимиз, Шарқ ва Ғарбнинг йирик олимлари, давлат арбоблари билан бу ҳақдаги олиб борган шахсий суҳбатларимиз, афсуски, ҳалигача натижа бергани йўқ.

Гулбаданбегим узоқ умр кўрган. Хумоюн вафотидан кейин Акбаршоҳ саройида яшаган, унинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган. Тарихий асарларда у 1576 йили Маккага Португалия орқали етиб боргани ва қайтишда Аден қирғоғида кемаси гарқ бўлиб, бу ерда узоқ қолиб кетгани ва ниҳоят 1582 йили Аграга соғсаломат қайтиб келгач, узоқ умр кўргани ва у 80 йил яшаб, 1603 йили вафот қилгани ҳақида маълумот бор. Унинг тобутини Акбаршоҳ катта ҳурмат билан ўғил ўрнида ўз елкасида кўтариб дафн қилган.

Ақл-заковат, зийрак таъб ва тафаккур, чуқур илм ва унумли меҳнат ҳосили — «Хумоюннома» Гулбаданбегимнинг номини абадийлаштирди. У аёл киши бўлишига қарамастан, Заҳириддин Бобурнинг ҳақиқий фарзанди эканлигини жаҳонга намоён қилган Урта Шарқ олимасидир.



Ҳозирги замонда бундай ойнакўллари излаб топиш қийин.

Сураткаш Р. Нурибоев

# Бу кун кўшиғи

## Умид

Кўрганларим, кўрмаганларим  
Хаёлимни банд этар доим.  
Кўнглим ҳаёт тўлқинларида  
Ғарқ бўлмоқни истар фидойи.

Мен ҳам бахтни иалаган аёл,  
Кўнглимга шул туйғулар — ватан,  
Мен чорласам ўтган фасллар  
Юрагимда яшар қайтадан.

Истамайман, кимсасизлик, дард  
Кўнглимга ҳеч қонгли солишин  
Шунинг учун ёлғизликда ҳам  
Ўтган кунга қайтишларим чин.

Истамайман Умид ва Севги  
Бир кун мени тарк этмогини.  
Мен яшаган сирли соҳилни  
Қора тўлқин ғарқ этмогини.

Бу соҳилда мен билан бирга  
Яшар бахтни севган одамлар.  
Уларнинг ҳам мушфиқ кўнглига  
Меҳмон бўлар дунёвий ғамлар.

Шоирликни қилсам-да орзу,  
Кўнглим кўпроқ ўзга ҳисга банд.  
Бир дард билан яшамок бахтин  
Ато қилган она Табиат



\* \* \*

Кўнглимда ишқ панжасин изи,  
Кетказолмас ювса-да қоним  
Бағримдаги азоблар таъми —  
Неъматлари ёруғ дунёнинг.

Тун бағрига ёйилган сочим,  
Кўзаларимда юлдузлар меҳмон.  
Фаришталар ўтган йўл янгли,  
Акси тушган сувлардир осмон.

Фаришталар ўтган йўл равон —  
Чорлар олда қунлар боқира.  
Дарахтлардан тушган соялар  
Йўлнинг тоза қонларин сўраб.

Қадим дунё, шу ёски дунё,  
Дилга тушган ғуборлар шундан.  
Боқсанг — тошга айланган дунё,  
Қулфат шундан, шарорлар шундан.

Жимлик нотинч ўтнинг жимлиги,  
Рухлар келгай томошасига.  
Ногоҳ агар уса бир товуш  
Келиб теккай жон косасига.

## Ҳижрон ҳақида қўшиқ

Узилган ипларни улайди кимдир,  
Ойнинг нурларини ўрайди кимдир.  
Енингда ўлтириб майин қўл билан  
Ёйиқ сочларингни силайдир кимдир.

Қўшиқ кўлай бошлар сизлаб  
юлдузни,  
Овози нур янглиғ ёритар Сўзни.  
Унинг қўшиғидан йўллар уйғонар,  
Кейин кунлар, ойлар, йиллар  
уйғонар.

Куйлагани сайин қўшиқ узаар,  
Бу қўшиқ айрилиқ ҳақида бўлар.

## Кўклам кунуда

Қўл ушлашиб шамоллар билан  
Кезиб чиқдим дала-қирларни,  
Майсаларда қолди изларим.

Шивирлашиб дарахтлар билан  
Такрор қилдим мен ҳам сирларни,  
Қувончларни топди сўзларим.

Оппоқ-оппоқ булутлар каби  
Кўнглим менинг юксалди енгил,  
Мовийликни танидим шунда,

Юрагимда оғриқ йўқ эди,  
«Бахт изласанг қуш бўлиб туғил», —  
Деган сўзни ўқидим ундан.

## Маърузанинг давоми

«Вақти келса эришамиз ҳамма нарасига,  
Вақти келса, ўрни билан сўзларимиз албат...»  
Кута олсак яна ўн йил, худо хоҳласа,  
Яна юз йил кутмоққа ҳам етади тоқат.

Миллий ғурур деб аталган шубҳали туйғу  
Агар ташриф буюрмаса қутилмаганда,  
Тинчимизни бузмаса гар беш-ўн бузгунчи,  
Яшаш мумкин жожеий йўл ўтилмагандай.

Ҳатто бир кун бу дунёдан юмар бўлсак кўз,  
Кетганимиз ҳеч ким сезмай қолар эҳтимол.  
Агар бизни кузатмоққа келган одамлар  
Ким эди деб бир-бирига бермаса савол.

\* \* \*

Йиғладим — йиғилдим бир парча жойга,  
Сўзладим — сиқилдим сиқик қаломдай.  
Тарийқнинг изнида чарх ила анжум,  
Менинг дилим бунда ғофил меҳмондай.

Фитнакор кунларнинг боқиб ортидан  
Урмимнинг ранжларин йиғдим кўзимга,  
Ердаги изидай мардуд рухларнинг  
Дардларим роҳ излаб кезинди зимдан.

Кимдир жоним сўраб чўзди қўлларин,  
Соҳир кўзларига қотган илтижо.  
Гарчи йиғлайвердим ишқ тангрисига,  
Гарчи йиғлайвердим бевужуд, бежон.



Фароғат КАМОЛОВА

\* \* \*

(Ҳазил аралаш)

Биз билмаймиз, қачон тугар баҳс,  
Биз билмаймиз эрkning меъёрин.  
Қўлларимиз занжирни силаб  
Турган каби оғир, мулоим.

Тўрт томонга боқамиз ҳайрон  
Эргашмоққа излаб бир гоё.  
Бу ҳолатдан дилимиз вайрон,  
Бундай ҳолдан таассуфда гоёят.

Нечун йўлга чиққан эдик биз,  
Нечун юрдик йўлнинг четидан.  
Биз билмаймиз бу йўлдаги из  
Қолган эди кимнинг итидан.

Қарахтлики энголмай ҳануз  
Судраламиз секин жуңжикиб,  
Бехос кимдир айтса бирор сўз,  
Ушал ёққа кўзимиз тикиб.

Бироқ охир қўйиб бердик-ку,  
Эшитдик ўз овозимизни.  
Аста-аста чекинди қўрқув,  
Бир хурсандлик чулғади бизни

Зўр душманни енгган ботирдек  
Қувиб кетдик қўрқув ортидан.  
Тошлар отдик, жангга чақирдик,  
Кўпайишиб қолди мардлар ҳам.

Шукур, енгдик битта душманни,  
Энди табрик эшитсак бўлар.  
Яна бир гал қайтадан қурсак,  
Қолгани ҳам албатта ўлар.

## Уйғониш

Бутун халқ йиғилган катта майдонда  
Шовқин босиб кетар нотик овозин.  
Сўраган нарсаси бир парча нондай,  
Ҳамма сўз сўрайди — сўзламоқ лозим.

Бахтта интилгандай интилар барча,  
Гўёки минг йиллар сўзга зор эди.  
Дарёдай тошган бу эҳтиросда ҳам  
Ҳали англамаган дард бисёр эди.

Тошкент

«Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф  
ўқитмиш ранж ила  
Айламак мумкин эмас, ҳаққин адо минг  
ганж ила

Алишер Навоий

Қуёш юз йил, минг йиллардан буён ҳар тонг уфқдан бош кўтариб оламни нурга йўғриб чиқиб келади. Муаллим ҳам ҳар куни синф хонасига «Ассалому алайкум» деб такаллум билан тил ва дил калити — иссиқ саломи, қалбдаги меҳру муҳаббати, қувваий ҳофизасидаги илму зиёси билан кириб келади. Юз йил, минг йил...

Ҳа, ҳар бир касбнинг ўзига хос гашти, таровати бўлади. Болалик шууримиздан яхшилик, эзгулик, билимдонлик таратувчи улуғ инсон сиймоси муаллимимиз ҳақидаги хотиралар ҳеч қачон ўчмайди. Улар бизнинг назаримизда энг хайрли касб эгалари, покиза, покдомон кишилардир. Шунинг учун ҳам устозлар, муаллимлар инсоният яралгандан буён қадрланиб, эъзозланиб келинади. Уларнинг ҳурматини ҳаммиша, ҳар даврда ҳам устоз деб ўрнига қўйишган. Бироқ нимагадир кейинги йилларда устозга эътибор, муаллимга ҳурмат курсатиш фазилатлари барҳам топди. Меҳру мурувват, садоқат, одамгарчилик молу дунё, бойликка қараб курсатиладиган бўлди.

Узоқ йиллар мактаб ўқитувчиларининг меҳнати қадрланмади. Ойлик маоши камлигича, яшаш шароити қийинлигича қолиб кетаверди. Йил-ўн икки ойнинг ярмидан кўпини пахта далаларида ўтказган ўқитувчи секин-секин маҳаллий раҳбарлар наздида беминнат хизматкорга айланди. Ота-оналар, ҳатто, ўқувчилар ҳам бу ҳолга кўникдилар.

Яхшиямки, қайта қуриш насимлари бу ҳолатни бироз муътадиллаштирди. Ҳозир изланган, табиркор ўқитувчилар меҳнати қадрланаётир. Илм камол топмоқда. Жумҳуриятимизда юзлаб ўқитувчилар, халқ эъзозлаган устозлар ҳамон эътиқодлари йўлида фидокорлик қилишмоқда. Ана шундайлардан бири Пастдарғомда яшайди. Билимдон, муътабар муаллим, СССР халқ ўқитувчиси Ҳамид ака Мусаевнинг номини у ердагилар яхши билишади.

...1955 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунунининг ўзбек тили ва адабиёти куллийтини тамомлаган Ҳамид кишлоғига қайтиб, иш бошлади. Дастлабки йиллар оғир кечди. Тажриба ортириш, ишга кўникама ҳосил қилиш, олган назарий билимларини амалда қўллаш осонликча кечмади. Бунинг учун у тинмай изланди, ўрганди. Хуллас, таълим-тарбиянинг энг таъсирли, самарали ва фойдали йўллари қидириб топди. Тез орада ҳамкасбларининг, ўқувчиларининг меҳрини қозонди. Уларнинг ота-оналари билан яқиндан муомалада бўлди. Ҳар бир ўқувчисининг турмуш-турмуши билан танишди. Бундай ютуқларнинг кулфи-калити, юқорида таъкидлаганимиздек, меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат эди. Булмаса, Ҳамид ака бошқалар қатори пахта йиғим-теримида ҳам, чопиқда ҳам, яганда ҳам баббаравар қатнашиб келган. Оро йўлда қолиб кетаётган ўқиш-ўқитиш ишларига бошқалардан кўра кўпроқ қўйинчаклик, ўзбек тили ва адабиётининг тақдирига ачиниш, миллат ва элат равнақиға хайрихоҳлик уни ишлашга, изланишга қорлаб турарди. Шу сабабли у орқага чекинмади. Икки қарра ишлашга жазм қилди. Кўнига бир янглик топиб, ҳамкасбларини ҳам, ноҳия ва вилоят раҳбарларини ҳам қўйил қолдираверди. Ўзбек тили ва адабиёти фани кабинети ҳар хил ўқув қуроллари билан кундан-кунга бойиб борди. Дарслар самарали бўла бошлади. Ҳамид аканинг номи эл тилига тушди. Обрўйи ортди.

Ҳамид Мусаев яхшигина, намунали фан каби-



СССР Халқ ўқитувчиси Ҳамид Мусаев ҳамкасблари даврасида.

Сурат муаллифиники.

# У МЕҲНАТДАН ТОПАР ҲАЛОВАТ

нетини ташкил қилиш нияти борлигини мактаб директориға маълум қилди. Ўқитувчилар кенгашига қўйишди. Мусаевнинг режалари ўртага ташланди. Ҳаммага бирдек маъқул бўлган ўзбек тили ва адабиёти дарсхонаси учун жой танланди. Аввало, парталар ердан 10—15 сантиметр кўтарилиб турадиган ҳолатга келтирилди. Ҳар бир дарс соати учун алоҳида баъзи қўрамали қуроллар ясалди. Иложи борича дарсларда кинолар қўйиладиган бўлди.

Хуллас ўқувчиға 45 минутлик дарс жараёнида темани мукамал ўзлаштириш имконияти яратиб берилди. Уша пайтларда баъзи «салла ол» деса, калла оладиган раҳбарлар «ташаббуси» билан ўзбек тили дарси ўрнига ҳам рус тилида ўтиладиган дарс соатлари кўпайтирилди. Ана шундай бир шароитда ҳам Ҳамид акадай фидойи халқ фарзандлари ниҳоятда чекланган имкониятлардан фойдаланиш йўллари қидирдилар. Ва ўшандай йўлни топдилар ҳам.

Ўзбек тили ўз юртимизда қадр топмас экан, элдошларимиз бошқа илмларни ҳам мукамал ўргана олмасликларини Ҳамид ака Мусаев дилдан хис қиларди. Узи сабоқ бераётган синф ўқувчиларига, ҳамкасбларига ўз қарашларини юқтиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда намунали ўзбек тили ва адабиёти хонаси ташкил қилган эди-да ахир.

Бугунги кунга келиб Ҳамид ака Мусаевнинг издошлари вилоятда кўпчиликини ташкил қиладди. Ноҳиядаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси Ч. Рўзбобоев, қўшрабтлик 36-ўрта мактабдан К. Мардонов сингарилар шулар жумласидандир.

Ҳамид ака халқ маорифини ривожлантиришдаги самарали меҳнатлари ҳисобга олиниб «Ҳурмат белигиси» ордени, қатор медаллар билан мукофотланган. У кишиға «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи», «Методист ўқитувчи» деган унвонлар берилган. У «СССР ва Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» нишондори.

Устознинг шоғирдлари бугунги кунда халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётирлар. Ҳамид ака меҳнат қилаётган 45 кишилик жамоанинг 38 нафарини ўзи сабоқ берган ўқувчилар — шоғирдлари ташкил қиладилар.

Боғанали кишлоғида биронта тўй-марака Ҳамид аканинг иштирокисиз ўтмайди. У кишининг босиқ, нуруний, камтарона овози давра узра файзу тароват ёғдириб тургандай гўё. Кўзларидан меҳр нури таралиб турган бу қалби дарё устоз бошқаларға фақат эзгу ниятлар тилайди. Шундан ҳаловат толади у.

Маъмуржон ҚИЕМОВ



Сан'ат МАҲМУДОВА



## РУҲИНГ ШОД БЎЛСИН, НАЗОКАТ

**Н**азокат, бир зум мени тингла. Янгликни эшит, шу оқшом мен ўғлимни уйлантирдим. Эй оппоқ оқариб келаятган мусаффо тонг, сен гувоҳ бўл, шу остонага қадам қўйган ниҳол келинчаки мен ўз келиним, кизим, деб атайман.

Назокат, булар аслида сенинг фарзандларинг эди, келинга ҳам сен она бўлишинг керак эди. Тақдир экан-да, улар энди меники. Мен бу хонадонга келиб «она!» деган табиринг ном олдим — қайтадан дунёга келдим.

Ҳа, менинг бу хонадонга тушганимга бор-йўри тўрт йил бўлди. Лекин аллақачон киз узатиб қувёв кўрдим. Мана, ўғил ҳам уйлантирдим. Назокат, кечкурунги ҳолатини бир кўрсанг эди, ҳаяжонимдан нақ ўзимни йўқотиб қўяёдим. Келин келган хонадон жуда файзли бўлиб кетаркан, ҳаммаёқ нур, қўшиқ, гул. Мен югуриб-елиб қудаларни кутаман. Гоҳ ўғлим-келиним ўлтирган даврага бош суқаман. Гоҳ сени эслаб, маънос тортаман.

Тўй таркагач, йиғиштириб-терштириб тонггача ухламаган эсамда, тийракман, гўё кучга тўликман. Ҳаммаси учун сенга ташаккур, Назокат. Эшитаяпсанми, ўғлингни мен уйлантирдим... Мени кечир, Назокат! Сен нафас олган уйда, сен жилмайган хонада, сен яшаган, сен барпо этган оилада энди мен яшайман. Бу гапни айтиш мен учун оғир, тинглаш фарзандларинг учун оғир. Ҳа, сенинг болаларинг айрилиқ азобида ёнмасин, улар бир қатра бўлса-да она нафасини туйсин, она қўллари билан тайёрланган таомдан баҳра олсин, деб шу ишга жазм этдик. Ҳовлидаги сен эккан гулу райхонлар сўлмасин, деб шундай қилдим.

Йўқ, мен ўғай она эмасман. Ахир дарахт шохига ўзга бир новдани пайванд этсалар, танаси бирлашиб, яшнаб ўсади-ку. У-ку жонсиз новда, мен ахир инсонман. Қалби озорланган оиллага пайванд қилинган инсонман. Бегона эканлигини сездиришни истамайман. Сира-сира. Аксинча, мана шу болаларга меҳр улашгим, шу болаларнинг кўзларида фақат табассум, фақат табассум кўргим келади.

Ҳа, биргина фарзандни дунёга келтириб, унинг мурғак танасини пуф-пуфлаб улғайтириш қийин эканлигини мана энди ҳис қилиб турибман. Боланг касал бўлганида юрагинг ўртаниб, узилиб тушай деркан. Ҳа, Назокат, сенинг фарзандларингни болам, деган эдим, худойим менгаям фарзанд берди... Эшитаяпсанми, Назокат, аслида сен сабабли етишимиз ушбу бахтга. Аввалги турмушимда «меvasиз дарахт» деган ном олгандим. Бир маҳаллада яшаганимиз учун ҳам гоҳ-гоҳ сен билан учрашиб қолардик. Ана шунда сенинг кўзларингга менга нисбатан ачиниш туйғуларини укқандек бўлардим. Қўлингдан келса ёрдам бергудек ҳолатда бўлардинг.

Ииллар ўтаверди. Кейин... турмушдан ажраб, ёлғиз яшадим. Елғизлик аввалги азобларимдан кўра кучлироқ таъсир қилди. Болалар уйдан гўдак олиш учун навбатга ёзилдим. Бир куни... Ҳа, бир куни сенинг инфарктдан вафот этганингни эшитиб, бошимдан ҳушим учди. Сенинг ёш жонингга, болаларингга ачиниб хун-хун йиғладим.

Назокат, сен яшашиг керак эди. Эй, фалак, нега болаларни онасидан жудо этдинг. Болаларда нима гуноҳ? Бунчалар аёвсизсан, ўлим!

Орадан ҳафтала, ойлар ўтди. Кейин... Уйингдан одам келди. Титраб кетдим. Ахир Назокатни мен яхши билардим-ку, дедим. Энди унинг ўрнига борсам... Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас, дедим аввалгига. Уйлайвериб, бошим ёрилай, деди. Болалар-чи, болаларга она керак-ку. Шу уйнинг устуни синган экан, мен бориб суянчиқ бўлай, деган қарорга келдим. Копки, сендек бўлсам, Назокат. Йўқ, бўлмайман. Лекин меҳр ҳар қандай қаҳру газабни енгишга қодир экан. Ахир меҳрнинг нархи баланд эмас-ку! Болаларингга меҳримни берсам, сенинг руҳингни шод этолармиканман, деб рози бўлдим.

Биринчи келган кунимданок болаларимнинг кўзидagi ёшини артдим. Хазон босган ҳовлиларни чиннидай супурдим. Сўлқилдоқ нонлар ёпиб, дастурхонга қўйдим. Уларини эса иссиқ бағримга босиб иситдим. Миннат қилаяпти, дема, шу ишлар қўлимдан келганига шукр қилиб айтаяпман.

Биласанми, Назокат, катта қизинг Раъно бугун врач! У Тош-МИга ўқишга кирганида қанчалар қувониб юрганингни кўрганман. Айтмоқчи, мен Раънони узатиб, аллақачон набиралик ҳам бўлганман. Сен вафот этганинда у кўзида ёш билан институтга қатнаб юрди. Қўча-қуйда унинг сўглин чехрасини кўрсам юрагим кумдек шувиллаб тўкилиб кетаверарди. Насиб экан, мен унинг паришон сочларини чиройли қилиб ўриб, кўзларига, қалбига қайтадан нур бахш этдим. Яхши сўз билан кўнглига йўл топдим. Раъно кулса, худди олам кулгандек эди. Мана энди у

врач. Бу оқила қизинг биринчи маошидан менга бир кийим атлас олиб келди. Эшитаяпсанми, Назокат, қизинг менга атлас олиб келди. Билмадим, ўшанда юз-кўзларим қандай аҳволга тушган экан. Юрагим ёрилиб кетгудек бўлди. Раънони бағримга босиб, пешонасидан, юз-кўзидан ўпдим. Юрагимда қайнаб чиққан дур сўзларим билан дуо қилдим. Аслида ҳаммаси, ҳаммаси ўзингга насиб этиши керак эди, Назокат?

Ана, тонг отиб кетди. Эштаяпсанми, Назокат, келин салом бошланди:

*Келинни ўйлаган,  
Одобдан сўйлаган,  
Қайнонасига салом! —*

дейшаяпти. Мен келинимнинг қўлига тилло узугимни такиб қўймоқчиман. Ҳа, мендан унга кўрмана бўлсин. Бир умр тақиб юрсин. Вой, ана, яна қақириншаяпти, келин саломга. Хайр, Назокат!

## КЕЛИН

**Н**ури холянинг келини чарларнинг эртасига ҳовлига чикди. Мурод-ай ўқишга кетатуриб: — Ойижон, мана, келинингиз, бемалол ишга солаверинг! — деди. — Хўп, мен кетдим!

— Вой, бўйларингиздан айланы, Наргизахон! — узун бўйли, озгингина Нури холя айвон зинасидан тезгина тушиб келаркан, уч-тўрт қадам нарида бир зум тўхтади. Салом берармикан, деб умид қилди. Ҳай, майли, уялаяпти, деб ўйлади ва келиб келинни бағрига босди. Ором олди. Келинчақнинг ниҳолгина елкаларини силлади.

— Жон болам, қани, ошхонага юринг, — кулди Нури холя. — Қўлингизни қопдаги унга, хумдаги ёққа уринг. Яхши бўлади!

— Эй, қўйинг, шунақа эскича расм-русмларни! — Наргиза силтаниб бироз нари кетди. Нури холя тарвузи қўлтигидан тушгандек муаллақ қолган қўлларини қаерга қўйишни билмай қаловланди.

— Мен ҳовли супураман, — деди Наргиза қовоқ уйиб. — Супурги қани?

- Майли, болам, ҳув ана...
- Қайси томондан супурай?
- Юқоридан... Астагина! —

Нури холя келинига, — бошингизга рўмол ташлаб олинг, демокчи бўлдию яна «эскичасига мукасида кетган экан» деган таъна эшитишдан чўчиди, индамай қўя қолди. Эсиэгина, ипадеккина сочларига чанг қўнадиган бўлдида. Омон бўлгурга пардек енгил, чиройли, ялт-юлт рўмолларни атай олувдим-а.

Нури холя келинчақларнинг юпқа доларанг рўмолни чиройли ўраб, рўмол учини химо билан лабрагина теккизиб туришларини шундоқ яхши кўрардики...

Наргиза супургини тик тутиб, қаттиқ-қаттиқ чангитиб супуракан, Нури холя унинг ёнига борди.

— Қани, бериб туриг-чи, жон болам... Мана бундай майин супуриш керак, супургини хиёл қяроқ ушланг, хўпми? Айланай қизим!

— Ургатиш бошланди! — тескари қабап пичирлади Наргиза. — Бўпти, бўпти, бering. Амманнинг бузоғидай бўшашиб супуриш керак экан-да.

Иў-ўк, учаликмас, — деди Нури хола. У айвонга чиқиб ўтираркан, оёқ-қўли дармонсизланганини сездди. Тавба, тўйда чарчаганлари энди билинаётти чоғи. Келин, келин, дея ёлғизгина ўғлини ҳам, мана, уйлантириб олди. Шукур, келин кўрди. Битта шу сочини қирққанини демаса, кўхлиқина келин. Ҳа, айтмоқчи, келини биринчи кундан оқ гап қайтара бошлади-я! Эскича расм-русм эмиш. Эскича эмас, яхши ният бу! Серфараанд, сердавлат бўл! Дастурхонинг тўкин, чўмичинг мой бўлсин, дегани бу. Овсинлари қатор-қатор келинлар туширишди. Ҳаммаси Нури холани чақришиб: «Опоқиси, келингиғзининг қўлини унга, ёққа ботиризиб беринг, сизга ўхшаб юришин», дейишарди. Келинлар ҳам ипакдай этилиб икки юзлари қизариб, момиқдеккина бармоқларининг учини унга, кейин ёққа теккизиб, ширингина кулиб қўйишарди. Ана ўшанда Нури хола хаёлан ўзининг келинини тасаввур қилиб, ҳаяжонга тушарди. Уша кунларни соғинарди. Наргиза бўлса... Ҳай, майли, инсоф ўзига берсин. Ўғлим билан қўша қарисин!

Нури хола ўрнидан туриб, ҳовлига тушди. Бу пайтда Наргиза аллақачон ўз хонасига кириб олган эди. Нури хола тушликка уринди...

Бир ҳафтадан кейин Наргиза ҳам ўқишга тушди. Нури хола кечки овқатларни ҳам тайёрлаб, икковини кутиб ўтирадиган бўлди. Баъзан идиш-товоқлар ҳам ўзига қолади. Ҳай, майли, биттагина келиним, тўрт қиз узатиб, битта келин кўргангизда у-бу деб ўтираманми, деб қўя қолади.

Бир кун Нури хола лоҳас бўлиб уйғонди. Кичик қизи Холида тушига кирипти. Тинчмикан-а? Унинг уйи анчагина узок. Тошканиннг Қорасув даҳасида. Икки соатлик йўл. Келини ва ўғлини жўнатгач, Нури хола ҳам отлашиб йўлга чиқди.

— Вой, ойижон-ей, касал бўлганимизни қаёқдан биласиз-а? — деди Холида қувониб онасини бағрига босаркан.

— Тинчмисизлар? Нима бўлди? Ким касал? — сўради онаизор.



### Рассом О. Восихонов

— Шу неварангиз Азизжон-да, шамоллаб қолди. Ҳозиргина дўхтири битириб олди. Куйин таомга унади.

— Худо шифосини берсин, яхши бўб қолади...

Чойдан сўнг Холида дорихонага бориб қолди. У-бу ишларини битириб олди. Куйин таомга унади.

— Жон қизим, мен бора қолай, энди, — шойилди Нури хола, — ма, болангни ол!

— Войй, ойижоним-ей, келин кўрсам сенкида ётиб-ётиб қолавераман, дердингиз-ку! Авваллари ўғлимга овқат қилай, ўғлим ёлғиз, деб шошардингиз, энди...

— Қизим, ўқишдан чарчаб келишадди икковиям, бора қолай. Нури хола қош қорайганда

уйга кириб қолди. Наргиза ўз хонасига экан. Ошхонада Муродали картошка артаётган эди.

— Ора кунда қизларингизиникига чопаркансиз-да, ойи? — мингиллади Муродали. — Уқишдан қелдик, қорин оҳ!

Бу гап йўлда туртиниб-суртиниб ҳориган Нури холага оғир ботди. Енг шимариб, қозонга унаркан:

— Наргизахон чаққонгина бўлиб овқат қила қолсалар бўларди-ку! — деди.

— Наргиза, чиқ, бу ёққа! — онасига аччиқ қилиб қичқирди Муродали.

— Чиқмайман, пиширмайман ҳам, емайман ҳам. Дарсим қўш! — ичкаридан шангиллади келини.

— Майли, жон болам, ўзим

бирпасда, — шивирлади Нури хола. — Сен ҳам китобингни ўқий қол!

У қозон бошида куйманаркан, қулоқлари битиб, боши айланаётгандек бўлди. Чарчади шеккили, Наргиза чиқиб қарашворса, ақали ёнида далда бўлса, яхши келдингизми, ойижон, деб қўйса нима бўларкин-а? Қандоқ орзулар, қандоқ умидлар қилган эди-я! Ҳа, келин танлашда шонди. Дабдабага учди. Бировларнинг гапи билан шу ишни қилди. Ё ҳамма келинлар ҳам шунақа бўлармикан? Иўк, ана овсинларининг, қўни-қўшнларининг келинлари қадамдан ўт қакнайди. Кеч кирди дегунча ошхонадан чиқибмайди. Шундоқ мазали таомлар тайёрлаб, қайнонасининг олдига қўйишадикан! Майли, мен оёқ узатиб, ўтириб олай демайман, жилла бўлмаса ёнимда иш ўрганса, ойижон, деб кулиб турса, шунинг ўзи менга дармон бўларди-ку!

— Наргизахон... Муродали... овқат пишди, чиқа қолинглар, айвонга! — гина-қудуратни унутиб хушчақчақлик билан чақирди Нури хола.

— Келиннинг чикмасмиш! — останадан овоз берди Муродали.

— Бўлмаса... Уша уйга обкира қол, болам... — Нури холаниннг овози титраб кетди.

— Сиз-чи?

— Мен... мен айвонда ўтиравераман, телевизор кўриб...

Ешлар таомни олиб, эшик-эшикларни маҳкам ёпганча ичкарига кириб кетишди. Кенг ҳовлига сукунат қўнди. Нури хола овқатдан бир қошиқ тотинган бўлди. Қандайдир эти увишиб, қулоғи битиб бораётганини ҳис қилди. Телевизор ўйини ҳам ёқмади. Учирди, Келиннинг уйдан оврулчага куй эшитилди. Нури хола ичкари уйга кирди. Ҳарин солди. Титраб ўринга қираркан, шивирлади:

— Илойим қўша қарисин, мен болаларини боқай...

Шу чоқ томоғи қуриб, чой ичмаганини эслади. Урнидан туришга мадори етмади. Қани энди, ҳозир бир пиёлагина кайноқ чой бўлса... Чақирай деса, барибир эшитишмайди.

— Майли, майли, омон бўлишин! — онаизор чуқур хўрсинди.



### ХУШ КЕЛИБ-СИЗ, КЕЛГИНДИЛАР!

Олис сайёралардан келаётган элчиларнинг

ташрифи уларнинг ўта қизиқувчанлигидан далolat беради. Яқинда Миср пойтахтида яшовчи Абдул Карим Ҳассанайн билан ғаройиб учрашув юз берди. Навбатдаги спорт мусобақаларига тайёргарлик кўраётганда ўзга сайёраликлар келиб уни «асир» олдилар.

Воқеа бундай бўлди... Абдул Карим тилла суви югуртирилгандай ялтироқ уч кўзли, яшил кийимдаги махлуқларга яқинлашмоқчи бўлган эди, қандайдир нур уни жойидан силжишга қўймади. Кўз очиб юмгунча ўз-

га сайёраликлар спортчини ўз кемаларига олиб кирдилар, бир қанча тажрибалар ўтказдилар. Сўнгра кийимларини «эсдалик» учун ечиб олиб, ўзини чўлга қўйиб юбордилар. Бир ҳафталардан сўнг спортчи ўзида ҳатто ойнани ейиш, ҳар хил радио тўлқинларни қабул қилиш қобилияти пайдо бўлганлигини сеза бошлади. Бу воқеа жуда катта илмий баҳсларга сабаб бўлди.

Америка дорифунунининг Табиат ҳодисаларини ўрганувчи Қоҳирадаги бўлими ходимлари ҳодиса юз

берган жойда бўлиб, кузатишлар олиб бордилар ва кумлоқ нурланганлигини қайд этдилар. Мутахассислар, ўша космик аппарат чўл юзасини тасвирга тушираётган чоғда ёлғиз спортчига дуч келиб қолган, дейишмоқда. Текширишлар эса спортчининг руҳий жиҳатдан мутлақо соғломлигини кўрсатмоқда.

Баъзи бир врачлар, жумладан, Абдул Мухсин Йўсрий, Мухаммад Шараф, Юсуф Фалаклар бу ҳодисага мутлақо ишонмаётганларини айтдилар. Бунга улар компьютер ёрда-

мида олинган бош мианиннг тасвири ишонсиз эканлигини, нурланиш спортчи организмга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаганлигини, унинг бошқа инсонлардан фарқи йўқлигини сабаб қилиб шундай фикрга қелдилар.

Бу миш-миш атрофида баҳслар ҳақон давом этапти. Абдул Карим ўзининг ҳақлигини исботлай олармикан? Уни кузатиб юрган журналистлар, спортчи билан бўладиган суҳбатимизга диктофон, шиша, графина ва прёмёнкни оловламиз, деб айтишмоқда.

# МУСТАҚИЛЛИК АМАЛДА БЎЛСИН

Жумҳуриятимиздаги улкан ўзгаришлар шарофати билан элимиз аҳли манфаатини кўзлаб, ерларнинг ижарага берилиши, меҳнаткашларга уй-жой қуриш ва томорқа учун ер майдонларининг ажратилиши йиллар давомида меҳнатининг қадрини тополмай ётган деҳқоннинг қад ростлашига, елкасига офтоб тегишига имкон яратди. Хўжалик ҳисоби, ижара ва онла пудрати тартибда ишлаш деҳқондан ўз ҳақ-ҳуқуқини яхшироқ билишни, ишнинг фойда-зиёнини фарқлай олишни талаб қилаётир... У энди илгаригидек тепадан ўйланмасдан берилган буйруқларнинг кўр-кўрона ижроси эмас, балки заминнинг асл эгаси сифатида намоён бўлаётир.

Андижон вилоятининг Москва ноҳиясидаги янги барпо этилган, фаолиятга ҳали йил ҳам тўлмаган «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам берилган эр ва мустақилликдан баҳоли-қудрат фойдаланилаётирлар. Қайт-данок ноҳия хўжаликлари орасида пешқадамлик қилаётган «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ўз ишларини аниқ мақсад ва режа асосига қурганлар. Хўжаликка малакали мутахассис, тажрибали иқтисодчи, иктисод фанлари номзоди Маҳмаджон Азимов раҳбарлик қилаётир.

42 баҳорни эндигина қаршилаётган М. Азимов нафақат давлат режасини бажаришни ўйлайдиган, балки энг аввало деҳқоннинг фаровон турмуши ҳақида қайғурадиган раис сифатида ўзини намоён қилди. Бош агроном Олимжон Аҳмадалиев, бош ҳисобчи Тошпўлат Ҳожимуродов, бош муҳандис Муҳаммаджон Турсунов, жониворшунос Турсунбой Мисиров, ер тузувчи муҳандис Муҳаммадкарим Мирзаевлар ҳам янгича ишлашга энг шимарган шижоатли, ташаббускор ёшлардан. Умуман янги ташкил этилган жамоа хўжалигининг кўпчилик етакчи мутахассислари ёшлардан иборат.

— Энг аввало деҳқон билан ҳисоблашиш керак, кейин давлат режаси билан, — дейди раис жилмайиб. — Чунки ҳар қанча режа, мажбурият ҳам ана шу деҳқон — яратувчилар меҳнати натижасида бунёд бўлади. Хўжалигимиз ҳудуди аҳолиси 4607 кишини ташкил этади. Уларнинг яхши ишлаб, дам олишлари, моддий-маънавий ва маиший талаб ва эҳтиёжлари қондирилиши учун етарлича шарт-шароит яратиш лозим.

Ҳа, деҳқоннинг шахсий хўжалиги тўкин бўлмас экан, жамоа хўжалигини тиклаш амримаҳол. Буни яхши билган хўжалик раҳбарлари шахсий хўжаликларнинг чорвасини ҳам етарли ем-хашак билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу ниятда деҳқон хўжаликларида ҳозиргача 300 килограмдан бугдой (килоси 20 тийиндан), чорваси учун 298 тонна сомон (3 тийиндан), 239 тонна кўк масса (3 тийиндан), 19 тонна пичан (7 тийиндан) сотдилар. Ана шу усул билан аҳоли чор-

васининг ем-хашакка бўлган талаби қондирилди.

— Аҳолига уй-жой қуриш, томорқа учун ер майдонлари ажратиш масалалари қандай бажарилаяпти? — деб сўраймиз жамоа хўжалигининг ер тузувчи муҳандиси Муҳаммадкарим Мирзаевдан.

— Уй-жой қуришга эҳтиёж сезилган 129 аъзодан ҳозирча 101 тасига 8 сотихдан ер, томорқа учун 572 хўжаликка 56,6 гектар ер ажратганмиз. Томорқадан олинаётган даромад яхши, бироқ уй қуриш учун қурилиш хомашёлари борган сайин камёб бўлиб бораётир. Айниқса ёғоч-тахта, цемент, шифер ва бошқа хомашёлар танқис. Бу муаммони ҳам барта-раф этиш учун Томск ўрмон хўжалиги билан шартнома тузи-лаб, айрибошлаш усулини қўлаб, яъни богдорчиликдаги ме-валаримизни алмаштириш ҳи-собига ҳозирча 200 куб тахта олишга эришдик.

— Биз бу билан ҳам чекланиб қолмасдан, — деб сўзга қўшилди раис. — Жамоа хўжалигида

12 та ёрдамчи хўжалик очган-миз: бетон заводи, оҳак цехи, асфалт заводи, гишт заводи... Бор ички имкониятларимизни ишга солаяпмиз. Натижанда уй-жойга муҳтож аҳоли тезроқ янги уйларини тиклаб олаётир. Фақат ёрдамчи хўжаликларимизнинг ўзидан ярим йилда 50 минг сўм фойда олдик.

— Ёрдамчи хўжаликлар эвазига ишсизларни иш билан таъминлаш масалалари ҳам ҳал бўлаётган экан-да.

— Албатта-да, — дейди бош иқтисодчи Жўравой Сирожиқдидов жонлииб. — Асфалт заводини ишга тушириб, 30 кишини иш билан таъминладик. Маошлари ҳам ишларига яраша — 300 сўмдан 700 сўмгача. Гишт заводи бир ҳафтада 100 минг гишт ишлаб чиқармоқда. Ҳозирги кунда 100 нафар хотин-қиз ишлаётган 240 ўринли Андижон тикувчилик фабрикасининг бўлимини келгусида 300-400 ўринли қилишга уринаяпмиз. Бу фабрика ҳам жамоа хўжалиги ҳисобидан 97 минг 500 сўмга қурилган. Фабриканинг етакчи

мутахассис ходимлари ҳам шу хўжаликнинг аъзолари. Фақат улар шароит тақозоси билан касбларини ўзгартирдилар. Кечагина далада гўза чопиб юрган аёл бугун фабрика дастгоҳини моҳирлик билан бошқараётир. Ҳозирча фабрика жамоа хўжалигининг аёлларига махсус коржома (халат), эркакларга ятак, иш қўлқопи, ёстиқжилд, чойшаблар тикмоқда. Тикувчиларимиз махсус малака орттиргач, четга ҳам ўз фабрикалари ёрлиги билан маҳсулот чиқариш нияти-дадилар.

Албатта хўжаликнинг келажигини унинг иқтисодий ҳолати белгилайди: даромад кўп бўлса, иш ҳам шунга яраша бўлади. Жамоа хўжалиги эса жорий йилда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш эвазига жами 2 миллион 860 минг сўм пул даромади олишни режалаштирган. Келгусида олинган фойданинг бир қисми 500 тоналик мева-сабзавот сақланадиган иссиқхона, 80 та ишчи ишлайдиган 2-пишқ гишт заводи, кичик консерва заводи ку-



Андижондаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалигида чоғроққина тикувчилик корхонаси ташкил қилинган, аҳолини меҳнатга жалб этиш имконияти пайдо бўлди.

Суратда (чапдан): тикувчилардан З. Қурчиева, А. Тўраева, М. Умарқулова, Ш. Шо-раҳимова, М. Раҳимовалар иш устида.



Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий мактабда.  
Мусаввир Б. Бобоев.



Алишернинг ёшлиги

Мусаввир В. Кайдалов.



Шоҳимардон боғларида.



— Телевизорда мажлис тугагунча юр, бирга сайр этиб келамиз.

Сураткаш В. Кавелин

Навбахор ноҳиясидаги «Капалак» ансамбли



Ешлик.

Сураткаш Р. Пурипбоев



Мумтозбегим шарафига 1632—1653  
йилларда Шох Жаҳон қурдирган Тож-  
маҳал.



Шох Жаҳон

Мумтозбегим (ҳинд миниатюраларидан)



ришга сарфланади. Бу режаларни амалга ошириш билан тайёрланаётган хомашёнинг маълум қисмини жамоа хўжалигида ишлаб чиқаришга имкон туғилади.

— Кишлоқнинг ижтимоий фаровонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР кишлоқ аҳолисини ичимлик сув, табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги қарори айна муддао бўлди. Лекин ҳали қозондаги қарорни амалга жорий этиш осон иш эмас, — дейди жамоа хўжалигининг фирқа кўмитаси котиби Мўминжон Урайимов. — Биргина Ўзбекистон ССР Режалаштириш кўмитаси тасдиқлаши керак бўлган сув ва газ тармоғини ўтказиш ҳақидаги бир парча қозонни бир неча идоралар чигиригидан ўтказишга тўғри

келаяпти. Агар иш шу тарзда кетса, бир-икки йил уёқда турсин, ўн йилда ҳам деҳқон гўзапоё ёқидан кутулмайди...

Шунингдек, кишлоқ хўжалик экинларига, жумладан пахтага ҳам режа ва мажбурият ҳали ҳам юқоридан, СССР Молия вазирлигидан белгиланмоқда. Бу режабозлик хўжаликнинг мустақил фаолиятини кўп жиҳатдан чеклаб қўяётир. Масалан, «Ҳақиқат» дагилар чорвачиликни ривожлантиришмоқчи эди. Лекин давлатга пахта топшириш режасини юқоридан 1916 тонна қилиб белгилангач, 21 гектар бедани бузишга мажбур бўлишди. Шунингдек, пахта нархини ошириш билан бирга иш тақсимотини ҳам қўриб чиқиш керак. Капиталистик давлатларда фойданинг учдан икки қисми меҳнат

кишига берилади, бизда эса учдан бири. Албатта бу ҳолда жамоа хўжалиги, давлат фойда кўргани билан деҳқон моддий манфаатдорлик кўрмайди-да. Шунинг учун иш нормаларини ўртача 40—50 фоизга камайтиришга тўғри келади. Ҳозир жамоа хўжалигидаги деҳқоннинг ўртача ойлиги 164 сўмга тўғри келаяпти. Бу ёрдамчи хўжаликлардаги ишчи-хизматчиларнинг маошларидан уч-тўрт хисса кам.

Ҳа, ошкоралик, мустақилликка эришаётган жамоа хўжаликларидеҳқон ерга, ҳуқуққа, фаровонликка эга бўлиб, унинг келажакка умиди мустаҳкамланмоқда. Бироқ ҳали-ҳануз юқори идорадагилар, жумладан Жумхурият нормалаштириш илмий-тадқиқот институтидагилар иш нормаларини камайтириш ҳақида

қайғурмаяптилар. Пахтакор меҳнатининг кадри ҳамон паст. Иш юритиш шу зайдда давом этарверса, жаҳон бозорида валютага сотиладиган пахта — оқ олтинимиз иккинчи даражали экин бўлиб қолиши ҳеч гапмас.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Ҳақиқат» да яхши, иш кўзини биладиган бошқарувчилар бор. Бироқ буйруқбозлик исканжасидан чиқиш ҳамон осон кечмаётир. Токи шу каби жамоа хўжаликларидеҳқон тер тўкаётган ҳар бир меҳнаткаш ўзини ҳар томонлама — ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам маданий эҳтиёжларини қондира олмас экан, деҳқон ҳақиқий мустақилликка эга бўлолмай қолаверади.

Зоир ЗИЕ,  
«Гулистон» жаридасининг махус мухбири



Риштонлик кулоллар чинни буюмларни хумдондан олиб чиқилмасдан олдин кўздан кечирадлар. Бу ишни одатда уста Ҳамро Қодировнинг ўзи бажаради.

Риштонлик кулоллар Рустам Усмонов билан Музаффар Саидов иш устида.

Сураткаш Р. Шагаев  
(ЎЗТАГ)

## СУВ ҚАЁҚҚА КЕТАЁТИР?..

Дарёчилик бўйича мутахассисман. Шу босидан ушбу мулоҳазамни сиз муштарийларга бундиришни лозим топдим. Ва буну бурчим деб ҳисоблайман.

Бундан ўттиз йил муқаддам Амударё билан Сирдарёдан Оролга оқиб тушаётган сувнинг миқдорига нисбатан бугуналиб кетаётган сувнинг миқдори кўплиги маълум бўлганди. Чора кўрилмаса, денгиз ер юзидан йўқолиб кетиши ўша пайтлардаёқ маълум бўлган. Лекин ўшанда денгиз остида бир неча дарё, ирмоқларнинг мавжудлиги ҳам аниқланганди. Мана шунинг ҳисобига сув сатҳи шу пайтгача сақланиб келди.

Энди-чи, Она денгизимиз қуриаяпти. Бунинг сабаби фақат пахта эмас. Газли шахри ва унинг атрофидан чексиз миқдорда ер остидан газнинг сўриб олиниши ҳамдир. Чунки ер қобиғи бўшаандан кейин ер остида босим камаёди. Натигада ернинг томиларидаги сув юқорига чиқолмай, яна ер қобиғига қайтиб ки-

риб кетади. Орол денгизи тагидаги ер ости дарёлари ҳам шу тахлит ерга сингиб кетаётганига шубҳам йўқ.

Орол денгизини сақлаб қолиш учун олимларимиз ана шу ҳақиқатни юзага чиқарсалар яхши бўларди. Сибир дарёларида сув келтириш қимматга тушади, деб рози бўлмадилар. Хўш, энди нима қилиш керак? Менимча, Газлининг газидан тушган маблағнинг бир қисмини шунга сарфласалар, ўзини-ўзи қоплаб, яна фойда келтира бошларди.

Юқоридаги сўзимнинг исботи учун Газлидаги зилзилани эслаш кифоя. Газли атрофидаги сув иншоотларининг суви газдан бўшаб қолган ер қобиғига сингиб кетганининг ўзи бизга сабоқ бўлиши керак.

Жаббор СОБИРОВ,  
Бухоро вилояти, Қорақўл ноҳиясидаги К. Марк номили жамоа хўжалигининг 4-бригадаси аъзоси





# Шайх Ҳасан Жури

(«Сабадорлар» тарихий романидан парча)

Масжид аҳли кутаётган шайх Ҳасан Журий машҳур шайх Халифанинг шогирди бўлиб, фақуллода ақли, фаросати билан ажралиб турарди. Пирнинг эътибори кўпроқ Ҳасан Журида бўларди. Ардоқлаб, муродимга етказадиганим шул, деб кўнглини тўқ тутганида, Шайх Халифа уни ўзига ўринбосар этиб тайинлади, шу тариқа Хуросонда номи чиққан «Шайх Халифа ва Ҳасан Журийлар тариқати» майдонга келди.

«Халифа» лақабли, нечундир асл исмини яширган мазондорлик бу шайхни Хуросонда яхши билишди. Мадраса кўрган Халифа ҳар бир нарсатга диққат билан эътибор айтадиган, шубҳа билан қаровчи, ҳар қандам ноҳақлик, адолатсизликка кўзи тушганда, лабларидан: «Нечун? Нима сабабдан?» деган саволлар учгучи тиниб-тинчимас бир киши эди. У аввал Мозандаронда шайх Болвийга мурид тушди, аммо пир суҳбатларидан қаноат ҳосил қилмади. Кейин Эроннинг машҳур офоқ шайхи Рукниддин Алоуддава Симоний этагини тутмакка кетди. Пир бир янги муридидан охишга сўради:

— Бўтам, огоҳдурсизким, суннийларнинг тўрт мазҳаби борди, яъни — ханафия, шофийча, моликча, ханбалча. Ушбу мазҳабларнинг қай бирига дил бердингиз?

Халифа жавоб қилди:

— Хайҳот, менинг дил берганим барчасидан юксакроқдир!

Бетавфиқ ёш муриднинг даҳриёна сўзлари Эроннинг машҳур шайхига ҳақоратдай туюлди, у ногаҳон келган қаҳру газабини тўхта олмай рўбарўсида турган давонни зиндик шогирдинин бошига уриб чил-чил қилди. Бу воқеадан кейин Симонда қолиши мумкин бўлмаган халифа Вахрабодга шайхулислом Гибсиддин Хайбатulloҳ ал-Хамавий ҳузурига жўнади. Лекин у ерда ҳам ўзини қийнаб ётган минг бир саводу муаммоларга жавоб топа олмади. Ҳолибу унинг саволлари қизиқ бўларди, чунончи: «Нима сабабдан ерга бир бадавлат одам эгаллик қилди?», «Нечун деҳқонларнинг умумихитрига бериб қўйилмайдими?», «Нимага ҳамма — очу қашшоқ сарватманду бой тенг эмас?», «Беш қўл баробар эмас деган ақидани ким чиқарган?», «Нечун эгулик ёвузликини енгиб, батамом адам чоҳига йикита олмайди?», «Нечун зодагонлар меҳнат қилмай яхши кун кўради?» ва ҳоказолар. Одатда муридлардан ҳадису мазҳаб, пайғамбару чоҳрлар, турли масалалар юзасидангина саволлар эшитилган шайхлар Халифага тутимдан ҳайратга тушдилар. Ҳамма жойда, бу «юзасиз ва осий» шогирд ўзининг ғайритабиий, шу пайтгача учрамаган каломлари учун фақат дашном эди! Оқибат уни эси пастга чиқардилар, бузғунчи атадилар, шогирдликка нолюйиқ топиб ҳайдадилар. Халифа сарсон-саргардон-

ликлардан кейин, ниҳоят Сабзаворнинг Жоме масжидида кўним топди. Шаҳар ва атрофларда: «Шайх Халифа деган машҳур зот келибди, Жоме масжидида истикомат қилармиш, нафаси бисёр ўткир экан!» деган гаплар тарқалди. Халифа бу ерда ўзини «Шайх Халифа» деб танитиди, «шайх» номини кўшиб олганини ҳеч кимга айтмади. Таомилда шайхлик унвонига фақат Пир фатвоси билан эришиларди, йўқ эса шайтоннинг йўлдан оздириши деб қараларди. Аммо биров унинг шайхлиги хусусида сўрамади ҳам.

Шайх Халифанинг қироят билан кўрғон тушришлари, айрим масалаларни қилни қирқ ёрғандай қилиб изоҳлаб беришлари муридларга маъқул эди, булардан ҳам кўра, шайхнинг бугунги кун борасидаги суҳанлари сомеларнинг юрак-юрагига бориб теғарди. Ахир мавжуд салтанат ҳақида маълум қилишларга сизгайдиган гаплар ҳамма ҳам қулоқларни динг қилади. Одатда муқаддаси кўрғондан иборат ваъз тобора «хилолати дунё» масалаларига айланиб кета бошладди, кўпроқ инсоний ҳақ-ҳуқуқ, истибодни тубдан кўпориш, тенглик борасида сўз кетадиган бўлиб қолди. Шайх Халифа муридлари сафи кенгайиб борди. Ҳамма жойда пир ҳақида сўз кетар; унинг: «Мен халифани адлмен, яъни адолат ўринбосари, шундан унвоним Шайх Халифадир!» деган сўзлари машҳур эди.

Ана шундай бир пайтда қутилмаган ҳодиса юз берди. Қуилардан бир кунни тонгда бомбод намозини ўқишга масжидга келган муридлар ҳайратда қотиб қолдилар: Шайх Халифани масжид устунига осиб кетишган эди! Бировлар пир ўзини-ўзи осиб қўйган, дейишарди; эл ўртасида, бу Шайх Халифа обрўсини кўролмаган Сабзавор уламоларининг хуфийа хусуматидир, зеро гадонинг душмани гадо бўлади, дегувчилар ҳам оз эмасди.

Шайх Халифанинг фожиали ўлими муридларни бу йўлдан қайтарга олмади, аксинча, ўчай деб турган ўтга мой қуйилгандай, салтанатга қарши газабларни баттар оловлаштириб юборди. Ҳаракат тизгини энди сергайрат ва улдабурро шайх Ҳасан Журий қўлига ўтди. У бутун вужуду билан ишга киришди. Даставвал Нишопурга борди, шайхнинг эҳтиросли ваъзларидан сўнг атрофда яшайдиган тоғлиқлар, шаҳарликлардан кўпчилик унга мурид бўлди. Машҳаддан қосиблар қўшилди.

Ҳасан Журий Машҳаддан Обивардга, сўнг Ҳабушонга ўтди, кейинги беш ой ичида бир неча бор турар жойини ўзгартирди. Еш шайхнинг авомуннос ўртасида ҳурмати газаволаб бораётгани уламоу шайхларга ёқмасди, унинг рофизийлардан, яъни шиалардан эканлигини айтишиб: «Шайх Ҳасан Журий эл орасида исён тухмини сочгувчидир, у авомини шиа мазҳабига ўтишга ташвиқ қилмоқда, халқни кўзғолонга даъват этмоқда, шул важдан ҳам ул бетавфиқ ўлимга маҳ-

кумдир!» дея бетиним Хуросон ҳукмдори амир Арғуншоҳ қулоғига қуяр эдилар. Бу гаплардан сергақланган шайх Ироққа кетди, сўнг Балхга отланди, Термизда эса Чингизхон босқинида вайрон бўлган шаҳарда, бозор майдонидаги Ҳаким отанинг кўмилиб кетган қабрини топиб тавоф қилди, бироқ шу ердан ортага қайтишга тўғри келди. Йўл кейин Ҳирот, Қўҳистон ва Кирмонга тушди. У борган жойида кўп турмас, яширинча яшар, шайхни эшитишлари билан одамлар оқиб кела бошларди. Ҳамма жойдаги ваъзлар, нутқлар босқинчилар шаънига нафрат сўзлари билан яқунланар, одамлар, қарнай овозини ошитиб, беихтиёр тўй томонга бориб қолганини сезмаган болалардай, шайх атрофда парвона бўлардилар.

Мана, шайх Ҳасан Журий Нишопурдан келаётиб Боштинда озроқ сукут этди. Бу вилоятда олтига катта-катта кишлоқ бор, барчаси Ҳасан Журий тариқатини қабул этмоқлари лозим.

Масжид ҳовлисида игна ташланса ерга тушмасди. Қишлоқ аҳли мўътабар меҳмонни кутарди. Довруги Хуросону Мозандарон, Афғонистону Мовароуннаҳрни тутган шайхнинг Боштинга қадам ранжида қилиши тақдирнинг бир инъомидек эди, ҳамма баҳраманд бўлиб қолмоқни ўларди.

\* \* \*

Бирдан: «Кўриндилар, кўриндилар!» деган садолар янгради. Масжид ичкарасидан баланд бўйли, оқ юзли, кўзлари қоп-қора ёшгина шайх чиқиб келди. Вир қўлида қот, бир қўлида тасбиҳ ушлаган, эгнига оқ ҳиққа ташлаган шайх Ҳасан Журийни кўришлари билан одамлар орасида шивир-шивирлар бошланди:

— Еш экан-а!..

— Шу ёшда қирқа кийибди, қандини урсин!

Шайх Ҳасан Журий гоз юриб келди-да, ҳаммага салом берди. Сўнг имомликка ўтди, бомбод намозини ўқишга турдилар. Абу Вақр Калава назарида намоз тез ўқилгандай бўлди, ҳар қалай, кўп фурсат кетмади. Ҳасан Журий минбардан сомеларга юзланиб бундай деди:

— Е машаралмуслимин! — шайхнинг янгротқ овози ҳовлини жаранглапти юборди. — Пирлар изидан юрмак шогирдлар бўйидаги мўътабар юкдир... Шайхул машойх Фариддин Аттор, инда зикри ас-солиҳина тазилу, ар-рахмату, Нишопурга яқин Шодёх деган жойда истикомат қилар, кичиккина дўкон очиб тирикчилигини тебратарди. Иттифоқо, қуилардан бир кун қўлида кашкулидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ бир дарвеш дўнонга кириб келди: «Кишини ҳаққа, ҳақиқатга ештиригувчи юпуликдир, дўқонининг юпуларга бер, бечоралар бошини силга, асл инсон бўлдурсен... Узинг эса дарвешлик жандасини кий! Ҳаққа етиш-

букининг бундан ўзга ҳидоятчи йўқдир!»  
 Аттор дарвешнинг ушбу сўзларидан бағоят мутаассир бўлди ва шу фурсатдаёқ дўконини етим-есир фақирларга ланг очиб қўйди, ўзи эса бу дунё бозоридан илик тортиди. Дўкондор эди — фиғону нолақор бўлди, турмушнинг икки-чиркирлари занжирида банд эди — шу ҳиммати ила турмуш икки-чиркирлари занжирларига ўзини банд этиб ташлади, фақир сафига қадам қўйди. Ана шундоқ бечоралар кўнглини олгани учун ҳам, — давом этди Ҳасан Журий, — бул дамда ул зотни хотирлаб турибмиз. Пиримиз Шайх Халифа, куддиси сирруҳу<sup>3</sup>, ҳамиша шундоқ сабоқ берар эдилар, оч-юпуларнинг қадди тоғдай бўлмоғи керак, барча тенг бўлмоғи лозим, деб уқтирар. Зобитларнинг қадами муробак тушроғимиздан қирилмоғи даркордир...

**Х**асан Журий бир лаҳза тўхтади ва змидан одамларга назар солди. Аслида у ҳеч нарсаи эздан чиқармагани, сукут одамлар кайфиятини билишда қўлланадиган усул эди ҳолос. Шайх Ҳасан Журий сўзларига сомелар қўшилишадими ёки Ироқда бўлганидай ҳайхўйлар билан уни минбардан тушириб юборишадими? Ироқда шайхнинг ўзидан ўтди, ёшлик қилди, сомелар кўпчилиги сунний мазҳабдан эканлигини унутиб, ваъзининг сўнгида ўн иккинчи имом Махдий нисбади Муҳаммад Мунтазар ҳақидаги қиссага тўхтади. Беш юз йиллар муқаддам ном-нишонсиз гоийб бўлган имом Муҳаммад Мунтазар — Махдий ҳамон тирикдир, фурсати келганда у пайдо бўлажак, зобитларни юртдан қуважак, халқнинг охирига етажак — қисанинг асосий мазмуни ана шундан иборат. Имом Махдийнинг пайдо бўлишини бундоқ тасаввур қилишарди. Ҳар кун оқшом ва саҳар эгарлоглик безатилган отни етаклаб қишлоқлар четига, шаҳарлар дарвозасидан ташқарига чиқиб имом Махдий пайдо бўлишини интизорлик билан кутадилар. Агар соҳиби аз-замона имом Махдий кўринмаса, ноумидликка тушмайдилар, бугун келмаса янаги кун келади, дейдилар-да, ранжга дил бермайдилар. Мана, беш юз йилдирки, Хурросоннинг шиа мазҳаблик музофотларидан ҳар кун юқоридаги ҳол такрорланиб келади...

Суннийлар билан шиаларнинг ёқалашига оз қолди ўшанда, нақ бўлмаса Ҳасан Журийнинг ўзи асфаласофилинга кетаёзди. Суннийларнинг пешвоси орага тушиб, шайх ур калтак-сур калтақдан қутулиб қолди. Кадхудо унга: «Шитоб бу ердин чекил, ёш экансан, жонингга жабр қилма!» деб маслаҳат берди...

Ҳасан Журий у кунларни эсларкан, мийида кулиб қўйди.

— Нега жимиб қолдилар, шайхим? — деди олдинги қаторлардан кимдир. — Ҳайиқ-масдан сўйлайверингиз!

— Бас, бу гапдан сўзламанг! — деди энг олдинги қаторда ўтирган катта салла ўраган киши. — Ичимизда қулоқлар бор, биров тагини кавлашга ишқибозлар кўп... Эртага хонга етиб боради...

— Нега? Сўзланг! Сиз сўзламасангиз, мен эшитмасам қандоқ бўлади? — Ҳасан-Ҳамза шарт ўрнидан туриб кетганини билмай қолди. — Сўзланг, улуг зот, сўзларингиз жароҳатларга малҳам бўлаётди! Хохламаганлар қулоқларига момиқ қўйсинлар!

— Босқинчилар изи тушроғимиздан қирилсин!

— Эй, гаширма деган ким? — орқароқдан чиқди овоз, Ҳасан Журий олисдаги одамни яхши илғай олмади. — Ҳайиққан, уйига борсин-да, писиб тухум босиб ётаверсин!

Даҳанаки жанг бошланиб кетганини кўрган Ҳасан Журий мамнун эди, демак сомелар унинг сўзларига қўшилишди.

Шайх сўзга оғиз очди:

— Муробак тушроғимиз ёт қадамлар остида топталиб ётавершин бизлар учун исноддан баттар бир ҳолдир. Агар босқинчиларни она юртдан қуваек, сўнгра ҳамма тенг бўлғуси, зулм эса фаторот толажак...

— Фаторот топсин бари! Иншооллох! — деган ҳайқириқлар янгради.

Ҳасан Журий пири Шайх Халифанинг ушбу панд-насихатини қулоғига қуйиб олганди: «Ғазаб-нафрат тигини истибодда қарши қаратмак дилга туккан аъмолимиздир. Зулмга қарши элни оёққа турғизиш, уйғотишда Махдий афсонасидан аъло даражада фойдаланмак лозим. Мўғулни енгган кунимиз Махдий аён бўлажак, деган эътиқодни рунду аёбш бўлганга жойламагимиз даркор. Озодлик орсзулари эса инсон боласида хали турғилмасдан аввал юрак пучмоқларида жо бўладир. Зулмга қарши айтилган ҳар бир фикр юракдаги ўша орсзулар гунчасини очтириб юборди, эътиқодни эркалайди... Эътиқоддадир, оламнинг меҳвари, эътиқодда...»

— Бизнинг аъмолимиз — оч-юпун, етим-есир, хору гадо бошини силамоқдир, улар бир-бирига тенг бўлинлар, неъматларга баробар эгаллик қилсинлар... Пир Шайх Халифа маздакийлар, хурраийлар тақдиридан сўйлаб ажиб қиссалар нақл айлар эдилар. Бир кун, — деди Ҳасан Журий қўлидаги китобни жамоага кўрсатиб, — шул китобни ва рақлаб ўлтирибдилар. Яқинроқ бориб назар қилдим, — ал-Форобийнинг «Китоб аро ахл ал-мадина ал-фозила» китоби эркан. «Фозил шаҳар бўлмак ҳақида ширин тил билар қисса этибдир, дедилар пир, фозил шаҳар

— Фақат эртақларда бўлади бу айтганингиз, шайхим! — киноя қилди боя «гапирманглар» деган катта саллали киши. — Фақат эртақларда...

— О, қанийди шундоқ фозил шаҳар бўлса... — сўз қўшиб кимдир.

— Мутағоллиблар зулмидан қутулсак...

— Зулм нағалидан елкамиз жароҳатли... — қўшилди яна биров.

— Ришвахўр фирибгарларга кунимиз қолди... — деди сийрак соқолли бир чол.

Ешроқ сомелардан бири сўзни илиб кетди:

— Адолат устуларининг кирдикорларини кўринг! Уялмай-нетмай нишон кўрсатиб, фалон бек ёки фалон шахзоданинг хизматчисини, фалон муҳим юмуш билан писмадон ерга борурмиз, деб юз турлук баҳона билан элдан нарса ундириб, озор етказадилар... — Восқинчи мўғул дастидан дод! Дод! — деб юборди аллакани.

— Бош кўтариш керак!

Масжид ҳовлиси энди гувиллай бошлади.

— Сабзаворни фозил шаҳар қилмоқ мушкулдир, ҳеч бўлмаса Боштин қишлоғимиз маконга айланса қошки эди!... — деди Ҳасан Ҳамза. — Насия тустовуқдан нақд чумчуқ афзал, дейдилар...

— Тўғри! Холва деган билан оғиз чуқирмиди? — қувватлади Ҳасан Ҳамза. Абубакр



Рассом О. Восхонов.

бўлмак, бахт-саодатга эришмак, шаҳар аҳлининг ўзига боғлиқдир, биров гоийбдан ҳеч қачон инъом этмайди... Одамларни бир-бирига дўсту иноқ қилувчи, бирлаштирувчи фазилат инсонийликдир, шу вайдан ҳам улар омонликда, фароғатда яшамоқлари лозим. Билим, турли хунарлар, савдо-сотик ривож топтоғи керак. Бундоқ шаҳар аҳли бир-бирининг тагига сув қуйиб эмас, балки қўллаб, ардоқлаб бахт-саодатга, камолотга эришадурлар...» Ваъдаз пир айтдиларки: «Сабзавор шаҳрини анингдек фозил шаҳарга айлантиргайки! Васки, ушбу китобни илиқдан қўймай келадурмен... Илло, пирлар изидан юрмак шогирдлар бўйнидаги мўътабар юкдир...»

Масжид ҳовлиси сув сепганди жимжит. Ҳасан Журийнинг тиниқ овозини ёки унинг нутқидаги дилларни аллаовчи, кўнглиларни яйратувчи бахт-саодат, олий камолот, фозил шаҳар тўғрисида айтилган ажабтовур фикрлар сеҳрими, ҳар қалай, сомелар мафтун бўлиб қолган эдилар.

Калава Ҳасан Ҳамзанинг қўлини неғадир қисиб қўйди.

— Е машаралмуслимин!

Ҳовли бирдан тинчиб қолди. Ҳасан Журий кичиклигиндоқ гапга чечанлигидан ҳаманинг диққатини ўзига тортиб келарди. У Кирмон вилоятидаги Жўз қишлоғидан бўлиб, ҳамқишлоқлари уни тўппадан-тўғри, «Ҳасан булбуллиғў» деб аташарди. Мадраса кўриб мударрис унводини олчак ўткир фаҳм-фаросати, фавқуллодда равшан идрокни туфайли-нотиқгайқ бобида каломи илгорлик кўргизадирган бўлди. Гап билгунча иш бил, деган ақида унга тўғри келмасди, шайх гапни ҳам биларди, ишни ҳам.

— Е машаралмуслимин! Орангизда маконна шайх Ҳасан Журийга мурид бўлмоқни ният этган кимсалар борми?..

— Бор, бор!

— Бизни ҳам муридликка олсинлар!

— Муридлар бир хил кийим киядилар, бир хил таом тановул айлайдилар, ягона

# Бахту озодлик дея...

## Боғбон

Гуллар эқдинг, ўтқаздинг кўчат,  
Бунёд этдинг шинам хиёбон.  
Улуғ элга мухаббатингни  
Меҳнат билан қилдинг намоён.

Қайтганида душманинг энгиб  
Қаҳрамонлар ўа диёрига,  
Сен боғлаган гулдасталарни  
Қизлар тутди ғолиб ёрига.

Ҳар гал висол чоғида сени,  
Севишганлар олади тилга.  
Гул бердингу мангу ўрнашди  
Мухаббатнинг бу пок кўнглига.

Наслимизнинг толини учун  
Гулни кўп эк, яралсин бўстон.  
Сенинг асил касбиндан қолсин  
Тарих учун ўлмас бир достон.

Ургач.

\* \* \*  
Бахту озодлик дея  
Ўтдик курашлар тоғини,  
Ҳам яратдик бу жаҳонда  
Бахту иқбол боғини.  
Мисли бўрон ҳаммамиз  
Ев устига қилдик жадал  
Кўзга суртиб хур Ватанинг  
Ҳар сиким тупроғини.  
Ғоямиз бўлди курашда  
Элу юрт озодлиги,  
Шодиёна васли ювди  
Юзда ҳижрон доғини  
Шу йўсин бундай улуг  
Кунларга биз бўлдик эга,  
Олга ташлаймиз қадам  
Ушлаб зафар байроғини.  
Ҳақ-адолат йўлида ҳар қунда  
Виз шухрат топиб,  
гулга бурқаймиз азиз жондек  
Ватан ҳарёгини.

## Меҳнат

Пешонангдан сизган ҳар томчи тернинг  
Қадрини она ер баргидан қидир.  
Бизни улуглаган шу улуг Ватан,  
Халқ учун меҳнат қил, шон-шараф шудир.  
Кулиб турган порлоқ келажакка бок,  
Яна ҳам чароғон ҳаёт кўрасан.  
Лекин унутмаки, буюк манзилга,  
Меҳнат йўлларидан ўтиб борасан.  
Меҳнатсиз ҳеч роҳат бўлмаганидек,  
Роҳатсиз турмушдан йироқ турар тот.  
Ҳаловат, фароғат, шухрат, шараф-шон —  
Бариси меҳнатда, меҳнатда — ҳаёт.

эътиқод занжирида бўладилар. Барча одамлар тенгдир, деган ақида кўнгилларнинг бебаҳо сарватига айлангусидир, ҳамма бир-бирини қўлайдир... — Ҳасан Журий шахдам эди. — Хўш, ким беадад муридларим сафини кенгайтирмакчи бўлса, бу ёққа келиб исми-шарифини айтсин! Хатга битамен...

Одамлар ўртасида тагин гала-говур бошланди. Ҳамма Ҳасан Журий олдига бориб ўзининг исми-шарифини айтди, қасам ёди қилиб, яна жойига келиб ўлтирар эди.

— Эсинг: Насруллоҳ Боттиний! — деди озгин ўрта бўйли одам.

— Қасам ёд қилингиз!  
— Менким Насруллоҳ Боттиний, шайх Ҳасан Журий этакларидан тутдим. Иямим шайх ҳазратлари илгидадир. Ҳасан Журий жамоасига мансуб ақаллигимни дунёда икки киши билур, бири — олло-таоло, иккинчиси шайх Ҳасан Журий! Ушбу сирни сақлашга, уни кимсага билдирмасликка битта бошим билан жавоб берурман!

— Аубакр Қалава Самарқандий!  
Самарқанд номини эшитган шайх таажубда бошини кўтарди, рўпарасида дуркун бир йиғитча киприк қоқмай кўй кўзларини унга тикиб турарди.

— Офарин, ўғлон, офарин! — сўзланди Ҳасан Журий. — Самарқанд сайқали рўйзаминдир. Сафарим чоғида Термиз отадан нари ўтолмаганимдан бағоят дили озурда эрдим. Баски, сиз туфайли Самарқандга боргандаймен! Иншоолло, менинг қадамим ет-маса ҳам муридимнинг қадами етур!

Масжид ҳовлисига тўплаган олти юз чоғлиқ одам бирин-кетин Ҳасан Журий қошига келиб дафтарга ёйишида давом этарди.

— Ибн Ямин! — деди ёши элликларга борган, соқолларига ҳали оқ ораламаган ти-

ник юзли бир киши минбар олдида яқинлашиб.

Бошини кўтармай муридларни хатга битаётган шайх бу исмини эшитиб бирдан тўхтаб қолди-да, ялт этиб халиги одамга қаради.

— Лоҳавло вало қувато! Наҳотки? Машхури замон шоир Ибн Ямин Фармодийнинг ўзларими?... — Кўзлари ҳайратдан катта-катта бўлиб кетди Ҳасан Журийнинг. — Ибн Ямин ҳазратлари! — деди шоирни хурматлаб Ҳасан Журий, у дарҳол минбардан паетга тушиб, Ибн Ямин қошига келди. Шайх, халқнинг, юртнинг ташвишига шерик бўлмай, балки босқинчи келгиндиларнинг улуглаб, уларнинг ногорасига ўйлаб, юрган сотқин шоиру алломаларни биларди. Улар шахсий ғаразу мунфаатларини ўйлаб ўз халқининг эзлишига, юртнинг таланишига кўмак берардилар. Шайх Ҳасан Журий айрим дин арбобларини ҳам шу қаторга қўйди. Мана шундай пайтда Ибн Яминдай машхури офоқ шоирнинг мурид бўлиб келиши шайхга катта мадад эди. — Кўп бор сиз ҳақингизда эшитганмен, мана шу гуноҳкор куюлқарим гувоҳ! Нечук шамол учирдимки, биздек ғарибў гураболар сари қадам ранжида қилдилар?

— Зулм тигидан кўкси яраларни ғазаб чериги осонгина бир жойга йиға олларди... — деди Ибн Ямин Ҳасан Журий билан кучоқлашиб кўришар экан. — Шайх ҳазратлари, сизнинг Нишопурдан Боштин ёққа отланганингизни аҳраболардан билдим. Келмак, ўзлари билан ҳамсуҳбат бўлмак мақсудим эрди...

— Шоир аъзам, иттифоқо камина дилида ҳам шундай ният устиворлик қилурди... — деди Ҳасан Журий. — Аш-шукрулилаҳ, вақти соати келибдир!..

— Софдил кишиларнинг қовушмоғи ҳам-миша мушкулдир, ҳаёт йўсинига айланиб

қолган ҳақиқатдир бу. Лекин уларнинг бала-ҳамжихат бўлганлиги оқибат офтоб фалак тоқида султонлигин қилур, тоғлар нурамоқ ташвишидан фориг... — Ибн Ямин жим қолди. Ҳамма замонанинг икки машхур киши-сига ҳайрат билан боқарди. — Чарху фалакнинг жабру жафосидан дилим теги рмон тошлари орасида қолган дон каби эзилиб, хунга айланди, энди ҳар қандай баргитош ҳам, унинг фарёидан қон бўлмай чорасиздир. Бу кунни-ку мунг бир қайгу бирлан кеч қилдим, ажабо гардуни дун эртага не каромат кўргизар экан?

— Эртага гардуни дуннинг кўрсатмакчи бўлган каромати таърифга сизмайду, — деди жўшиб Ҳасан Журий. — Е машаралмуслимин! Баски, тарқалмак фурсати етди. Энди яшринмоқ лозимдир. Қачонким, каминадан ишорат етадир, сиз қўлингизда аслаҳа билан истибод қошида воҳир бўлурииз, токим уни тубдан қўпояйлик! Ҳокимлар, аҳли аёнлар зулм қиладилар, агар ҳақ-таоло қўллаб юборса, биз зулмини йитиргаймиз, борди-ю мағлубият жандаси эғнимизга тушса, «сарба-дор» бўлайлик, бошимиз дорга тортилсин! Сар-ба-дор!

— Сар-ба-дор! — қичқирди Ҳасан Ҳамза.  
— Сар-ба-дор! — қўшилди Хусайн Ҳамза.  
«Сарбадор» деган саздолар масжид ҳовли-сини тўлдириб юборди. Ҳамма, «Сарбадор» деб қичқиради ва бу билан машхум истибод иморатининг бирон жойини ўпириб ташлаётгандек бўларди...

<sup>1</sup> Авомуннос — қора халқ.

<sup>2</sup> Яхши кишиларни зикр қилинса раҳмат ёғилди (араб).

<sup>3</sup> Унинг сари муқаддас қилинсин (араб).

<sup>4</sup> Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари (араб).



## ХАЙРЛАШУВ МАВСУМИ

Сахалин оролидаги сокин дарёларида бири Таранайнинг ўзани ўн метрча келади. Унинг тошлоқ қирғоғи паттазор.

Дарё шиддат билан оқади. Туби тош ва шағалли бўлгани учун суви тиниқ эмас. Таркибида темир бирикмалари кўп. Шунинг учун сув сариқ жигарранг тусда кўзга ташланади. Дарёда тритон (калтаке-саксимон жонивор), узоқ шарқ мальваси, қирғоққа яқин қўлтиқда эса итбалиқлар, сувнинг юқори қисмида қандаллар сузиб юради.

Июл ойи бошланиши билан дарё ўзига хос тарзда ўзгаради. Сув тубида япо-лоқбалиқларнинг ургочилари уруғ кўя бошлади. Япо-лоқ балиқ ургочиси сувнинг юқори қатламига чиқиш учун шошилмайди. У бўлғуси авлоди учун ўзига хос бешик тайёрлайди: энг аввало тухум қўйиш учун қулай жой қидиради. Файратли ва кескин ҳаракатлар билан майда тош ва қумларни четга суриб, чуқур хозирлайди ва ана шу чуқурчаларга ўзининг етилган уруғини кўяди. Шундан сўнг улар чуқурчаларга тошларни боя-ғидай аҳволга келтириш учун юмалата бошлайди. Улар «отган» тошларнинг уюми 1 метрча кўтарилиб, дўнглик ҳосил қилади. Дарёда балиқлар кўплиги сабабли ҳар битта дўнгликни алоҳида ҳимоя қилишга тўғри келади. Балиқлар ўртасида ўзаро тўқнашувлар ҳам


бўлиб туради. Кучлироқ ургочилар ўзидан олдинги балиқларнинг дўнгликларини қовлаб ташлайдилар, кучсизроқлари уруғ қўйиш учун ўзига қулай бўлмаган ерлардан жой танлашади. Кўпинча улар қирғоққа яқин жойда сув ўтлари тубига тухум қўйишга мажбур бўладилар.

Шундай кезларда балиқ овлаш учун айиқлар сувга тушадилар. Шуниси ажабланарлики, бу дайди маймоқлар жуда эпчиллик ва усталик билан балиқларни тутиб олади. Баъзан уларнинг бир соатда тутган балиғи шунчалик кўп бўладики, уни айқиннинг битта ўзи истеъмол қилолмайди. Улар ўлжаларини эҳтиёткорлик билан сувдан олиб чиқиб, бута остига яширадилар. Атрофни яна бир бор кўздан кечириб ҳам қўйишади.

Уткир тумшукли қарға галаси эса ҳамишағидай тайёрга айёрлик қилишади: улар айиқлар яшириб қўйган балиқларни олиб қочтишади. Қарғалар саёзликда сузиб юрган кучсизланиб қолган балиқларга ҳам ҳужум қилади. Ана шу мавсумда деярилик ҳамма жонзотлар гимирлаб қолади. Туманли ҳавода кўнгизлар пайдо бўлади, денгиз қисқичбақаларига ҳам жон киради. Дарёнинг тубида сув ҳашаротлари ва чувалчанглар кўпаяди. Қарғалар шунчалик кўпайиб кетадики, уларнинг шовқинидан қулоқ қоматга келади.

Бу ерда табиатан муҳофаза шундай қурилганки, балиқлар дарёни ҳеч қачон ифлослантиришмайди.

Булдуруқлар (балиқларнинг жонланган уруғлари) онаси томонидан қурилган дўнгликда қишлайдилар ва баҳорнинг муздек сувида дарёдан денгизга сирғалиб чиқиб кетадилар. Икки йилдан сўнг улар яна қадрдон қирғоқларига қайтиб, худди олдинги аждодлари каби насл-насабни давом эттириш учун курашга киришадилар.




Томирларин кўрганман қазиб,  
Томирлари жуда ҳам теран...  
Қани шундай томирлар ёзиб,  
Халқ қалбига киролсам мен ҳам.

Ёзин-қишин ташриф этса ким,  
Чинорлардай соямга олсам:  
Урмон бўлиб шовуллар эдим,  
Узоқ яшаб қўшиқда мен ҳам.

Устга ортиб офатларни жим:  
Барча совуқ, оташ-ёлқинни...  
Чинорлардай асраб ўтардим  
Балолардан мен ҳам халқимни.

Томирларинг кўрганман қазиб,  
Чинор, сенинг томиринг теран.  
Қани шундай томирлар ёзиб  
Халқ қалбига киролсам мен ҳам!




Адхат СИНУГИЛ

## Китоблар

Китоблар ҳам кишилар каби,  
Туғилган йил, жисми бўлади.  
Ёзишлари, ёши, матлаби,  
Келажаги, исми бўлади.

Китоблар ҳам кишилар мисол,  
Умрли ва умрсиз бўлар...  
Туғилганда кучади иқбол,  
Лек охири гуссага тўлар.



Китоблар ҳам кишилар янглиғ,  
Не йўқ унда — ҳамма нарса бор!  
Ут-сув кечган китоблар аниқ  
Мангуликка эрур дахлдор.

Китоблар ҳам кишилар каби,  
Туққан эли бўлар қайдадир;  
Инсон билан боради қабр,  
Борар сургун, чирир тайгада.

Китоблар ҳам кишилар мисол,  
Тақдирдошдир байроқдорларга;  
Инсон билан уларни қаттол  
Утга ёқар, осар дорларга!

Китоблар ҳам кишилар янглиғ  
Она тилда сўйлашар улар.  
Эрк истаб баррикадаларда  
Ботириларча курашар улар.

Китоблар ҳам кишиларсимон  
Қийноқларга бера олур дош —  
Жаллодга бош оғмас ҳеч қачон,  
Бадфёълларни айлар мудом фош!

Китоблар ҳам кишилар каби,  
Туғилган йил, жисми бўлади.  
Ёзишлари, ёши, матлаби,  
Учмас шони, исми бўлади!

## Тил ва халқ

Кимга керак она тил ҳозир,  
Деганларга қоламан хайрон.  
У манқуртга не десанг арзир,  
Бўлурми халқ ахир беабон?!

Англамасанг — қарашларим ўқ,  
Ҳаётимиз тилга боғлиқдир.  
Англамаслик мумкин эмас, йўқ,  
Тилсиз халқлар — сувсиз балиқдир.

Қай аҳволда халқимнинг тили?  
Бундай савол баъзиларга ёт.  
«Тил»га қадар дўст билар дилин  
Ўз халқини танимаган зот...

Ўзгани деб ўзига ботса,  
Сақлолмаса қадрин юраги,  
Буюк мерос — тилин йўқотса,  
Ундай «дўст»нинг борми кераги?!

Тилсиз йўқдир ҳаётнинг чўғи,  
Халқ бўлсанг сен борлигинг билдир.  
Тилсиз халқнинг боридан-йўғи...  
Халқларни халқ қилган ҳам тилдир!

## Кузги боғ

Қартайган куним бу — кузги боғ:  
Ҳосили йиғилиб ингандир.  
Ешлимнинг дарахти — қоқ бутоқ,  
Қушларнинг куйлари тингандир.

Қартайган куним бу — кузги боғ:  
Ёрларим юкидан ариган.  
Чоптирай десам мен тигма-тоғ,  
Иилдири отларим хориган.

Қартайган куним бу — кузги боғ:  
Тўкилар барглари тўкилган.  
Юрмайман кўзгудан излаб доғ,  
Юзимнинг чиройи сўкилган.

Қартайган куним бу — кузги боғ:  
Яшиллик сариққа айланган.  
Кутмасман рўмолча ё белбоғ,  
Сайланар ёрларим сайланган.

Қартайган куним бу — кузги боғ:  
Вағрида борлигим куйманур.  
Ёз боғим яшарти ва бирок  
Энди куз куйлари куйланур...

Эргаш МУҲАММАД таржималари

# ОНАМ ВА ЭШИМ БАҒРИДА

(Боши ётган сонда)

Ҳажм жиҳатдан ҳам уйларнинг сатҳи камида ярим таноб келадиган бўлиб, кичикроқ бўлса, ҳар бурчагидан биттадан жами 4 та кунгира қўйиларди, агар каттароқ бўлса ҳар икки ён томонга биттадан кунгира ўрнатиларди. Шу боисдан «4 кунгирали», «6 кунгирали» уй деган тушунча ҳам бўлар эди. Кунгиралар уйларга алоҳида салобат бағишлар, шу маънода улар меъморий аҳамиятга эга бўлар эди. Бундан ташқари улар узун деворларнинг мустаҳкам туришлари учун суянч ҳам эди.

Уйнинг дарвозаси албатта жабдан қўйилар эди. Эшик шимолдан қўйилиб, уни «ёз эшик» деб аташарди. Кирди-чиқди қишда дарвоза томондан бўлиб, ёз пайтида эса бу вазифани «ёз эшик» бажарар эди. Ёз эшик олдида бостирма бўлиб, уни «чортоқ» деб ҳам аташарди. Ёз пайтлари оила кеча ва кундуз ўша чортоқ тагида бўлар эди. Чортоқ олдида ўқ ариқнинг нариги томонида бироз четроқда от, сигир, бувақ боғланадиган махсус соясалқин жойлар бўларди.

Ички тузилиш жиҳатидан ҳам воҳа уйларининг ўзига хос тузилиш тартиби бўларди. Ёз эшик ўртада жойлашган катта уйдан очиларди. Уни одатда «айвон» деб аташарди. Айвон бошқа уйлардан икки-уч барабар катта, бошқа уйларга нисбатан бир газ чамаси ёпилар ва камида икки томонида дарчалар қўйиларди. Ёз пайтлари бу дарчалар гир-гир шабада бериб айвоннинг ҳавосини тозадаб турарди. Баҳор ва ёз ойлари қисман қишда ҳам оиланинг асосий макони ўша айвон ҳисобланарди.

Бизнинг уйимиз айвонидан икки ён томонга эшик қўйилган бўлиб, улар совуқ қишларда яшайдиган хоналар ҳисобланарди. Бир томондаги хона ичкарисидан яна бир эшик бўлиб ундан «талак» деб аталадиган уйга кириларди.

Умум тушунчада бу — омондир. Оиланинг бутун бойлиги ўша талакка сақланарди. Айвондан талакка қарама-қарши уйнинг эшиги молхонадан қўйилган бўлиб, унда мол еми ва сомон сақланарди. Шу сабабдан бу уйни шунчаки «сомонхона» деб ҳам аташарди. Дағал хашақлар эса томда жойланган бўларди. Айвондан ҳовли эшиги орқали даламга чиқилар, далам эса икки ҳовли (молхона маъносидан) ўртадан бўлиб дарвозасигача чўзиларди. Далаanning охирида бир томон «жиловхона» бўлиб, ундан меҳмонхонага ўтиларди. Жиловхона рўпарасида жувохона жойлашган бўларди. Уста ишлатишга ўхшаган, баъзи хўжалик юмушлари одатда жиловхонада бўларди.

Кўраясизки бу хилдаги уйлар фақат яшаш учун эмас, балки катта бўлмаган деҳқон хўжалигини юритиш учун ҳам анча қўлай эди. Ҳамма нарса бир жойда, бир том тагида: яшаш жойи ҳам, мол-қол ҳам, тегирмону жувози ҳам, от-уловлар, хўкизу қўш аслаҳалари, ҳовлидан ташқарида тандир ва чигирдан (сув чиқарадиган чархипалак) бошқа нарса бўлмасди. Баъзи эпчилроқ оилалар ҳатто кудукка ҳам том тагидан жой топарди. Бу асрлар оша Хоразм воҳасидаги деҳқонларнинг яшаш тарзи эди. Ёз ойларида чигир ўқ деб аталуви ариқ бўйида қурилган 2—3 чигир, ҳовли атрофи, эшик олдини ёқимли оби-хаво муҳити билан таъминлаб турар эди. Бугунги фермер даражасидаги бу хўжаликнинг барҳам топиб, деҳқонларнинг кўча-кўча қилиб бир андозага асосланган уйларга кўчиб ўтишлари уларни ишлаб чиқаришдан узоклаштиришдан бошқа нарса эмас экан.


Биринчи галда талак томондаги уйни кириб кўриш истаги тугилди менда. Эшикни очатириб кутилмаган бир манзарага кўзим тушди. Уйнинг ўртасига тўқув дўкони қурилган эди. Сонсианоқсиз ишлар шифтга илинган мослама орқали пахта тушириб, дастгоҳга уланган. Дастгоҳнинг олд томонида тўқиб чиқарилган мато бир газ чамасидаги мосламага ўралиб боради. Мослама билан тўқув ускунаси орасидаги бир парча мато устида мол шохидан чиройдик, бежирим қилиб ясалган моки ётарди. Моки ўртасида арқоққа мўлжалланган ип ўралган ғалтак, уйнинг бир бурчагида ип тортадиган чарх, унинг ёнида пахтани чигитдан тозалайдиган «чигир» турар эди. Кеча уйга келиб қариндош-уруғлар билан кўришганда ҳаммаларининг устига бўз кийим кенг қилиб тикилган кўйлак, иштон, ҳатто бўялган бўзадан тайёрланган дўппи борлигини кўрган эдим. Уларнинг бу хил кийинишларининг сабабини энди тушундим. Тушундим у иккинчи томондан ажабландим. Урушдан олдин етар-етмасликларга қарамасдан ип йигириш, мато тўқиш асбобларидан фойдаланиш тамоман ман қилинган эди. Борларни йигиб олиш у ёқда турсин, бирор хонадонда бу ҳол асбобларнинг бирор бўлаги учраб қолса ҳам жинойий жавобгарликка тортилар эди.

— Бу ҳам ўша даврлардаги ҳаммани баробарлаштириш, ҳатто оддий тирикчиликни ҳам бир хил қолипга солиш йўли эканда,— уйлайман бугун.

Бироқ ўша вақтда бошқа бир худоса ҳоким эди. Бечора онам оқопни эслатадиган зах чуқурда ўтириб дастгоҳ юритибди. Бўз мато тўқиб бутун оилани кийинтирибди, боқибди, унинг устига менинг келишимга зарур харижаражатлар учун сотишга мўлжалланган бўзини қопга тикиб эшак аравада бозорга жўнабди. Буларни мен энди, тўқийверишга тайёр турган бўз дўконини кўргандан кейин англадим.

Дўконхонага айланган уйдан талакка кирдим. Илгари бордон-бордон ҳар хил дон-дун, кўзалар тўла мол ёғи, аржа-паржа мол-мулк сақланадиган талак бўм-бўш эди. Зах у ер бу ерда латта-путталар, чуваги чиққан эски кўрпа тўшақлар ётарди. Ҳеч вақт — ҳатто очарчилик йиллари ҳам талакни бу даражада бўм-бўш кўрган эмасман. Бу манзара мени чуқур ўйга тортиди.

Мендан кейин акам — Бекжон (ҳозир уруш инвалиди) фронтга жўнаган, отам (урушдан кейин 1964 йилда вафот этган) Уралга ишчилар баталиёнига сафарбар қилинган экан, де-



— Эҳтиёт бўлинг, меҳмон, кўпригимиз омонат.  
Сураткаш Р. Нурибоев.

мак онаминг бир ўзи укаларини оч-ялангоқ қолдирмади, ҳатто шунча қийинчиликларга бардош бериб укам Отамуродни ўқитибди. Вунинг учун қанча куч ва қудрат, қанча ирода ва чидам керак аёл кишига! Буларни тасаввур қилиб оймнинг матонатига чексиз офаринлар айтишга тайёр эдим. Энг муҳими, у ўз хизматларини бирон сабаб топиб қайд қилиб писанд қилишдан узоқда турар эди. Буларнинг ҳаммасини у табиий ҳол деб тушунар эди.

Талақан чиқиб ҳовли — молхона эшиги томон бурилдим. Айвоннинг бурчагидаги қўл тегирмонига кўзим тушди. Бу — мен биладиган ўша эски тегирмон. У тахминан икки пуд келадиган тошдан ясалган бўлиб, бир четидан кичкина уйдимга тепадан осилган ҳода илинган тегирмон шу дастак ҳода воситаси билан айлантирилган эди. Демак ойм мен азоблар билан бир парча ердан ундирган дон-дунларини қўл кўчи билан айлантириб, шу тегирмондан ун чиқаради. Учоққа ўт ёқиб иссиқ овқат пиширади, тандирни қиздириб, нон ёки зогора тайёрлайди. Утин ҳам — оқбош ё янтоқ, ёхуд буян. Уларни ҳам даладан ўриб эшак аравада олиб келадиган оймнинг ўзи. Бу ишларни қилиш учун ҳам қанчадан-қанча матонат, бардош керак аёл кишига!

Яна ўтмишни, болалик йилларимни эслайман. Аёллар деярлик жисмоний иш билан шуғулланмас эдилар. Улар кўпроқ дўконда ҳар хил матолар тўқишар, оила аъзоларига қийим-кечак тайёрлашиб, уйнинг ҳар хил ишлари билан банд бўлардилар.

Юқорида айтилгандек, айвон эшигидан чиқсангиз ўнг ва чапда жойлашган иккита молхонага кўзингиз тушади. Кўрдим таажжубада қолдим. Икки-уч арава бемалол айланаверадиган, 40—50 қўй бемалол сизагидан ҳовли — молхонанинг усти очик, ҳовли ўртасида ўрнатилган устун орқали ўтган беш кеса тўсин турибди, холос.

— Вечора онам бир ўзи ҳовлини майда тўсинлари, ходаларини ўтин қилиб, эшакка юклаб, бозорга олиб бориб сотган экан-да! Наҳотки битта аёлнинг қўлидан шунча иш келса! — дердим ичимда.

Ҳовлилар — қўра ва сайсхоналар бўм-бўш эди: на илгариги от-уловлар, сигиру бузоқлар бор, на 30—40 талаб қамаладиган қўйлар бор. Бир бурчақда юрган кичкинагина кўзичоқ «мен борман» дегандек секин маърагандек бўлди.

— Буни ҳам шояд ўғлим келиб қолса сўйиб едирарман деб, онам мен учун олиб қўйган бўлса керак, — деб ўйладим.

Уруш-ку уруш. Бироқ энди ўйлаб кўрсам, ўзини-ўзи эплаб, шу билан баробар элни едириб-чиқаришга, қийдириб-кериштиришга маълум ҳиссасини қўшиб турган бу хилдаги хўжаликларни барбод қилиш урушдан анча олдин бошланган эди. Уруш эса ётганнинг устидан теган бўлди.

Далан бўйлаб тўғри юриб, дарвоза томон бордим. Яна ўтмишни эсладим. Бу ерда қишлоғимизнинг машҳур дурадгори уста Янговий ясаб берган чиройлик катта

от арава оятда шу даладан турарди. Арава йўқ эди.

— Ойм от ва катта аравини тутишни эплай олмай сотиб, эшак арава олибди-да! — ўйладим. Шу заҳоти Уғилжон бўвим айтиб юрадиган бир гапи эсимга тушди.

*Охир замон бўлгани  
Отдан эшак ўзгани.*

Эсладим охир замон келганига ишонмасам ҳам инсон учун ҳаёт машаққатли бир нуқтага келиб етганини англадим.

Ўйлими давом эттириб, жувозхонанинг эшигини очдим. Жувознинг лангар мосламаси ўрик ёғочдан ясалган ўки ўққа босим берадиган эгри илма ёғочи ерда тартибез равишда ётар эди. Фақат жувознинг ўзи хонанинг ўртасида сўққайиб турарди. Улар ташландик эди, устларини чанг, чўп-чор босган. Товуқ ҳам қамалган шекилли, ҳаммаёқ товуқ ахлати эди. Бир вақтлар сидириб-сидириб сақланадиган, бир бурчагида дам оладиган супа қилинадиган бу ерда отам билан жувоз ҳайдаб унинг пишган кунжиб ёғича нон ботириб еганларим эсимга тушди. Бу манзарани кўриб анча ачиндим.

Ундан чиқиб одатда меҳмонларнинг отини тутиб меҳмонхонага таклиф қиладиган жиловхонага, ундан ўтиб меҳмонхонага ўтдим. Меҳмонхона аллақачонлар эгаси кўчиб кетган ташландик ўйни эслатарди. Бир вақтлар у ерда отамнинг узок-эқиндан келган меҳмонларни кутгани, уларнинг кимлигини билиш, гапларини эшитиб олиш учун ҳавас билан уларга чой, овқат ташиганларим эсимга тушди. Эсимга тушди-ю, бу ташландик уйга эгалик қилиб, унинг устига баталёндаги отам, урушдаги акам ва менинг учун хижрон ўтида доим қоврилган онам яна бир гал кўз олдимда тўлалигича гавдаланди. Унинг аҳволига ич-ичимдан ачиндим, нима бўлса ҳам шу оилани тебратиб ўтирганидан фахрландим. Кейин билсам, уруш йиллари бу қонада Россия томондан кўчирилган Парной фамилияли еврейлар оиласи турган экан. Урушнинг охирларида улар кўчиб кетишибди. Ойм, укам, Отамурод улар ҳақида кўп яхши гапларни айтишди. Улар бу ерда аҳил туришгани сабабли урушдан анча кейин келиб-кетишган ҳам экан.

Умуман оймнинг меҳнаткашлигидан фахрлансам ҳам унинг қисматига раҳим келарди. Колхоз пайдо бўлибдики, у зарбдор аъзолардан бири эди. У қилмаган ишни мен билмайман. Кетмон чопиш бўлса, у биринчилар қаторида, қазаув қазиш бўлса қўлида белкурак ҳаммадан кўп ҳисса олиб ишлайди. Кундузлари пахта териб, кечалари кўрак чувиydi. Ваъзан бу ҳам етмагандек, ойдин кечаларда эркаклар қатори, бизни ҳам етаклаб жўжори ўришга боради. Бу ерда томорқада ўроқ ўришни, ўтоқ олишни, молларга даста-даста ўт кўтариб келишни — булар ҳам унинг бўйнида эди. Отам, акам узок жойларда (улар чўпон — колхознинг қўйларини боқар эдилар) жўнаб кетишса, кеч куз ва қиш пайтларида биз укам билан ўқишдан қайтувчи қўйларни далага чиқариб

боқиб келадиган ҳам ўша ойм эди. Бозор-ўчаларни айтмай-сизми? Бу ишда ҳам оймнинг ўрни маълум эди. Хуллас, онаминг ҳамма ишларини ҳисобга олсам, бунча меҳнатга битта одам бардош бера олишга ҳеч ким ишонмайди. Вунинг ҳам устига отам кўп фазилатлар эгаси бўлишга қарамадан бироз жаҳли тезроқ одам эди. Уйда бўлган вақтларда ҳар дақиқа унинг ҳам райига қараб туриши табиий, унинг бурчи эди. Шу меҳнатлар, ҳатто кўргиликлари бошидан ўтказган аёлнинг юзни кўрганани (1890—1990 йил) тасаввуримга сиғдирулолмайман.

Замонлар ўтиб тарихнинг бир босқичи сифатида колхоз тузумида хизмат қилганларга ҳайкал қўйиладиган бўлса, бу ҳайкал асосида онам қиёфасини кўргим келиб қолади.

Дарвозани очиб ташқарига чиқдим, ўнг томонда бир андозада шаҳар кўчалари шаклида икки томонга қурилган кўрмесиз пахса уйлар. Кўписи ташқари томондан сувалмаган. Ваъзилари тўла битмаган. Уруш бошланганидан кейин ташлаб қўйилган. Чап томонга бурилдим. У ерда ўзи вафот этиб, болалари бошқа жойга кўчиб кетган амакиннинг гужуми бўлар эди. Урушдан олдин амакиннинг уйлари кесак қилиб ерга ўрит сифатида ишлатиб юборилган бўлиб, гужум эса уйимиз атрофининг кўрки бўлиб турар эди. Нимагадир гужум кўзимга кўринавермади. У томон юрдим. Не кўз билан кўрайки, гужум каллакланган бўлиб фақат тут ёғочи диккайиб турарди. Енимда юрган жиянларимдан кизиқиб сўрадим.

— Раис чопиб олиб кўприкка ишлатди, — деди улар бепарволик билан. Мен бу ишга бепарво қарай олмас эдим. Билар эдимки, мевали дархатни кесиб, чопиш мумкин, лекин одам бопига соябон гужумни чопиш на мусулмонликка, на одамгарчиликка тўри келар эди. Бу иш худолдида ҳам катта гуноҳ иш ҳисобланарди.

Анча вақт шоҳлардан жудо қилинган гужум тўнкаси олдида туриб қолдим. Менга бу жанг майдонидаги уйлар бузилиб, улардан қолган тиккайиб турган печка мўриларини эслатди.

Кечга қараб онам қандайдир «ўлжалар» билан қайтиб келди. Кела солиб мени «тергов» қила бошлади. Нима еб, нима ичганим билан қизикди, ким келиб, ким кетганини суриштирди. Бир зум ҳам дам олмасдан кечки овқатга уннади.

Кечқурун ҳамон изи узилмаган меҳмонларга овқат тортар экан, мен онаминг омилкорлик билан иш битирадиган қўлларига разм солдим. Не кўз билан қарайки, ёши эндигина 50 дан ошаётган оймнинг қўллари фақат пай ва суякдан иборат эди. Одатда одам қўли чиганордан пастки икки суякдан иборат бўлади. Бироқ биланинг икки суякдан иборат экани доим ҳам сезиларвермади. Онаминг биланида эса бу суяклар мана мен деб билиниб турарди. Улар ораси эт билан эмас, балки пай ва томирлар билан тўлган эди.

Шундай яратилган эканмики, оналаримизнинг меҳр-шафқатини, оналаримизнинг меҳр-шафқатини, оналаримизнинг меҳр-шафқатини, оналаримизнинг меҳр-шафқатини даражасида уларга қайтара олмаймиз. Минг афеус!

Меҳмонлар тарқалишгандан кейин онам менга:

— Бугун бозор ёмон бўлмади, яна бироз иш қиламан, кейин 15—20 кунлардан кейин сенинг омон-эсон келганинг учун тўй қилиб берами, — деди.

«Шу аҳволда тўй ҳам бўларкан-да», ўйладим мен. Ўйлаб онаминг бу режасини миямга сиғдираолмадим.

Онам «иш қиламан» деган пайт эрталабки кўрган бўз дўкони кўз олдимга келди. Дарҳақиқат, эрталаб ўша уйда бир хил маромда тақир-тукур, шак-шўқ овозлари кулоғимга эшитиларди.

— Бечора онам бўз тўқияпти, кечаси ҳам тўла ухламаган бўлса керак, — деб ўйладим мен.

## ЎЗГА САЙЕРА-ЛИКЛАР



Аитанинг маъмурий ўраларини назорат қилувчи идоралари Нагоя шаҳри (Япония) осмонда учиб юрган сон-саноксиз ҳаво шарларини кўриб полицияни оёққа турғазди. Махсус хизмат ходимларининг тадбиркорлиги тўғрисида эрига кўндирилган бу шарлар номаълум учар объектлар эмас, балки Корея ярим оролининг жанубидан ҳавога учирилган шарлар эканлиги аниқлан-

ди. Жиний ишларни очиб берувчи мутахассислар ва олимларни шарга осилган қурилма қизиқтириб қолди. Сигарета қутисидай келадиган бу қурилма режаланштирилган экан. Унинг ойнасида 1 минутдан 10 минутгача бўлган вақт кўрсатилган. Бу шарлар нима мақсадда учирилганлиги ва ундаги қурилмалар қандай вазифаларни бажариш учун мўлжалланганини полиция ва олимлар ҳали ҳам аниқлай олганларича йўқ.

# УМР БОҚИЙМИ?

Инсон туғилгунича ва ўлимидан сўнг қандай жараён кечади? Ғарб олимлари қайта тирилтирилган одамлар билан мулоқотда бўлишиб, ғалати-ғалати жавоблар олишган. Ана шу маълумотларга таяниб, тадқиқотчилар куйидагига хулоса чиқардилар — умр боқийдир!

Гўё ислом ақидасидагидек: одамзоднинг руҳи ўлим билмайди, у бир жисмдан бошқасига ўтади. Ҳақиқатми шу гап? Еки ёлгонми? Бундай ҳолатни бошдан ўтказиш учун ўлиш шарт эмас экан. Маълум шароитда ҳар қандай киши ушбу ғайриоддий ҳолатга — руҳнинг бошқа шамойилига ўтиши табиий экан.

Тан олиш керак, ўтказилган тажрибалар ҳали қатъий ҳукм чиқариш учун етарли эмас. Тадқиқотчилар ҳам бунга астойдил интилаётганликлари йўқ. Уларнинг олдидилари қўйилган вазифа — турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга кўмаклашиш, холос. Аксарият микозлар бедаво дард-нуқсонларидан фориғ бўлаётгани эса бор гап. Ҳатто уларнинг феъл-атворларида, вужудида бўлган хасталиклар барҳам топаётир.

Рухий ўзгаришларни ўрганиш бунгунгидеги марказининг бир гуруҳ мутахассислари Амрико Қўшма Штатларида малака ошириб қайтишга, иш бошлади. Мазкур олимлар иштирокида ўтказилаётган тадқиқотларда қатнашиш Шўро журналистларидан дастлаб менга насиб этди. Бу — руҳлар дунёсига ғаройиб саёҳат эди. Сўнгги вақтларгача мамлакатимизда купчилик беҳабар бўлган, аслида барчани баробар қизиқтирадиган бу тадқиқотлар инсон руҳиятининг чигал жумбоқларини ечади, деб ўйлайман.

## ҒАЙРИИХТИЁРИЙЛИК САРИ

— Ётинг, кўзингизни юминг, танангизни ўз ҳолига қўйинг, — дейди майин овозда психотерапевт Татьяна Ойзерская. Тажриба қатнашчилари мушакларини бўшатириб, танани эркин қўйишади. Вужудимга иссиқлик қўйлади, унга ҳамоҳанг ёқимли титроқ. Гўё висол пайтидагидек. Навбатдаги бўйруқ берилади.

— Тасаввур қилинги, сиз кенга яяспиз. Гавдангиз бутун хонани тўлдирди. Энди хонадан чиқиб, бутун уйни қамраб олинг. Сиз тобора улканлашяспиз. Улчамингизни гўё Москва шаҳридек тасаввур қилинг. Мана, жами ер кўрасига сиғмай қолдингиз. Сиз шу қадар улкансизки, вужудингиз бутун олам жаҳонни тўлдирмоқда.

Инсон руҳий олами ниҳоятда мураккаб: ғойибдан билиш [телепатия], тушда бирон нарсанинг аён бўлиши ва ҳоказоларнинг сирини мада! Нариги дунё бор нарсани! Хуллас, фаннимиз учун бу ҳали мутлақо нотаниш. Бунинг турли сабаблари бор, албатта.

Инсон руҳий оламининг тадқиқига бағишланган ушбу мақола бу йўлдаги дастлабки уринишдир. Мақола «Молодой коммунист» ойномасидан [1990 йил, 8-сонидан] олинди.

Мен тўғриси, мазкур ўлчамларга эга бўлолмадим. Бошқалар ҳам шундай ҳиссиётни бошдан кечиргани аниқ. Бироқ, тасаввур ёрдамида онгни ўзгариштиришга уриниш бежиз эмас. Эҳтимол, шунинг учун ҳам тажриба иштирокчиларидаги ўзларининг келганга мўъжаз бир мавжудотлиги борасидаги тушунчалар таназзулга учради. Онг кутилмаган тасодифларга тайёр! Қачонки хонада мусиқа таралганда Татьяна Борисовна шундай деди: — Энди мусиқа оҳангига мос равишда чуқур-чуқур нафас олинг, нафас олишни тезлаштиринг.

Машҳур доктор Бутейконинг зўриқиб нафас олиш киши саломатлигига зарарли эканлиги ҳақидаги таълимотига қарамасдан танамни ўз ҳолига қўйиб, чуқур нафас ола бошладим, бошим айланиб, юрагимда сим-сим оғриқ пайдо бўлди. Аъзойи-баданим терга ғарқ ботди. Аммо ғаройиб бир дунёни кўриш этаги барча азоблардан устун эди.

Қайта туғилмоқ учун ўлмоқ керак. Шу истак туфайли янада чуқурроқ нафас ола бошладим. Аммо ўлиш ўрнига, бутунлай бошқа нарсани ҳис қилдим. Гўё ик-

кинчи нафас бошланиб, кучимга ғайриоддий бир куч қўшилди. Ҳозиргина мия ва юрак қон томirlарининг сиқилиши энди қарам-қарши натижа бераётир. Муздай совуқли ўрнини жазирама иссиқлик эгаллади. Оғриқлардан халос бўлиб, ўзимни ҳасадан балис-соли вазисизлик ҳолатида ҳис қилдим.

Ҳайратланарлиси шундаки, бармоқларимда тебранишлар бор эди. Назаримда уларда электр токи ҳаракатланаётгандай. Тебранишлар кучайгани сари қўлларимдан оёқларимга ҳам ўтди. Ток йўналишлари танамнинг марказида кесишарди. Вужудимда аллақандай қудрат жўш уради. Ҳинду йоғлари ёки ушу бўйича хитой усталари нафас олиш машқлари ёрдамида ўз таналарини фазовий қувват билан тўлдирётганида шунинг ҳис қилсалар керак.

Мен катта қувватли энергияга тўлаётганим сайин ўзимда шундай кучни ҳис қилдимки, шарқлик полвон ва кўзбойлогичлар бажаришга мойил бўлган мўъжизалар: қўл билан гиштларни синдириш, олов устида оёқяланг юриш, қон чиқармасдан кесишларни бемалол бажаришим мумкиндай туюлди.

Ҳали буларни қилиб бўлмасидан ўзимда бундан ҳам ғаройиб қобилиятларни сезиб қолдим. Оддий кўз билан қараганда кўринмас нарсаларни ҳам илғай бошладим. Шундоққина ёнбошимда турган панжаларим менга бўйсунмасди. Уларни тугмоқчи бўлсам, худди арқонга ўхшаган нарса халал берарди. Қўлларимни очсам кўлимда ҳеч нарса йўқ. Аммо ўша сезги барибир йўқолмади. Бармоқларимни ҳамон идора қилолмасдим. Қўлларим арқонни сиқа бошладим, аъзойи баданимда электр токи тарқалгандай иссиқлик тарқалиб нафасим қайтарди. Мусиқа оҳангини тинглар эканман, бу арқон кўлимга қакдан тушиб қолганин англашга уринардим, унинг вужудимга қандай алоқаси борлигини билолмай бошим қотарди.

Ва бирдан идроким равшанлашди. Ахирни вужудим ҳали мен дунёга келган вақтларни «хотирлади». Қўлларимдаги арқон киндик экан.

Инсон бугунги кундан тамоман орқага қайтиб, ўзини чақалоқ ҳис қилмоғи мумкинлигини англадим. Ҳатто катталар минг уринса ҳам урдасидан чиқа олмайдиган кўз соққаларининг бир-бирдан фарқ қилувчи ҳаракатига нима дейсиз? Мен бу тажрибалар ҳақида илгари ўқигандим, бироқ ишонмагандим. Кутилмаганда ўзим шу ҳолатга тушдим, ёш жиҳатидан тобора орқага қайтиб она қорнидаги ҳомилага (муртакка) айландим. Бу шу қадар аниқ-тиниқ рўй бераётган эдики, унинг ҳақиқатлигига зинҳор



рассом Б. Тўхтабоев

ер қимирлаб, уй устимда босиб тушмоқда эди. Еки қиёмат қойим келиб дунё остин-устун бўлмаган-тимикан? Қазо муҳлатим етиб келди, шекилли.

Лекин ҳаёт давом этарди. Кутилмаганда англадимки, менинг ҳаёт-мамотим тўғрисида қайғураётган илохий куч бор. Кимдир мени вайроналар ва мурдалар орасидан олиб ўтмоқда.

Дузах эшигидан чиқиб келаяман. Гавдам тўғрилиши, оёқларимни ёзиб юбордим, нафас олишим барибир оғир эди. Кўкрагимдан биров босиб турарди гўё. Аммо ғойибдан бир овоз садо берарди: «азобларинг тезда туғарилади». Шу пайт... Ғайриоддий куч мени шундай урдик, нафас олишим бутунлай тўхтади. Нахотки ўляяман!

Ажабки, бутунлай акси рўй берди: мен туғилдим... Узимни эркин сезиб, илк бор нафас олдим. Йиллагим келарди. Бу севинч йигиси эди. Гавдам энгил, мен уни ҳис қилмасдим.

Шу пайт чақалоқ йигисига ҳамоҳанг ёкимли мусиқа янгради. Вужудим юмшоқ ва иссиқ матога ўраб олинди. Бир оздан сўнг гира-ширада юмшоқ ва илик нарса юзма-тегди. Ниҳоятда очикқанымдан оғзимдан сўлақларим оқиб кетди. Бу нимани эслатади?

Ҳа, ҳа, эсладим, ахир онам мени эмизмоқчи бўлаётми! Менимча у мени нотўғри ушлаб турибди. Мен онам сийнасига лабимни эмас, бошимни теккизардим, баттар очикардим. Бу шундай аламли эдик, шу боис бир умр эсимда қолган.

Мусиқа секинлашиб, синовадилар асл ҳолатига қайта бошладди. Мен жойимда ётарканман, бошимдан кечирганларимни мулоҳаза қилишга уринардим. Аммо жумбоқлар бир дунё эди. Балки, уни бошқалар айтишар. Бошқалар эса мандан ҳам баттар ўйга ботгандилар. Уларнинг ҳар бири ўз ўринидигидан турмай, ғаройиб саргузаштларини гапира бошлади. Баъзи бирларининг гапларини келтириб ўтаман. Андрей деганимиз тирилтирилган беморлар кечирадиган «танадан жонинг ажралиш» ҳолатини ўз бошидан кўп бора ўтказган.

«Мен кутилмаганда ётган жойимда буга айланиб, шифтга кўтарилётганимни сезиб қолдим, — дейди у. — Бу шундай кўз ўнгимда рўй бераётганидан аввал кўрқиб кетдим: агар йиқилсам, майда-майда бўлиб кетсам керак. Кейин билдимки жасадим ҳақида қайғуриш ортиқча, чунки у матода ётибди. Мен эса вужудимни тарк этганман. Мен уни шифтда туриб кўраялман. Менинг вужудим зўр бериб нафас олади, қўлларим тиришиб қолганди. Унинг ёнида кузатувчи термулиб ўтирибди. Ахир мен у ерда эмасман. Мен унга юқоридан қараб турибман. Бу ҳақда унга гапирялману, у эшитмайди. Агар у юқорига қараганда ҳам мени кўрмаслиги аниқ эди.

Кейин мен бутун хонани юқоридан туриб кузата бошладим. Кузатувчилар синовадиларга энгашиб ёрдам беришга уринардилар. Машғулот раҳбаримиз Лев Григоревич мусиқа оҳангига рақсга тушапти. Сеансдан кейин албатта бу ҳақда унга гапириб бераман.

У мени, нега кўзингни очдинг, деб уришиб бериши эдимки-ку.

Унда нима дейман? Ана, Лев Григоревич ўзининг хонасига бормоқда. У тортмасини очиб, сигарета олмақда. Мен буларни ётган ҳолда кўрмаслигим аниқ эди.

Агар чиндан ҳам сеанс пайтида у ўз хонасига бориб чеккани рост бўлса, демек менинг вужуддан ажралиб руҳга айланганим рост бўлади».

Андрейнинг саргузаштлари бу билан тугамади. У бу ердан чиқиб, Шарқ мамлакатларига сафар қилди. Химолай ва Тибетда бўлди. Ҳиндистоннинг қадимий зиёратгоҳларига кирди. Яна бир қизиқарли нарса: у уйлар ва тоғларни яқин баландликдан туриб томоша қилди. У ердан ўн метрча баландликда учиб юрар экан, барча кўрганларини батафсил эслаб қолшига ҳаракат қилди. Чунки кейин мазкур зиёратгоҳлар ҳақидаги албомларни варақлаб кўришга тўғри келарди.

Синовадилардан яна бири Валентина сеанс пайтида фақат маконда эмас, балки замонда сайр этади. Мана унинг ҳикояси:

«Мен умуман, рақсга тушмаган бўлишимга қарамай ҳинд раққосига айланиб қолибман. Танам бутунлай бошқача, эгнимда жуда даб-дебали кийимлар. Белларим ингичка, юзларим ниҳоятда чиройли экан. Ахир ҳалигина мен ориқ ва хунук эдим, қайёдан дарров шунча ўзгардим, ҳайронман. Мен бу туш бўлса керак, деб ўйлаб баданимни чимчилаб кўрдим, йўқ ўзимман. Сўнгра теварагимда менинг санъатим ва гузаллигимдан завқланаётган мухлисларни кўрдим. Улар оёқларим остига гулдасталар отишарди, мен бўлсам илҳомларим рақсга тушардим. Яланг оёқларимга ўт ва гулларнинг тегишини ҳис қилардим.


Яна қизиғи шуки, ниҳоятда му-

рақкаб ҳаракатлари ҳам оппак-осон бажарардим. Улар гўё менга азалдан таниш эди. Матога ётган ҳолда шу машқларни бажаришга уринсам нима бўлади? Менинг вужудим уларни билмайди, аммо руҳим эслаяпти-ку! Менга қўл ва оёқларимни моҳирона ҳаракатлан-тирганини, улар жуда чиройли чиқганини кейин гапириб беришди. Мен айниқса белимнинг шу қадар эгилувчанлигидан ҳайрон эдим. Шунчалар энгил бурилиш ва эгилишдан худди суягим йўққа ўхшарди. Ваҳоланки, кўп йиллардан буён бел оғриғимдан азоб чекаман. Лекин ўшанда мени рақсга тушганимда ҳеч қандай оғриқни сезмадим. Фақат кузатувчилардан уялганимда чойшабга ўраниб олдим. Гарчи кейин яна бел оғриғим тутиб қолиши эҳтимол бўлса-да, ҳозир соғлом, келишган қоматимдан завқланишим мумкин. Сеансдан кейин бел оғриқдан соқит бўлганимдан жуда ҳайратландим. Бундай ҳаракатларга одатланмаганим учун бўлса керак, қўл ва оёқ мушакларимда озгина оғриқ сездим, холос.

Икки ҳафтадирки, бел оғриғим мутлақо безовта қилмаяпти. Агар бу ҳолат маълум муддатга давом этса ҳам, хурсандман. Шунинг учун ҳам иккинчи бор сеансга қатнашишни истаيمان».

Валентина иккинчи бор сеансга қатнашди. У яна минглаб чақирим масофани ва юз йилларни хаёлан орқада қолдириб, Ҳиндистонга саёхат қилди. Таниш рақс майдончасида бўлди. Бу гал у ҳинд раққосаси вужудини ўзиники ҳис қилмади. Аммо барча ҳаракатлар таниш эди. У матога ётган ҳолда ҳинд раққосаси қилаётган ҳаракатларни тез, осон қайтарарди...

**Михаил ДМИТРУК**  
(Давоми бор)



— Менинг бобомлар...

Суратқаш Р. Нуринов.

шубҳа йўқ эди. Вужудим ўз-ўзидан эгилапти, мен ҳомила пайтидаги гўдак шаклига қираялман. Гавдамни тўғрилашга уринмоқчи бўлсам, оёқларим қандайдир қаттиқроқ нарсага тегарверди. Ғаройиб кечинмалар асосида шуни ҳис қилдимки, демек ўттиз беш йил бурунги чақалоқ эканман. Муаллимим — она вужуди таълим берадир, мен оёқларимни тилпирлатаяман, менинг шўхлигим муаллимнинг гашига тегди шекилли, у қандайдир моддани киндик (эш) орқали менга юборди.

Тажриба давомида тез нафас олишимга қарамай, барибир ҳаво етишимга қолди. Қўлларим, оёқларим қалтирай бошлади. Эҳтимол, тажрибани тўхтайтишга тўғри келар. Аммо ғойибдан ички бир овоз шивирлади: йўқ, йўқ, бундан қаттиқроқ нафас ол, ҳаракатлан. Менинг мушоҳадаларимдан устун келган бу ғайри кучга бўйсундим.

Айни шу замонда кузатувчилар менга эътибор беришди. Улар келиб бошимни, қўлларимни уқалаб, оромбахш сўзлар айта бошладди. Машғулот раҳбари мени тортинмасдан ўз туйғуларимни тўкиб солишга даъват этди. Ва мен... чақалоқ сингари чинқириб йиғлай бошладим.

Мен кузатувчиларга кўкрагимдан кимдир босаётганини айтдим. Улар шунда... кўкрагимни баттар босишди, оғриқ бир зум шундай зўрайиб кетдики, ажабки, у тезда тўхтади.

Кутилмаган муваффақиятдан руҳлиб кетиб мушак, қоринларимни таранглаштира бошладим. Қўл ва оёқларимни юқорига кўтардим. Бироқ кимдир мени ушладим-ю, шартта полга йиқитди.

— Узингни қўлга ол, қичқир, йиғла! — деди тажриба раҳбари Лев Григоревич.

Мен ўзимни ҳар ёққа урдим, бир неча кишиларнинг қаршичилигини енгишга ҳаракат қилардим. Мушакларимдаги беҳад оғриқларга қарамасдан бу курашдан ҳузурланардим. Назаримда бундай ҳолатни қачондир бошимдан ўтказганман. Тугилиш вақтидадир, эҳтимол?! Шундай хаёллар ичида оғриқ ўз-ўзидан тарқайди. Узимни яна энгил ҳис қилдим. Кузатувчилар мени қўйиб юборишди.

Бироқ ҳали ғаройиб саргузаштлар тамом бўлмаганди. Безовта мусиқа таралиши бундан ҳам қийинроқ синовлар борлигидан дарак беради. Гўё мен онам билан ролларимизни алмашдик. Энди мен мўмин-қобил ўтирардим. Онам вужуди эса менинг устимда қандайдир тадқиқотлар ўтказарди. Ҳомила учун хос бўлган ҳамма нохуш кечинмаларни бошимдан ўткази бошладим. Бошим айланарди, бўғилардим, қалтирардим. Устига-устак, қандайдир куч чор тарафдан сиқиб келарди. Агар шу ҳолат яна бир оз давом этса, суякларим синиб кетарди. Мен оппоқ матода ётардим. Бутун вужудим қалтирарди. Ҳатто энгакларимни қимирлатишга, овоз чиқаришга ҳошим келмасди.

Нафас олишим тўхтади: кўкрагимда худди тош босиб қўйилгандай эди. Ногора товуши дахшатли шовқин-суронга айланди. Гўё



Муҳаммад ИСМОИЛ

\* \* \*

«Афғонистон фожеалари» туркумидан

Уқлар шамоли  
лозим эди  
байроқларни  
қилпиратмоғи.

Мўминнинг елкаси сиймаётган пистирма —  
— зуғум ҳалқаси — таҳқир халқоби.

— Солдат, сени тавсия этдик орденга,  
қани, тарбия беришганидек, олдинга!

Мўминда бир фахр, бир қаҳр уйғонди жавобан,  
Кўз-кўз қилди ялтиллаган пуч имонни.  
Жунбуш билан олдга қалқди, янчмоқ бўлди.  
ватанини қўриқлаган афғонни.

У ҳали ўн қадам ҳам эмакламагани,  
Эмакламагани ҳали вазов,  
ўқ урди қоқ чеккасида,  
ўқ урди,  
совурди бор шиддатини чиппагидан.

Командир аскарнинг уйига хат ёзди алқаб,  
Ғамгусорлик қилди бурчин ҳалоллаб,  
Фақат, нишон ҳақда ёзилмади гап,  
командир қўйганида нишонни ўзгага кўзлаб.

Ҳикоят

Бир қишлоқда битта ҳоким  
турар эди  
Хизматкорин у ҳар куни  
урар эди.  
Одамлар дер: — Расулда бор  
шундай изи,  
Қул бир кунда етмиш бора  
кечирилсин  
Аммо зolim сира қулоқ  
тутмас эди.  
Мағфиратдан бирор фойда  
кутмас эди.  
Қишлоқ аҳли кўргуликдан  
жуда тўйди  
Иккаласин бир қопчиққа  
қамаб қўйди  
мана энди биров на бой,  
на гадо дир  
Фақат қарол, кучли эди,  
ҳам баҳодир  
Аммоки бой бақирарди  
қоп ичидан:  
— Сен пастда тур, наслинг паст,  
сен бир ишчисан  
Ота-бобонг эшигимда  
хизмат қилган  
Кел, сен мени кўтариб тур  
елканг билан  
Қилтириқ бой тап тортмасдан  
урар эди.  
Давангирдай йигит қўрқиб  
турар эди

Калтак ея-ея оғриб  
шўрлик жони,  
Тиз чўкканча қила кетди  
илтижони:  
— Оҳ, ёлғизман, иложсизман,  
ҳам ожизман  
Энди ким ҳам хабар олар  
бу ҳолимдан  
У зорланиб, озорланиб  
уйга толди  
Отасининг гапи эсга  
келиб қолди:  
« — Ким тангрини ёд олмаса  
у ёлғиздир,  
Оллоҳ амрин бажармаса  
иложсиздир.  
Ким эгамга, банда бўлса  
у қул эмас,  
Золимларнинг буйруғига  
амал этмас  
Драттанга, банда бўлса  
уни дегай,  
Ундан ўзга ҳукм этса  
барбод этгай».  
Ўз уйидан қарол бола  
хур руҳланиб,  
— Худого минг шукурки, мен  
мўъминман деб,  
Қўлларини қайирди ул  
бойваччанинг  
Уриб-уриб тушиди уни  
доллатгани  
Ғар қамалда бўлса энди  
ожизман деб,  
қурдошим йўқ, қуролим йўқ  
ёлғизман деб,  
биров урса, энди қараб  
турмайди у,  
Биров урса, ё раб дея  
ургайдир у!



Оғтобни чироқ  
ёқиб қидирмайдилар  
Бедил

Гўллик гўлигича қолди.  
Итдан таркаган —  
— мутелик —  
кўчки тагидан,  
олиб кетди моғораларга.  
Сокинлик сен — талофотим.  
Нега ўтмас бу йўқсил вақт.  
Гуноҳларим ёдга қайтар,  
ортга тортар ғазовотим —  
— сўзларининг тўхтов билмас  
синовлари.  
Хуси тўлқинлари сўкининг  
Осмоғни ўймаган хисларим,  
висол учун Хитой девори.  
Энди севгим муҳаббатда  
ўлчов эмас,  
бир матоҳдир  
ўлчанаётган.  
Таъмирлашар минглаб йиллик  
соғинч иморатимни  
Сағирлашар сўзга тушган  
умид нақоратимни.  
Ночорлик ҳар куни  
кўрсатар гезарган  
туркини.  
Мен энди, мен энди  
хаводамас,  
қумда сузарман.

Тошкент



Гулсара ХУДОИБЕРГАНОВА

Энг тоза, энг  
тиниқ

Шудринларнинг сирига тўлиб,  
Баҳмалгуллар ёнар юракда.  
Киёлайди ишвали кулиб,  
Жилоланган чинни баргада.

Учиб-қўниб юрар болари,  
Шарбат йиғар аямай жонин.  
Одамлар-да ўзгача бари,  
Яширолмас завқ, ҳаяжонин!

Новдаларда сўзлар япроғи,  
Энг тоза, энг тиниқ туйғулар!  
Гул очади ҳаёт кучоғи  
Гуркирайди дилда орзулар...

Тун хаёллари

Безовта, бедорман неча кунки ман  
Баданни чуллаган изолар  
каттик.  
Кўнглим овлолмас на бир гул, на  
чаман,  
Кўқда ой гардиши андуҳга тўлик.

Сўнги имконларим тутар  
қўлимдан,  
Сўнги куч сеҳрига таянаман, ох.  
Аммо чиқаверар ёвлар йўлимдан,  
Юходек ташланиб ражишар  
ногоҳ...

Чорлайман мададга яшил  
боғларни:  
— Ҳаво беринг, ҳаво, — дея, —  
ўзингиз?!  
Қандоқ кўтараман хаста  
торларни?  
Ўлаверсинми ё хоксор қизингиз?!

Олис бўшлиқларга боқаман  
хуфтон,  
Зил-замбил водийлар қатими  
тиғиз.  
Сўнаётур водариг нурсиз,  
бедармон,  
Зулумот бағрида митти бир  
юлдуз...

Урганч



**Б**ир мушфиқ кимса келиб алломадан, фарзандим воғга етиб қолди, унга қачондан бошлаб илм ўргатай, деб сўраганда аллома ўсмирнинг ёши билан қизиқибди. Уғлим ўн ёшга кирди, дебди, факир киши. Шунда аллома афеус билан бош чайқаб: «Аттанг, ўн йил кечикибсиз», деган экан. Қиссадан ҳисса шуки, келажак дарахтининг орзу гунчалари барқ уриб гуллаши учун аввало уларнинг тарбияси билан мурғаклигидан шугулланиш, тафаккурини чарқлаш, шуурини кенгайтириш зарур. Бунинг учун эса бошланғич таълим берувчиларнинг ўзлари билимли, ўткир эҳти эгалари бўлишлари керак.

Жумҳуриятимизда бу соҳада бир қатор ишлар қилинапти. Шулардан бири Ўзбекистон жумҳурияти Президенти фармони билан бошланғич таълим берувчи муаллим ва муаллималарнинг моддий-маънавий шароитларини яхшилашга қарор қилингани бўлди. Чунки келажак авлодни тарбияловчилар учун мустақил, ижодий муҳит яратилгандагина мақсад сари интилишга рағбат бўлади. Буни олий мақсад сари қўйилган қадамлардан бири сифатида олқишлаш керак.

Ўтган йили мамлакат бўйича беш юзга яқин бошланғич таълим ўқитувчиларини тайёрлайдиган билим юртидан ўн учтасида бўлажак мураббийлар сифини иқтидорли, касбага садоқатли, фидойи мутахассислар билан бойитиш мақсадида сабоқ беришнинг янгича — махсус сабоқ (коллекж) усулига ўтилади.

Жумҳуриятимиз пойтахтидаги В. И. Ленин номли бошланғич таълим мутахассисларини тайёрлайдиган билим юртида ҳам ана шундай тажриба қўлланилди. Билим юрти қошидаги касбига оид махсус сабоқ берадиган даргоҳга 90 нафар ўғил-қизлар бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислиги бўйича умумий қондалар асосида танлаб олинди.

Талабалар махсус сабоқ даргоҳида уч йил ўқигач, тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлганликлари ҳақида хужжат оладилар. Қўшимча билим олиш истигади бўлганлар эса ўқитувчилар тайёрлайдиган олийгоҳларда яна икки йил таҳсил олишлари мумкин. Бунинг учун кечки, сиртки ёки кундузги бўлимлардан бирини танласа kifой.

Махсус сабоқ даргоҳининг ўқув дастури ўқитувчилар тайёрлаш олийгоҳиникидан фарқ қилмайди. Талабаларга сабоқ бериш учун малакали профессор ва ўқитувчилар жалб этилган. Бу кенжа даргоҳини Низомий номидаги ўқитувчилар олийгоҳининг бошланғич таълим даргоҳи ўз оталиғига олган. Ҳозир бу ерда сабоқ берадиган ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам ишга бир қадар масъулият билан ёндошмоқдалар. Улар ўзларининг мустақил билимларини оширмоқдалар, янгиликни теран ўзлаштиришга киришганлар. Чунки ҳозирги кун талабаларини эски гап билан, сийқаси чиққан ўқитув дастури билан қаноатлантириб бўлмайди. Айнаш шу масала ўқитувчилар кенгашида ҳам кўриб чиқилди. Ҳамма ўқитувчилар сабоқ беришнинг бу янгича

усулини хайрхоҳлик билан қаршиладилар.

Кўриниб турибдики, жамоа ўз олдига улкан мақсадлар қўйиб, яхши ниятлар билан жамиятимиз учун етук мутахассислар тайёрлашга бел боғлаган. Биргина жорий йилда билим юртига 2 минг 210 нафар талабгорлар хужжат топширган эди. Бу бир томондан ўқув юртининг нуфузи ортиб бораётганидан дарак беради. Шу сабабли танлов жуда пухта, ҳар томонлама синчковлик билан олиб борилди, талабалар сифи ҳақиқий билимли, иқтидорли ёшлар ҳисобига тўлдирилди. Ундан ташқари, вилоят халқ таълими бўлимлари билан келишиб, шартнома асосида жойлардан талаб қилинган миқдорда ўқувчилар қабул қилиниши ҳам йўлга қўйилди.

Талабаларнинг ўқув йили давомидаги фаолиятига келсак, одатда ҳаётга эндигина мустақил қадам қўяётган ўсмирларнинг кўпчилиги шаҳарга келгач, қимматли вақтларини беҳуда ўтказишга мойил бўлишади. Шу сабабли ушбу жамоага узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган Мунаввар опа Исмоиловадан талабалар маънавий дунёсининг шаклланиши, уларнинг ўқиши, дам олиши борасида билим юрти жамоаси нима ишлар қилаётганлиги билан қизиқдик.



Билим юртида меҳнат таълимидан ҳам сабоқ берилди.

Р. Нурибоев сурати

## ОРЗУ ҒУНЧАЛАРИ

— Ешларни эндигина кўкка бўй чўзаётган навниҳолга ўхшатаман, — дея сўз бошлади Мунаввар Юсуповна. — Ниҳолга яхши парварниш берилса, у тезда қаддини ростлаб олади. Шунинг учун тарбиянинг юз фоизини ёпикдан бошлаш керак. Бизнинг талабалар ўқишни тугатгач, тўғридан-тўғри болалар тарбияси билан машғул бўладилар. Бу жуда катта масъулият. Чунки мурғак ўқувчиларни уларнинг ихтиёрига ишониб топширишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис уларнинг маънавий камолотга эришувида ўта зийраклик билан муносабатда бўламыз. Бунинг учун йилда икки марта ота-оналар мажлиси қақрилади. Ўқувчиларнинг, айниқса қизларимизнинг маънавий дунёқарашига, фелъ-атворига, кийинишидаги ўзгаришларга жиддий муносабат билдирамыз. Ешларнинг ётоқхоналаридаги ҳаёти самарали ўтиши учун шароитлар етарли. Муסיқа, мақом тўғрақлари, спорт заллари мунтазам ишлаб туради. Тарбиячилар ўқувчиларнинг ётоқхонада юриш-туришларини қаттиқ назорат қиладилар. Бу тадбирлар енгилтақ ёшлар содир қилиши мумкин бўлган нохуш ҳодисаларнинг олдини олади. Шуниси қувончлики, билим юртимизнинг асосий кўпчилик талабалари бўлган қизларимиз орасида интизомсизлари деярли йўқ. Ахир бўлажак тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак-да. Шу боисдан тар-

бия бу ерда бош масала. Бу ўқитувчиларимизнинг, билим юрти жамоасининг тинимсиз меҳнати натижасидир...

Ҳа, Мунаввар опанинг гапларида жон бор. Билим юртидаги 1 минг 700 нафар талабага 153 ўқитувчи таълим-тарбия беради. Илм даргоҳида 5 нафар СССР Халқ маорифи аълочиси, 3 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, 25 нафар халқ маорифи аълочиси, 20 нафардан зиёд малакали ўқитувчилар фаолият кўрсатишади. Айниқса, Маҳмуда Одилова, Эргаш Каримов, Улту Мешитбоева, Қаҳҳор Абдураҳмонов, Валентина Кожуховская каби ўқитувчилар аллақачон билим юртининг фахрига айланганлар.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши муносабати билан билим юртининг ўқув режаси қайта кўриб чиқилди. Ўтмишдаги адолатсизликни қарангки, ўқув режасида рус тилини ўқитиш учун ажратилган соатлар икки баравар кўп экан. Уларни қисқартириш ҳисобига ўзбек тили ва адабиёти дарслари, рус гуруппаларига эса ўзбек тили дарслари соати кўпайтирилди. Билим юртининг барча талабалари рус тилини мажбуран эмас, балки катта иштиёқ билан ихтиёрий ўрганмоқдалар, бу эса ҳеч бир талабада эътироз уйғотмайди. Билим юртида ўтказилган «Ўзбек тили» кечаси ёшларда катта таассурот қолдирди. Кечادا рус гу-

рухларида таҳсил олаётган талабалар ўзбек тилида шеърлар, қиссалар айтишди, «Келинлар кўзголини» спектаклидан бир кўриниш ижро этилди. Залда дeryли бўш ўриндиқлар қолмади. Бу тадбир рус гуруҳларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўзбек тилига бўлган ҳурматини яна бир қарра намойиш этди.

Лекин, шунинг тан олиш кераки, билим юртида ҳал этилиши керак бўлган муаммолар ҳам талайгина. Жумладан, ўқув зоналарини, фан кабинетларини компьютерлар ва янги ўқув жиҳозлари билан таъминлаш зарур. Ётоқхоналарга совутигичлар, телевизорлар ўрнатилш керак. Бунинг учун ўз-ўзидан маълумки, билим юртининг моддий-техника базаси мустаҳкам бўлиши талаб қилинади.

Махсус сабоқ билим юртидан қайтар эканмиз, яқиндагина кириш имтиҳонларини топшириб талаба деган номга сазовор бўлган гулгун чеҳраларни кўриб, уларнинг ўзлари танлаган касбдан, меҳрибон устозларидан маннун эканликларини ҳис қилдик. Келажакда бу талабалар ўз касбларининг сирли қулфини ўзга инсонларга очаверадилар. Уларнинг қалбига, турмушига маънавий уруғларини сочиб, ҳар бир ёш авлодининг ҳаёт йўлини тўғри топишида мураббийлик қилаверадилар. Оруз, гунчалари япроқ ёзиб, барқ уриб гуллайверди.

Ноира ТОЖИЕВА,

«Гулистон» жаридаси муҳбири



# Чокар шеърляти

Ригадаги байтда ана шунга ишора бор ва мазкур байтлардан воз кечилганининг сабаби ҳам шундадир. «Танланган шеърлар» китобининг 13-бетида «Не аҳвол» сарлавҳаси билан унинг бир шеъри келтирилади:

*Жаҳонга, билмадим, бўлмиш  
не аҳвол,  
Қилур ҳар кунда пайдо ўзга  
бир ҳол,—*

мисралари билан бошланувчи ва давр зиддиятларидан нолиш руҳида яратилган бу шеърнинг қўл-ёзмадаги охириги байти тушириб қолдирилган. 902-рақамли девоннинг 301-бетида жойлашган мазкур шеърнинг хулоса байти шундай:

*Қиёматни аломати бу,  
Ки, тез чиқгуси тонгла  
эмди дажжол.* Чокар,

Ривоятга кўра, дажжол қиёматда эшакка миниб келармишу, халқ бошига турли офатларни солармиш. Чокар ушбу шеърда ана шу афсонага ишора қилади ва бунинг ёрдамида ўз даври иллатларини очиб беради. Гарчи байтда диний мазмун берилаётган бўлса ҳам, бироқ ундан келиб чиқадиган хулоса ижтимоийлик касб этади, яъни мазкур мисралар шоирнинг даврга нисбатан ҳукмини ёфдаламоқда.

Шунингдек, шоирнинг эълон қилинган шеърлари орасида диний атамаларнинг ўзгартирилган ҳолда берилганини ҳам кузатишимиз мумкин. 902-рақамли девоннинг 294-бетидаги «Насихат манга берма...» деб бошланувчи шеърдаги:

*Маломат қилурсан мудом  
Агарчи ўзинг хумсаи мода  
ҳақ элин,  
шайх,—*

байтидаги «ҳақ» сўзи «Ўзбек адабиёти» китобида «ишқ» тарзида ўзгартириб берилган. «Танланган шеърлар»да эса бу байт бутунлай тушириб қолдирилган. Қўриқиб турибдики, мазкур мисраларда диний атамалар қўлланилган бўлса-да, бироқ шеър моҳияти мистикадан йироқ, аксинча, уларда илгор фикрлар мавжуд.

Бу фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитига сезиларли таъсир кўратган Мухаммад Юсуф Харратов — Чокарнинг Октябрь инқилобига бўлган ижоди устида бошланган тадқиқот ишлари давом эттирилиши лозим.

Гулсара ИСМОИЛОВА,  
Бобур номидаги адабиёт институтининг илмий ходими

нинг деярли барча жабҳаларини кўздан кечириб чиқади ва фикрларини шоирнинг бутун мероси асосида баён қилади. Бироқ бу кузатишларда шоирнинг фақат соф ижтимоий мазмунни ёфдаловчи ҳамда лирик мавзудаги шеърларига тадқиқот доирасида қамраб олинган. Ҳолбуки, шоир меросида ишқий йўналишда ёки мистик қобикқа ўраб, анъанавий диний бағишлов тарзида бошланган, аслида илгор фикрли қарашларни ёфдаловчи бир қанча шеърлар ҳам борки, уларнинг асл моҳиятини ва унда кўзланган мақсадни илғаб олиш қийин эмас.

Ҳар бир асарни чуқур ўрганиб, унинг асл баҳосини бериш ва ўрнин белгилаш, кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш лозим. Зеро, Чокар адабий меросини қайта кўздан кечириш, унинг тарихий ва маданий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатувчи асарларини эълон қилиш кун тартибига турган вазифалардандир.

Шу мақсадда Чокар шеърлари жамланган девон ва қўлёзма баёзларни кўздан кечирар эканмиз, унинг ижтимоий аҳамиятга молик кўплаб шеърларига дуч келамиз. Шунинг ҳам айтиш лозимки, мазкур девонларда шоирнинг соф диний характердаги ва мадҳия руҳида яратилган шеърлари ҳам мавжуд. Бироқ бу тахлит шеърлар Чокар ижодининг ижтимоий аҳамиятига соя ташлай олмайди. Шундай шеърлар ҳам учрайдики, гарчи уларнинг илк мисралари диний мазмун ва руҳда бошланса-да, аслида асар маъзани насаҳатгўйлик ташкил этади. Мисолларга мурожаат қилайлик. 901-рақамли девоннинг 109-бетида шундай мисралар бор:

*Оллоҳ, қил ўзинг лутфу карам  
мискин гадоларга,  
Ки, то зор ўлмасун онлар жаҳон  
ичра агнийларга.*

902-рақамли девондан ҳам бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин, масалан:

*Риёсиз сунний эшон қолмади  
олам аро, англам,  
Бу ишлар бор қиёматдин аломат,  
эй мусулмонлар.*

Англашиладики, «мискин гадолар», «риёсиз сунний эшон» бериқамали шоирнинг кўзланган мақсадни ва унинг давр муаммоларига бўлган муносабатини белгилаб турибди. Бироқ, афсуски, мазкур мисраларда шоирнинг мурожаати, изтирофи ёфдаласида атиги хитоб сифатида жаранглаётган «оллоҳ» ва «эй, мусулмонлар» сўзларининг қўлланилиши бу тахлит шеърларнинг мистик мазмундаги шеърлар таркибига киритилишига ва оқибатда шу пайтгача назардан четда қолиб кетганлигига сабаб бўлган. Ҳатто Чокарнинг эълон қилинган шеърлари орасида диний сўзлар учраган байтлар ҳам бўлган. Масалан, 902-рақамли девондаги «Хивақ» радифи шеърнинг қуйидаги икки байти Чокар «Танланган шеърлар» китобида учрамайди:

*Жаҳон офатларидан гар  
саломаат қолсанг тонг йўқдур,  
Эрур ўргасида лангар  
ошинг Полвон ота, Хивақ.*

*Ҳақ деб ҳар киши ихлос ила  
қилса талаб анда,  
Агар бўлса заво, қилгуси  
беҳад агний Хивақ.*

Хоразм вилоятида Полвон Пир деган муқаддас жой бўлиб, кўп замонлардан бери одамлар унга сиғиниб келадилар. Нақл қилинишча, бирор армон, дарди бор одам бу даргоҳга зиёратга келиб, ҳовузига танга ташласа ёки дархатларига оқ чит боғласа, кўн-

## ҚАЙСИ ҚУШ

### КЎП ЯШАЙДИ!

Эртақларда, қушларнинг ишқибозлари томонидан сўзланган ҳикояларда: «Оз йил яшаган қарға», «Оз йил яшаган тўти» деган сўзларни жуذا кўп эшитганмиз. Ва албатта уларга ишонганмиз. Ваҳоланки қарға ҳам, тўти

ҳам шунча йил яшамас экан. Гарчи ҳайвонот олами ҳақида ҳикоя қилувчи машҳур китобларда қарғалар тутқинликда 70 йил яшагани айтиб ўтилса-да, бу ҳам ҳақиқат эмас экан. Улар 50 ёшдаёқ қарий бошлар эканлар. Кузатишлар шунини кўрсатадики, қушлар ичида энг кўп йил яшайдигани — бойкуш экан. У тутқинликда роп-пароса 68 йил умр кўрган.

## ЯЛМОҒИЗ МУШУКЛАР

Инглиз жонзотшуносларининг ҳисоб-китобларига қараганда, англияликларнинг ҳонадонларида яшайдиган мушукларнинг умумий сони 5 миллионга экан. Улар бир йилда тахминан 50 миллиондан зиёд каламуш, 20 миллионга яқин ҳар хил қушларни тутиб истеъмол қилишади.





# КАКЛИК ОВИДА

(ОВЧНИНГ ЕН ДАФТАРИДАН)

— Мутал ака, бўлмаса, сиз овингизни шу какликлардан бошланг, мен сойнинг у бети-дан бошлай, кейин ҳу, анаву кўриниб турган мрамар тошлар олдида учрашамиз.

Мутал ака шоша-пиша милтигини ўқлаб, қоятош томонга югуриб кетди. Овимизнинг ўнгидан келганлигиданми ё какликларнинг кўплигиданми, бирон соат ўтар-ўтмас беш-тасини ов халтамга солиб олдим. Оқ тошлар олдига бориб, Мутал акани анча кутдим, аммо ҳа деганда дарағи бўлавермади. Бироз ўтиб, тошлар орқасидан бир какликнинг сайраши эшитилди. Уша томонга паналаб аста ўтсам, Мутал ака ҳам шу ерда экан. Милтиги ерда, кўзи сайраётган какликда (менинг келганимни сезгани ҳам йўқ)— бутун вужуди билан берилиб тинглаётган экан. Мен тош устида сайраб турган каклики мўлжаллаб отмоқчи эдим, Мутал ака:

— Тўхтанг, ноинсоф! Бошқа какликлар кўриб қолгандай, шу сайраб турганини отасизми?— деб отгани қўймади.

Бўм-бўш халтасини кўриб, Мутал акадан сўрадим:

— Сиз овга келдингизми ё сайрашини эшитганими?

— Биласизми,.. қандай қилиб сайраб турган какликини отиб бўлади? Сайрашини эшитсам, овга келганимни ҳам унутиб қўяман. Учганини отсам, ҳаяжонланаянман шекилли, ўқим тегмаляпти...

Чодиримизга қайтар эканмиз, қоялар орасига бекинаётган қуёш кечки нурлари билан қорли чўққиларни ва қоятошларни пушти ранга бўяб қўйди-да, кейин бу ўзи яратган ажиб манзарани тун пардаси билан ёпиб қўйди... Овимизнинг биринчи куни таассуротлариданми ё тун сукунатики бузаётган сойнинг шовқиниданми, алламаҳалгача ухлай олмадик.

Саҳарда туриб, бир сихдан каклик кабоб еб, орқасидан бир пилладан чой ичиб олиб, яна каклик овини бошлаб юбордик. Тонгда какликлар жуда зийрак бўлишди, ўзларига яқинлаштиришмайди. Пешиндан кейин «нонушта»ларини қилиб бўлгач, «қуёш ваннаси»ни қабул қилиб, яъни тупроққа чўмилиш билан овора бўлганда устидан қичиб қолишингиз мумкин.

Аммо тонг ғира-ширасида тошлоқларда тунаган какликларни ҳам яқиндан учратиш мумкин. Тошлоқда тунашларининг бир афзаллиги бор: тунда муғамбир тулки яқинлашса, бирон қулаган тош хавфдан огоҳ қилади. Ҳатто тунаганда ҳам ҳаммаса дум томонларини ички томонга буриб, «айланма» шаклда ўзларини ҳимоя қилишади. Какликлар хавфини сезганда шовқин-сурон кўтариб пастга учинади. Агар душман узоқда бўлса, баяндага йўрғалашади.

Бугун ҳам Мутал аканинг омади келмади. Қайтишимизда Мутал ака сойдан юқорига кўтарилаётган какликларни мендан олдин кўрса ҳам қўштарини елкасидан олиб, тезроқ отиш ўрнига:

— Ана, какликлар, сиз ота қолинг,— деди менга.

— Йўқ, сиз олдин кўрдигиз — отиш сиздан. Бу орада какликлар узоқлаб кетишиди.

— Менга каклик ови тўғри келмас экан,— деди Мутал ака ўзини оқламоқчи бўлиб.— Буларни отишга қўлим бормаляпти.

Эртасига қўшни сойга ўтадиган бўлдик. Бир-иккитадан каклик отиб, чодирга қайтиб қозонимизга ёввойи шолғом барглари ва кийик ўтлардан солиб, какликлардан қайнатма шўрва тайёрладик.

Эртасига Мутал ака балиқ овламоқчи бўлди. Мен яна каклик овига кетдим. Кечқурун келсам, Мутал ака ўчоқ олдида чой ичиб ўтирибди. Жуда хурсанд. Олдида новдага тизилган ҳар бири ярим килодан кам келмайдиган тоғ хонқорабалиғи.

— Қўшниларга каклик ўрнига балиқ қовуриб берсам ҳам бўлаверади. Бу сой роса балиқнинг қони экан-ку. Бир хуржун ушлаб, сувга бекитиб келдим,— деди у.

Кечки овқатга Мутал аканинг овидан балиқ кабоб қилиб едик. Қишлоққа қайтадиган бўлдик. Бамайлихотир чойдан кейин уйга совға учун қорақанд мевасидан анча териб олдик ва келганимиздан бери яйловда ўтлаб юрган эшакларимизга ов анжомларимизни юклаб, сойга тушдик. Мутал ака сувга тушиб, этги учи билан балиқ тизилган капрон ипини қидира бошлади. Йўқ. Кейин қўли билан қараб қикди. Охири мен ҳам ёрдамга бордим. Ялпизларни оралаб бораётсам оёғимга бир нарса илингандай бўлди. Ажриқ илдизлари бўлса керак деб қарасам, Мутал аканинг қармоқ ипи экан. Учида балиқларнинг беш-олтита калласи қолибди, холос.

Мутал ака таажужуланиб:

— Буни тулки қандай қилиб сувдан топиб олганикин-а?— деди.

— Тулки — тулки-да,— дедим кулиб.

Кечқурун овдан қайтганимизни эшитганлар яна йиғилишди.

— Мутал ака, овингиз қандай бўлди?— деб сўрашди қизиқиб кўни-қўшниллар. Мутал аканинг гапиришга ҳам ҳоли йўқ эди. Мен сир бой бермаслик учун Мутал акани ва унинг қўштарини мақтадим:

— Шу ўзиям зап милтиқ экан — какликлар томон отсангиз бўлди, тегмасдан қолмайди.

Шунда совхоз бригадири, кўлқари полвонларидан бири Машир ака Мутал акага илтимос қилиб:

— Шу қўштарингизни менга эсдалик учун сотиб кетсангиз яхши бўларди, совхоз боғини қоровуллага жуда керак-да,— деб қолди. Овининг ўнгидан келмаганини энг аввало қуролидан кўрганиданми ё бошқа сабабданми, Мутал ака дарров рози бўла қолди.

Эртасига Тошкентга қайтдик. Шу-шу Мутал акани учратганим йўқ эди.

Яқинда Анрасой кўлларига, ўрдақ овига бордим. Шунда қўл бўйида Мутал акани учратиш қолдим. Ҳаво тўлдирилган қайиқчасига ўтириб олиб, балиқ овлаётган экан. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг:

— Ҳали ҳам янги қўштар олмаганга ўхшайсиз-ку? Е овчиликдан воз кечдингизми?— деди.

— Йўғ-ей! Очиғи, сайраб турган, одамларни яшашга, яхшиликка ундаб турган қушларни отиб бўлмас экан... Уша сайроқи каклик менга катта сабоқ бўлди.

— Балиқларни қийратсангиз майлими, нима, уларнинг жони йўқми?

— Балиқми?— деди Мутал ака бепарволик билан. — Балиқлар ўзларидан кўришсин. Қармоққа нафсларидан илинадилар, нафсларидан. Уларни қанча қийратсанг ҳам кам.

Мутал аканинг гаплари менга ҳам қаттиқ таъсир қилди. Шу-шу энди Мутал мерган билан эмас, Мутал балиқчи билан ов қиладиган бўлдим. Ҳа, биз аввал нафс бандаларидан қутулишимиз керак экан.

Юсуф ЖУРАЕВ

Ф

Фараз қилинг: тоғнинг арчазор ён-бағирларидан таралаётган какликларнинг сайраши дилингизга ширин кайфият бахш этапти. Кумфонингиз чойга таклиф қилаётгандай вақир-ляпти... Шундай дамларда ёнингизда ҳамроҳингиз бўлмаса буларнинг ҳаммаси сизга татимайди.

Кечқурун Мутал ака билан бутун Бахмалга машур темирчи Уста Соат аканига етиб келдик. Уста ва унинг кўни-қўшнилари билан алламаҳалгача гап-лашиб ўтирдик. Мутал ака уларга шаҳар янгиликларидан ташқари ўзи ясаган суяк сопли ов пичоғини, ота-бобосидан мерос қолган қақмоқли қўштарини намойиш қилди. Айниқса, кузги ўрдақ овида шу қўштар билан бир ўқ отиб, етти чуракни уриб туширган ҳақида гапириб, ҳаммани ҳайратда қолдирди.

Тонг отар-отмас ов анжомларимизни эшакларга юклаб, тоққа жўнадик.

Тағоб сойининг тоқшин сувларини кечиб ўтиб, сербулоқ ва ҳамиса кўм-кўк ўтлар билан қопланган, номига монанд «Кўк қўтон» яйловига кўтарилдик. Рўпарамизда Молгузар тоғининг қизғиш қоялари, ўнг томонимизда эса Туркстон тизма тоғининг қорли чўққилари ва пастда тоmlарига пичан бостирилган Тағоб ва Сарюзи қишлоқлари кўриниб турарди.

Энг аввало ишимизни чодир ўрнатишдан бошладик. Тоғнинг оби-ҳавоси ўзгарувчан: бир куннинг ўзида жазирама иссиққа, арчаларнинг шохини синдиргудек шамол ва ёғиру қорга дуч келишингиз мумкин. Ҳатто саратон палласида тушган тунги совуқ яшил ўтларни қорайтириб қўядиган кунлар ҳам бўлади.

Чодирни ўрнатиб, ичига арча шохлари билан хашак ёйиб, устига пўстин ва кўрпачаларимизни тўшадик. Чодирнинг ўрта устунига тош чироқ, «транзистор» ва сочқк ийиб қўйганимиздан кейин уйимиз «тоғ меҳмонхонаси»га айланди.

— Мутал ака, сиз ўтин териб келинг. Мен ўчоқ масаласини ҳал қилай,— деб, «қурилиш материаллари» қидириб кетдим. Мен ўзимча оқ кварц тошидан ўчоқ қилишни ёқтираман. Атрофдаги тоғларда кўп учрайдиган қора қатлама тош графит эса, қизғанда портлаб, шавқингизни учиради. Учта ошини юмалатиб, ўчоқ қуриб чой қўйдим. Чодирингиз олдида кечқурун гулхан ёниб, чўғлари ловуллаб турмаса, суҳбатингиз қовушмайди-да. Бирор ҳамроҳингизнинг ҳикоясини, унинг юзидати ҳаяжонланиш, ўзгаришларини аланга шуъласи ёритиб турмаса, берилиб тингламайсиз ҳам.

Арчанинг чарсиллаб, ловуллаб ёнишидан кумғонимиз ҳам бир зумда қайнай қолди.

— Чойни тезроқ ичайлик-да, овни бошлайлик. Бугунги кечки овқатимизда бир-иккитадан каклик келтирсак дуруст бўларди,— дедим Мутал акага.

— Нега энди бир-иккитадан бўлар экан? Отсак ўн-ўн бештадан отайлик-да,— деди Мутал ака патрон халтасини кўрсатиб. Сўнг: «Шу патронларимга яраша каклигингиз борми тоғингизда? Билиб қўйинг, биз маҳалла чемпиони Мутал мерган бўламиз!» деб мақтаниб ҳам қўйди.

Шу пайт устимиздан бир гала какликлар учиб ўтиб, булоқ устидаги қоятошга қўнишди.



**ТОВАЛЛО**  
ТАВАЛЛО

## اوز وجدان – وجوديمه خطاب

ای قولیم پول توتمه هیچ ملتگه یاردم لشمه سنگ  
بولمه خوشنود ای دلیم ملت غین غلشمه سنگ  
روشن اولمه ای کوزوم یاشینگ تکوب نلشمه سنگ  
فکریم آچیلمه اگر شعرینگ یازیب هلمشمه سنگ  
چیق ایچیم دن جانیم ای سن منگه همدلشمه سنگ

لال اگر اولسون تیلیم مدین بولسکنی سويله سه  
زخم یتسین خوشه ملت دین دیگری اوپله سه  
هیچ دماغ آچیلمه سون کیم اوزگه کلنی بویله سه  
تویمه سون قارنیم منی بیر کونده بهش توی تویله سه  
چیق ایچیم دن جانیم ای سن منگه همدلشمه سنگ  
سای آقرسه قیغو ملت ده یاران لر شاد من  
تاسمه تینسی یاشلریم اورنیغه قانلر شاد من  
حسرت ملت اوچون قیلم فغان لر شاد من  
اوککیدیک توتتم خرابک ده مکان لر شاد من  
چیق ایچیم دن جانیم ای سن منگه همدلشمه سنگ  
کوردی ایلی کوزلریم بیری زره عبرت لشمه دی  
باشقه لر قیلغانین بیلدی غیورت لشمه دی  
برچه ایلدین آرت ده قالب هم جرعت لشمه دی  
ملت اوچون قیغورورگه دل همیت لشمه دی  
چیق ایچیم دن جانیم ای سن منگه همدلشمه سنگ

دائما یوردیم بی کار ملتگه خدمت قیلمه دیم  
ییدیم ایچدیم اوخله دیم ملت نی قدرین بولمه دیم  
اوزگینم نی اوپله دیم ایل و پورت نی کوزگه ایلمه دیم  
جهل دین شربت ایچیب خاطرده اوزگه کیلمه دیم  
چیق ایچیم دن جانیم ای سن منگه همدلشمه سنگ  
بیهوده پول صرف ایتهب اوچ پول گزیتگه بیومه دیم  
منگه کیم قیلدی نصیحت لر سوزیگه کیرمه دیم  
آلمه دیم ژورنال گزیت هر سطریدن گل تیومه دیم  
ملتیم احوالینی یاد یگه هم کیلتمه دیم  
چیق ایچیم دن جانیم ای سن منگه همدلشمه سنگ  
دید یلر بس قیل تولا شعرلر منظور ایمس  
ملتیی محو اولسه پهروا قیلمه یورلر غم ایمس  
بونلرینگ شوربا یلاو نارین یسیان چای ایچسه بس  
سونگره ایکی یلکه سیگه تیسه لر هم اینده بس  
چیق ایچیم دن جانیم ای سن منگه همدلشمه سنگ

## Ўз виждон — вужудима ХИТОБ

Эй, қўлум, пул тутма ҳеч, миллатга ёрдамлашмасанг,  
Бўлма хушнуд, эй дилим, миллат гамин ғамлашмасанг,  
Равшан ўлма, эй кўзум, ёшинг тўқуб намлашмасанг,  
Фикрим очилма, агар шеъринг ёзиб ҳамлашмасанг,  
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Лол агар ўлсун тилим, муңдин бўлакни сўйласа,  
Захм етсин хуша миллатдин дигарни ўйласа,  
Ҳеч димоғ очилмасуң, ким ўзга гулни бўйласа,  
Тўймасун қорнум мани, бир кунда беш тўй тўйласа,  
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Соч оқарса қайғу миллатда, ёронлар, шодман,  
Томса тинмай ёшларим, ўрнига қонлар, шодман,  
Ҳасрати миллат учун қилсам фиғонлар, шодман,  
Уқкидек тусам хароботда маконлар, шодман,  
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Кўрди элни кўзларим бир зарра ибратланмади,  
Бошқалар қилгонин билди, ғайратланмади,  
Барча элдин ортда қолиб ҳам журъатланмади,  
Миллат учун қайғурурга дил ҳамиятланмади,  
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Доимо юрдим бекор, миллатга хизмат қилмадим,  
Едим, ичдим, ухладим, миллатни қадрин билмадим,  
Ўзгинамни ўйладим, эл-юртни кўзга илмадим,  
Жаҳлдин шарбат ичиб хотирда ўзга келмадим,  
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Беҳуда пул сарф этиб, уч пул газетга бермадим,  
Менга ким қилди насихатлар сўзига кирмадим,  
Олмадим журнал, газет, ҳар сатридин гул термадим,  
Миллатим аҳволини ёдимга ҳам келтурмадим,  
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Дейдилар, бас қил, Тавалло, шеърлар манзур эмас,  
Миллати махв ўлса, парво қилмаюрлар, ғам емас,  
Бунларинг шўрбо, палов, норин ебон чой ичса бас,  
Сўнгра икки елкасига тепсалар ҳам индмас,  
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Машқ муаллими Ҳамид Абдуллажонов.

«Магазинга қази, колбаса, пишлоқ, қизил увилдириқ (икра) келган экан, сифат белгиси йўқлиги учун олмадим».

**(Шохбоз лофчининг гапи)**

«Селитрали мева истеъмол қилгани учун ёшларнинг бўйи узун, гапи бемаза бўлиб кетаётир».

**(Қариялар суҳбатидан)**

«Нарх-наво шу қадар кўтарилиб кетаяптики, унга ракетада ҳам етиб бўлмапти».

**(Харидорларнинг нолиши)**

«Сталина исмимни Усталина деб ўзгартирмоқчиман».

**(Арзномадан)**

«Агар уч гилдиракли автомобиллар ишлаб чиқарилса, жуда кўп материал тежалар эди».

**(Хомхаёл «ихтирочи»нинг таклифи)**

«Чинни заводларимиз миллионлаб чойнак, лаган ишлаб чиқарса ҳам магазинларда уларни топиб бўлмайди, лаганбардор амалдорлар лаганларни қаёққа жўнатаётган экан?»

**(Тўй қилаётган аёлнинг ҳасрати)**

«Вой айланай овсин, ҳозир келин топишдан мебел топиш қийин бўлиб кетган».

**(Мебел қидириб сарсон бўлган онанинг вовойлоси)**

«Отахон, бир сўмлик носвой беринг десам, шаҳар пропискасида бормисан дейди-я!»

**(Сигарета тополмай носвойга ўтган кашанданинг ажабланиши)**

«Агар уйингиз эшигига гаражга ўхшаб учта қулф ўрнатсангиз, хавфдан холи бўласиз».

**(Милицонернинг маслаҳати)**

**И. АБДУЛЛО**

\* \* \*  
«Рўзика сигирнинг, сигир эса Рўзиканинг тилига тушунарди»

**(Газетада чиққан лавҳадан)**



«Менга товусингиздан икки ўлчов, сув парисидан уч ўлчов беринг».

**(Харидорнинг соғувчиға мурожаати)**

«Қиёматли дўстимнинг тўйида «хинд чойи» деб ўйлаб, бир чойнак коньякни билмасдан ичиб қўйибман. Ўз хошим билан ичмаганлигимни ҳисобга олиб, мени қўйиб юборишингизни ўтииб сўрайман».

**(Хушёрхонаға тушган ориза)**

**М. ТОШБОЕВ**



## ФОТОАЙБНОМА!

Янгийўл ноҳиясида табиатга муносабатни кўриб, таъбингиз тирриқ бўлади. Сиз кўриб турган бу аянчли аҳволга дарҳол чек қўйилиши керак!

Суратда: «Ленинизм» жамоа хўжалигининг 12-бригадаси даласида — очик ҳавода сақланаётган кимёвий ўғитлар уюми.

Сураткаш А. Горокрик (ЎзТАГ)

Бир фирибгар Афандига ҳасрат қилибди:

— Э, ошнам, қарзларим жуда кўп, узолмай ўлиб кетаманми дейман. Азроилдан кўрқаман.

— Авваламбор, мен сенинг ошнанг эмасман. Иккиламчи, хотиржам бўл, — қарзларинг шунчалик кўп бўлса уни то узгунингча Азроилнинг ҳам эсидан чиқиб кетасан.

\* \* \*

Даллол бозорда Афандидан сўрабди:

— Афанди, шайтон қанақа бўлади?

— Ойнага қарасанг биласан, — деб жавоб берибди Афанди.

М. ТОШБОВ

Мухбир картошка сотаётган семиз йигитга савол билан мурожаат қилди:

— Деҳқон йигит, бозор иқтисодиётига ўтишга тайёрмисиз?

Картошка харид қилаётган Афанди йигит учун жавоб берди:

— Бу олибсатар бозор иқтисодиётига йигирма йил бурун ўтган.

\* \* \*

Бир милиционер Афандига ўз болаларини бир-бир кўрсатиб, таништирди:

— Мановисининг оти Ханжарбек, ановисиники Қиличбек, мановисининг оти Танка полвон, аनावисиники Автаматбек...

— Уйингиз қурол-аслоҳа омборига айланади кетибди, — дея унинг гапини бўлди Афанди, — ўзингизнинг отингиз Сопқонбой бўлса керак?

— Йўқ, отим Тўпшонча... — деди милиционер.

А. ИСОМИДДИНОВ

## ҚАТРАЛАР


\* \* \*

Луқмонов етиштирган тарвузларини яхшигина пулга сотди. Сотилмай қолган бир дона тарвузини қўлига олиб: «Кел, бир мазасини кўрайлик-чи» деб, еб кўрувди шу захотиёқ тоби қочиб, шифохонага ётқизилди. Даволаниш учун тарвузидан топган даромади ҳам етмай қолди.

Кўргулик-да! Ҳасанов бугун хужжатини уйда қолдиргани учун ўзига ажратилган ярим кило сариёғни магазиндан ололмади. Унга тегишли сариёғни «увол бўлмасин» деб кечқурун сотувчи ўз уйига олиб кетди.

О. ҚУЧҚОРБЕКОВ

## «МУСИҚА» ТИЛСИМИ



Жавоблар шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат йўналишида ёзилади.

1. Ўзбек мусиқа маданияти намояндаси, «Шашмақом» тўплами муаллифи.
2. Ўзбек халқ рақс куйи.
3. Мақомлардан бири.
4. Қўшиқ ижрочиси, уста ашулачи.
5. Пуфлаб чалинадиган миллий мусиқа асбоби.
6. Машҳур халқ куйларидан бири.
7. Алишер Навоий достони асосида яратилган мусиқали саҳна асари.
8. Дўмбира чалиб достон ва термалар айтувчи халқ ижодкори.
9. Ўзбек театри саҳнасининг истеъдодли раққосаси.
10. Баъзи мусиқа асбобларини чалишда қўлланиладиган мослама.
11. Икки торли, пардасиз, чертиб чалинадиган қадимий соз.
12. «Шашмақом» ашула бўлимидаги биринчи гуруҳга кирадиган шўбалар номи.
13. Жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган ўрта осиелик қомусий олим, «Мусиқа ҳақида катта китоб» асари муаллифи.
14. Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи.
15. Ўзбекистондаги ашула ва рақс ансамблларида бири.
16. Хоразмнинг шўх оммавий рақс куйи.
17. Доира ва қайроқлар билан ижро этиладиган бухороча рақс.
18. Утмишда аёллар куй ижро этган тилчали чолғу асбоби.
19. Мусиқа асарининг муқаддима қисми.
20. Торли чолғу асбобларидаги товуш бўғинлари.
21. Юнус Ражабий мусикаси билан айtilадиغان лирик кўшиқ.
22. Чертиб чалинадиган торли чолғу асбоби.
23. Кўшиқнинг такрорланадиган қисми.
24. Мақомларни ўрганган ўрта аср мусиқашуно бастакори, олим ва шоир.

ТУЗУВЧИ: Фозилжон ОРИПОВ

## 10-СОНДА БОСИЛГАН «ТАРИХ САҲИФАЛАРИ» ТИЛСИМИНИНГ ЖАВОБИ

1. Хоразм.
2. Мовароуннаҳр.
3. Расадхона.
4. Афшона.
5. Афросиёб.
6. Бақтрия.
7. Янгикент.
8. Тешиктош.
9. Шош.
10. «Широқ».
11. Қўқон.
12. Наршахӣ.
13. Йилнома.
14. «Авесто».
15. Обираҳмат.
16. Тупроққалъа.
17. Ахсикат.
18. Тўмарис.
19. Сўғдиёна.
20. Арк.
21. Кеш.
22. «Шашмақом».
23. Мирхонд.
24. Дегрезлик.
25. Кўшон.

МУҚОВАДА:

Дастурхонимизнинг кўрки, безаги, Ўрта Осиё ноиларидай хуштаъм, тўйимли неъмат қаерда бор?

Сураткаш Р. Нуринбоев



Бузоқчам. Сураткаш Р. НУРИНБОВЕВ.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулстон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Босмахонага туширилди 18.10.90. Босишга руҳсат этилди 25.10.90. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури

босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 141629. Буюртга 3974. А — 137. Ваҳоси 35 т. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000. Тошкент—II, «Правда» газетаси кўчаси, 41.



Кўли Қуббон соҳиллари Қораденгиз бўйларидан минг бора зиёда...

Сураткаш Р. Нурибоев

Сураткаш Р. Нурибоев

SM

